

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Х. Р. ХАЙДАРОВА

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ
ШАРОИТИДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ
ВИРТУАЛ-ПЕДАГОГИК
МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

(Монография)

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 37.018.11
КБК 58(47)
X 18

Х.Р.Хайдарова. Ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш масалалари. Монография. –Т.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi» 2022, 216 бет.

ISBN 978-9943-8529-2-1

Монографияда ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш масалалари назарий-методологик жиҳатдан ёритилган. Хусусан, ахборотлашган жамият шароитида виртуал–педагогик маданиятни ривожлантириш учун онгли филтрлаш асосий омил сифатида социологик сўровнома асосида ўрганилган натижалар берилган. Ота-оналарнинг ёшларга муносабатлари, уларнинг виртуал оламдаги хулқ-атворлари, ижтимоий сайтларда турли гуруҳларнинг шаклланиши, ахборот истеъмол эҳтиёжларини қондирилишида хулқ-атворнинг шаклланиши, шунингдек виртуал оламда ҳар иккала тоифа муносабатлари социологик сўровнома асосида таҳлил қилинган.

Монография ФЗ-2020010829-сонли лойиҳа доирасида нашрга тайёрланган.

Монография барча ота-оналар, педагог-тарбиячилар, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ходимлари, айниқса, ўсиб келаётган ёшлар учун мўлжалланган.

**УЎК: 37.018.11
КБК 58(47)**

Масъул муҳаррир:

З.Э.Азимова – Андижон давлат университети профессори, педагогика фанлари доктори.

Тақризчилар:

Х.Ж.Худойқулов – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети “Педагогика ва умумий психология” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори;

М.Б.Артиқова – Андижон давлат университети “Мактабгача педагогика” кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, доцент;

З.Б.Ахророва – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети “Педагогика ва умумий психология” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

Монография Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий-техникавий Кенгашининг 2022 йил 27 июндаги №6-сонли мажлис қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-8529-2-1

© «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi» – 2022.

КИРИШ

Жаҳонда содир бўлаётган глобал ахборий ўзгаришлар ва уларнинг ёшлар тарбиясига маънавий-ахлоқий жиҳатдан таъсирини педагогика фани доирасида ҳал этиш зарурати тобора кучайиб бормоқда. Шу боисдан ҳам мазкур монографияда ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш концепциясининг тадрижий ривожланиш босқичларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш устувор аҳамият касб этмоқда. Олиб борилган тадқиқотдан маълумки, айнан виртуал-педагогик маданият ўзига хос регуляция тизими сифатида инсонлар ҳаётини тартибга солиши билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу ёндашувга асосланиб айтиш мумкинки, виртуал-педагогик маданиятни ривожлантириш асосида жамиятдаги ёшлар тарбияси билан боғлиқ маънавий-ахлоқий муаммоларни ҳал этиш ёки тартибга солиш объекти компьютер воситасида ҳамда ўзаро виртуал мулоқот жараёнида шахсларнинг рационал фаолияти ва хатти-ҳаракатидан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам педагогика фани доирасида бундай алоқа хусусиятларини аниқламасдан, виртуал оламнинг таълим ва тарбия тизими муаммоларини тушуниш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори белгиланиб, узлуксиз маънавий тарбияни амалга оширишда ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва маҳалла жамоатчилигининг ўзаро самарали ҳамкорлиги механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ота-оналарни виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришга қаратилган фаолиятда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги билан боғлиқ муаммолар кўзга ташланади. Айниқса, ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш механизмини халқаро тажрибалар, информацион

ахборот ресурслари, миллий кадриятлар асосида такомиллаштириш, оила, узлуксиз таълим муассасалари ва маҳалла ўртасида ҳамкорликни такомиллаштириш, ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятининг баҳолаш имконини берувчи социометрик шкалалар ва интеграл диагностик параметрларни ишлаб чиқиш заруратини тақозо этади.

Мамлакатимизда ҳам ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш муаммоларни чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш учун кенг имкониятлар очиб берилган. Бу ижтимоий фанлар, хусусан педагогика фани олдида виртуал реалликка хос бўлган маънавий-ахлоқий ва педагогик мезоний тушунчалар, таълим ҳамда тарбия меъёрларининг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш ва ҳаётга уларни янада чуқурроқ жорий қилиш каби вазифаларни белгилаб беради. Айнан, виртуал реалликка хос бўлган маънавий-ахлоқий ва педагогик тамойилларнинг ривожланиши ёшларнинг нафақат ижтимоий, маънавий, ахлоқий, балки таълим борасидаги эҳтиёжларининг қондиришга ҳам хизмат қилади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб этлаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”¹, деб таъкидлаганлар. Бунда, айниқса, ёшларнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш, уларнинг замонавий ахборот коммуникация технологияларини фаол субъектга айланиб бориши

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.–Т., Ўзбекистон: НМИУ, 2016. 14-б.

баробарида маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалишига, шахсий манфаатларни эмас, балки инсон қадр-қимматини устун қўйишга йўналтириш устувор аҳамият касб этади. Зеро, ҳар қандай жамият ва миллатнинг эртанги куни қандай бўлиши ёшларнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш даражаси билан белгиланади. Яъни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда»².

Айни пайтда ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш жараёнини мунтазам ўрганиш, эришилган натижаларни мониторингини олиб бориш, шу орқали педагогика фани ва таълим тизимини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотларнинг асл мазмун-моҳиятини аниқлаш билан боғлиқ масалаларнинг ўзига хос талқинлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Бу эса ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш жараёнининг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англашга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганини ва унинг ижтимоий-гуманитар фанларнинг асосий мавзуларидан бирига айланганини кўрсатади.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш муаммоларнинг ўсиши, бир томондан, ундаги таълим ва тарбия уйғунлиги тамойиллари билан, бошқа томондан эса тарихий-маданий, педагогика ва психология оид билимларнинг ривожланишга доир илмий-назарий аҳамиятга эга таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш даражаси, педагогика ва психология фани ютуқлари ҳамда улардан қай даражада фойдаланиш йўллари ва кишилар ўзаро

² Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир / «Халқ сўзи» 2017 йил 1 июль.

муносабатларига таъсирини баҳолашнинг замонавий усул ва воситалари кўрсатилган.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятининг белгилари ва элементлари, виртуал хулқ-атвор ва мулоқот маданияти, виртуал дунёдаги маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатлар ва педагогик фаолиятини ўрганиш ҳамда виртуал муносабатларни ёшларни тарбиялашдаги ролини кучайтириш, уни янги босқичга кўтариш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга оид таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришни чуқурроқ англаб етиш ва бу борада амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш муаммоларни чуқур тадқиқ қилиш бўйича ишлаб чиқилган маънавият ва маърифат соҳасини самарали ривожлантириш қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришга доир ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлар асосида: “виртуал реаллик”, “виртуаллик маданият”, тушунчалари илк маротаба педагогик таълим ва тарбия тизимининг мезон тамойиллари ва маънавий-ахлоқий меъёрлари орқали асослаб берилиб, уларни комплекс ўрганишга доир янги парадигмавий ёндашувлар ишлаб чиқилган, илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020-2022 йилларда ўтказилган тарғибот ва ташвиқот фаолиятларида татбиқ этилган.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш тизими глобал трансформацияси асосида ёшларда виртуал тобеликка қарши маънавий-ахлоқий иммунитетни ҳосил қилишнинг педагогик ва психологик мониторинг қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилган илмий хулосалардан, ёшларнинг ахборот истеъмол маданиятини ривожлантириш амалиётида илмий-назарий манба сифатида хизмат қилган.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришда маънавий-ахлоқий ва таълим меъёрларининг идентиклиги, ривожланиш динамикаси ва даражалари фундаментал ҳамда замонавий, миллий ва хорижий тажриба асосида илмий асосланган хулосалардан, тақлиф-тавсиялар билан боғлиқ илмий янгиликларидан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг касбий билим, куникма ва малакасини ошириш бўйича ўқув-семинарларда тренинглар ташкил этишда, ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришда, фуқаролик жамияти институтлари билан тизимли ишларни йўлга қўйишда, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама кўмаклашишда, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда назарий асос сифатида фойдаланилади, деган умиддамиз.

I БОБ. АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ШАРОИТИДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ ВИРТУАЛ-ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1-§. Ахборотлашган жамиятда ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданияти: мазмуни, таркибий қисмлари ва мезонлари

Бугунги кунда ахборотлаштириш тўғрисида сўз юритганда унинг замонавий индустриаллашган жамиятни маҳв этган “учинчи тўлқин” жараёнига хослиги хусусида эътироф этиш қабул қилинган. Глобал миқёсда рўй бераётган мазкур жараён турли жамиятларда умумий жиҳатларга эга бўлиб, турли мамлакатларда ўзига хос шаклда намоён бўлади. Шиддат билан илгарилаб бораётган ушбу жараён у ёки бу минтақада турлича бўлса-да, бироқ унинг моҳияти шубҳасиз, ниҳоятда муҳим бўлиб қолаверади.

Ахборотлаштириш сўнгги юз йилликдаги илмий-техникавий тараққиётни ифодаловчи шакли ва самараси бўлиб, бу ҳар қандай тараққиёт босқичида бўлгани каби ўзининг икки хил хусусиятига эгадир. Улардан бири ахборот техникаси ва ахборот технологияларини тарқатишда алоҳида техник аҳамият касб этса, иккинчиси эса жамиятда кечаётган жараёнларга ва инсонларнинг алоҳида турмуш тарзига таъсир кўрсатишида намоён бўлган ижтимоий ўзлигини англаб етишда ўз аксини топган. Айниқса, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Илғор технологияларнинг фаол жорий қилинаётгани ва глобал ахборот коммуникация макони тараққий этаётгани барча жараёнларни жадал ва тез ўзгартирмоқда, китъалар, минтақалар, давлатлар ва бизнес даражасидаги ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда”³.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 октябрдаги МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. <http://press-service.uz/ru/lists/view/1132>

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамыз”.⁴

Бугунги кунда ахборот технологиялари (IT- технологиялар) инсонлар ўртасидаги муносабатлар сингари, инсон ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам воситачилик қилмоқда. Бундай ҳолатлар инсонни эътироф этилган ўзаро муносабатларни англаб етиш маъносидаги янги ҳолатга солиб қўймоқда. Жумладан, ахборот технологиялари ва ахборот техникаси воситасида киритилган ўзгаришлар анъанавий жамиятдаги бирор ижтимоий гуруҳлар ёки инсонлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишга таянган ижтимоий жараёнлар идентификациясини ва шахснинг ўзини-ўзи идентификациялашини ўзгартиради. Ахборот технологиялари инсоннинг коммуникатив кўламини ўзгартирар экан, идентификациялашнинг ижтимоий жараёнига шубҳасиз янги мазмун олиб киради. Мазкур тадқиқотда бизнинг диққатимизни айнан шу жиҳат ўзига жалб қилди. Шунингдек, рўй бераётган ўзгаришлар суръатини ҳам мазкур соҳа бўйича олиб борилаётган илмий изланишларда ўз аксини топаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда юзага келаётган вазиятлар тадқиқоти амалда рўй бераётган ўзгаришлар тезлигига ета олмаяпти. Шулардан келиб чиққан ҳолда, узлуксиз тадқиқотларни ўтказиш зарурати янада долзарблашиб бормоқда.

Ахборотлашган жамиятнинг янги сифатлари глобаллашув жараёнида янада кучайди, ундан ташқари, гарчи ахборотлаштириш

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент.:Маънавият, 2008. – Б. 112.

Ўзича ўзи алоҳида жамият ёки давлат доирасида амалга оширилса-да, улар мазкур жараён билан уйғунлашиб, унинг бир қисми бўлиб қолди. Глобаллашув мавзуси кенг кўламдаги фикрларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш заруратининг шартланишига нисбатан кенг ва кўпёқлама муҳокамани талаб қилади. Бу эса глобаллашув феномени тўғрисида мушоҳада юритишга ҳамда унинг архитектураси ва механизмларини кўздан кечиришга имкон беради. Бундай тадқиқот глобаллашув жараёнига худди унинг ёрдамида умумжаҳон миқёсидаги ахборотлашган жамият шаклланаётган жараённи кўришга имкон яратди. Ахборотлашган жамиятда ахборот воситалари ёрдамида маънавий-ахлоқий ва педагогик омиллар етакчилик қилади. “Ахборотлашган жамият – ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларида ҳамда капиталнинг ўсишига эришишда билим ва ахборотнинг етакчи ўринга чиқишидир”.⁵ Яна бир таърифда, “Ахборотлашган жамият бу – ижтимоий-иқтисодий ривожланишда, энг аввало, ахборотни тайёрлаш, унга “ишлов бериш”, сақлаш ва тарқатиш учун етарлича шароит яратилган жамиятдир”⁶ - дейилади.

Инсон ўзлигини англаш жараёнида идентикликка эришади, зотан унда инсон тафаккури иштирок этади. Эришилган идентиклик инсон шуурида ифодаланиб, унинг мавжуд борлиқ ва имконият ўртасида уни мустақил ва алоҳида идрок этишни амалга оширишига имкон беради. Айнан ўзликни англашгина инсонга ўз идентиклигини ўрнатишига имкон беради. Инсон турмушидаги ижтимоий шароитларнинг айна пайтда ўзгариши идентиклик инқирозининг уни излаш ва қўлга киритиш борасида вужудга келиши тўғрисида юритишга имкон беради. Ахборотлашган жамиятнинг глобаллашув шароитида ривожланиши унинг атомлашуви тенденцияларининг чуқурлашуви билан ҳамоҳанг бўлиб, радикал плюралликнинг, Ғарб маданияти эклектиклигининг

⁵ Информационная политика. Учебник. Под общ.редак. проф. В.Д.Попова. – М.: Изд-во РАГС, 2003. – С. 25.

⁶ Юсупов А. Иккинчи “тўфон”//. – Тафаккур-2012. 4-сон Б. 11.

замонавий ҳолатини акс эттирувчи модернистик парадигмага мувофиқдир.

Глобал ахборотлашган жамият шахснинг шаклланиши учун янги имкониятларни тақдим этади ва шу билан бир қаторда инсонга нисбатан янада жиддийроқ талабларни илгари суради. Инсоннинг ички ва ташқи жиҳатдан индивидуаллашуви шаклланишининг нисбати ахборотлашган техномухитнинг доимий трансформацияси шароитида бир-бирига уйғунлашуви даражасини ифодалашга ҳамда янги техно-ижтимоий муҳитнинг бирмунча барқарор ижобий ва салбий тенденцияларининг инсонга таъсирини акс эттиришга имкон беради. Жумладан, ахборот воситалари ва технологиялар билан таъминланган ахборотнинг жўнлиги янги билимларнинг юзага келишига асосланишни пасайтиради. Замонавий жамиятдаги ахборотлашган макон тақдим этган манбалардан билимларни осон қўлга киритишни идрок этишнинг янги усулини ривожлантириш бўйича фаолият мотивациялашувни юзага келтирмайди.

Билимлар кўламининг ортиши билан уларнинг ўзлаштирилиши шахс ички оламининг ташқи вазифаларга тайёр эмаслиги ҳамда олинаётган ахборотнинг ҳажми, кўлами ва сифатини баҳолаш кўникмасининг мавжуд эмаслиги тўғрисида сўз юритади.

Инсон шубҳа ва гумонлар гирдобига тушиб қолганида масъуллик ва жавобгарликдан воз кечади. Натижада у нотўғри қарорлар қабул қилади; қарорлар қабул қилиш масаласида техник воситаларни ҳаддан зиёд идеаллаштириб юборади. Шу ўринда Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёвнинг фикрига эътибор қаратиш зарур: “Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “оммавий маданият” таҳдиди фақат четдан – Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи

клип ва киноларни, эфирга берилаётган кўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий”⁷.

Шу муносабат билан ишда шу каби виртуал коммуникатив маконда юз бераётган ўзаро ижтимоий ҳаракатларнинг виртуаллашуви билан шартланган ижтимоийлаштиришнинг анъанавий шакллари бекор қилувчи жараёнларни ўрганиб чиқишга жиддий эътибор қаратилган. Виртуал ижтимоийлаштиришда юзакилик, ҳамкорликдаги фаолиятнинг, мустаҳкам ижтимоий алоқалар ва ҳоказоларнинг йўқлиги каби жиҳатлар намоён бўлди. Буларнинг барчаси инсоннинг ижтимоий воқелик тўғрисидаги тасаввурини бузиб кўрсатади ва унинг социумдаги бегоналашуви ва атомизациялашувининг ортишига олиб келади. Эътироф этилган ҳолатларнинг барча йиғиндиси идентиклик муаммоларини ҳал этишнинг янги йўллари излашга мажбур қилмоқда. Глобал ва локал уйғунлашув, ахборот-коммуникатив технологияларни қўллаш шарофати билан горизонтал алоқаларни ўрнатиш, ахборотнинг юксак даражадаги кенг кўламда эканлиги, муқобиллик сонининг ортиши, ижтимоий муносабатларнинг виртуаллашуви тадқиқот векторининг ахборотлашган техномухит томонидан таҳдим этилган янги имкониятлар ёрдамида инсон идентиклиги стратегиясини излаш ва жорий қилиш муаммосига олиб чиқади.

Бу жараёнда Интернет ва унда юзага келаётган тармоқ ҳамжамиятлари алоҳида ўрин тутаяди. Глобал Интернет тармоғи ахборот алмашинуви жараёнига янги чизгиларни олиб киради. Биринчидан, интернетнинг ахборотлашган тузилмасини оммавий ахборот воситалари билан яқин бўлишига қарамай, у етказиб бераётган хабарларни узатишнинг янги шакли борасида сўз юритиш жоиз. Интернетдаги ахборот алоқаларидан фойдаланувчи ва тармоқ ресурслари ўртасидаги вақт ва масофа чегарасини

⁷ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси . Халқ сўзи. 2017 йил 5 август.

ўчириш юз бермоқда. Шундай қилиб, ахборот узатиш ва олиш форматини ўзгартиришни талқин этиш мумкин. Иккинчидан, интернет ва унинг тармоқ ҳамжамиятлари янги коммуникатив имкониятларни бермоқда бу эса алоқаларни мустаҳкамланишининг ортишида ўз аксини топмоқда. Айнан коммуникация идентикликни ўрнатишда зарур шароит ҳисобланади. шунга мувофиқ тарзда тармоқ амалиётига асосланган жамоатчилик бирлашмалари, ташкилотларнинг янги вариантлари вужудга келади. Индивидлар виртуал маконда виртуал идентикликка эришиши мумкин, бироқ мавжуд ижтимоий ўзаро муносабатларда муҳим ижтимоий алоқалардан четда қолиб кетиши мумкин. Бу эса ўз навбатида, инсонга бегоналашувни енгизишга, дахлдорлик, ўзликни англаш, ўзликни намоён этиш орқали ўз индивидуаллигини амалга оширишга бўлган эҳтиёжини қондиришига имкон бермайди. Ахборот ресурслари томонидан Интернетга қўйилган воситалар индустриаллашган жамиятда инсонни идентификацияланиш вазифасини тўлақонли ҳал этилишига имкон бермайди. Бу эса идентикликка эришиш стратегиясини тузиш учун янги изланишлар зарурати тўғрисида далолат беради.

Оила институтининг тобора мураккаблашиб бораётган замонавий шароитида ота-она маданиятини мураккаб педагогик контекстга асосланган мураккаб ҳодисадир. Ота-она маданиятини унинг фаолияти тизими сифатида белгилаш, бу оилавий муҳитда амалга ошириладиган, боланинг маданияти ва бошланғич ижтимоийлашув жараёнида она ҳамда отанинг компетенцияси ва ижодий фаолияти даражасини белгилайди⁸. И.В.Гребенниковнинг ишида ота-оналарнинг асосий қисми педагогик маданиятининг етарли эмаслиги муаммоси очиб берилди, уларнинг таълим фаолияти натижаларига салбий таъсир қилади, ёш авлоднинг билим даражаси пастлигида намоён бўлади, бу осонлашади⁹.

⁸ Крячко А. А. Культура быть родителем// Возрождение. -2008. - № 6(26). - С. 95-99.

⁹ Гребенников И. В. Воспитательный климат семьи. - М.: Знание, 1976. - 40 с.

Доимий равишда кадриятларни қайта баҳолаш, одамлар онгидаги стереотипларни бузиш, оилаларининг аксарият қисми ҳаёт шароитларини кескин ўзгартириши билан характерланади.

Ота-оналар маданияти салоҳиятини рўёбга чиқариш мезонлари бўлган болаларни оилада тарбиялаш ва ижтимоийлаштириш муаммоларини ҳал қилиш замонавий жамиятда юзага келадиган ижтимоий муаммоларга бевосита боғлиқдир. Ушбу муаммоларга ёш авлодни ижтимоийлаштириш, болаларга маънавий-ахлоқий тарбия бериш ва кадриятлар йўналишини ўзгартириш, авлодларнинг ўзаро алоқалари услубларини ўзгартириш, ахборот жамиятининг манфаатларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ахлоқий кўрсатмаларини шакллантириш киради. Кўрсатилган рўйхат ота-она маданиятининг моддий асосини ташкил этади. Бугунги кунда жамиятда ёш авлодни ижтимоийлаштиришнинг долзарб муаммоси турибди. Жамиятда мавжуд бўлган беқарорлик, унинг ижтимоий қайта ташкил этилиши, табақаланиш даражаси ошиши, индивидуал шахслар ва турли гуруҳларнинг турмуш тарзлари ва кадрият йўналишларининг хилма-хиллиги, авлодлар ўртасидаги зиддиятнинг келиб чиқиши ҳисобга олинса, кўплаб ота-оналар зарур функцияларни тўлиқ бажара олмайдилар. Бу ота-оналарнинг кўпчилигининг таълим муаммоларини ҳал қилишга тайёр эмаслиги ва уларнинг ота-она маданиятининг пастлиги билан боғлиқ¹⁰.

Ижтимоийлашувнинг биринчи ва асосий институти - оила, бу орқали бола асосий ижтимоий билимларни эгаллайди, ахлоқий кўникмалар ва қобилиятларни ҳамда жамиятда ижтимоийлашувига ёрдам берадиган кадриятларни, идеалларни шакллантиради. Оила жамиятнинг ҳар куни амалга ошириладиган маънавий-ахлоқий кадриятларига: кундалик ҳаётда ва уй-рўзғорда, таътил кунларини ўтказишда, бўш вақтни ташкил қилишда, оила

¹⁰ Слободчиков В. И. Духовные проблемы человека в современном мире // Педагогика. - 2008. - № 9. - С. 33-39.

аъзолари, дўстлари ҳамда танишлари билан муносабатни тарбиялайди¹¹.

Оиланинг тарбиявий салоҳияти ва педагогик кучининг пасайиши ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдаги ожизлиги, бепарволиги ёки ҳаракатсизлигида ифодаланади. В.И.Слободчиков авлодлараро алоқаларнинг йўқ қилинишини оила ва таълим тизимига анъанавий маданиятни эфирга узатиш функциясини бажаришга тўсқинлик қиладиган мавжуд вазият муаммоси деб ҳисоблайди; оилада, мактабда, жамиятдаги бегоналашув ва қарама-қаршилик; ҳаётга лаёқатли ота-оналар жамоаларининг етишмаслиги; ижтимоий-маданий, миллий ва маърифий қадриятлар ва маъноларнинг расмийлаштирилмаслиги билан боғлиқ¹².

Сўнгги ўн йилликларда илм-фан ва технологиянинг ривожланиши, дунё жараёнларининг глобаллашуви авлодлар ўртасидаги алоқаларнинг қайтарилмас узилишига ёрдам берди. Ота-оналарнинг ҳаёти энди болалар учун намуна бўла олмайди, чунки оқсоқолларнинг тажрибаси такрорланмайди ва ҳатто ёши ўзгарган дунёда мавжуд бўлиши учун ҳам керак эмас. Боланинг ўзи борлиқнинг муҳим саволларига жавоб топади. Борган сари катталар болалардан ўрганишга мажбур бўлмоқдалар. И.Ф.Дементева таъкидлашича, “Бугунги кунда авлодлараро ўзаро муносабатларнинг азалий амалиётида умуман атипик бўлган вазият мавжуд бўлиб, унда ота-оналар ҳаёт масалалари бўйича маслаҳат олиш учун вояга етмаган болаларга мурожаат қилишади. Ёш авлод ҳамма нарсани янги нарсаларни идрок этишга тайёрлиги туфайли кўпроқ мослашган ва оилада жамиятнинг замонавий қадриятларини ўтказувчиси бўлиб қолмоқда”¹³.

¹¹ Овчарова Р. В. Психология родительства : учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 2005.

¹² Слободчиков В. И. Духовные проблемы человека в современном мире // Педагогика. - 2008. - № 9. - С. 33-39.

¹³ Дементьева И. Ф. Российская семья: проблемы воспитания: Руководство для педагогов. - М.: Государственный НИИ семьи и воспитания, 2000. - 180 с.

Ота-оналар маданиятини ўрганиш сўровномани ўз ичига олган бўлиб, унда ота-оналар томонидан болани тарбиялаш жараёнида ҳал қиладиган вазифалар рўйхати таклиф қилинган ва респондентлар таълим вазифаларини аҳамияти бўйича тартиб-лашлари керак эди. Тарбиялашнинг устувор йўналишларида биринчи ўринни респондентларнинг аксарияти боланинг ҳаёти ва соғлиғига ғамхўрлик қилишни назарда тутадиган соғлиқни сақлаш йўналишидаги вазифаларга беришди. Иккинчи ўринда боланинг ривожланишини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва меъерий ижтимоийлашув билан боғлиқ таълим вазифалари турарди¹⁴.

Оилавий тарбиянинг устувор йўналишлари орасида охириги ўринда респондентлар маънавий-ахлоқий тарбиянинг болани очикчасига ва ҳалоллигини рағбатлантириш, меҳнатсеварлик ва Ватанга муҳаббатни тарбиялаш, ватанпарварликни тарбиялаш каби вазифаларни қўйдилар. Ушбу натижани маънавий-ахлоқий, хусусан, диний тарбия замонавий оилаларнинг аксарияти томонидан асосий ижтимоий-маданий қадриятларни болаларга беришни таъминлайдиган тарбия стратегияси сифатида қабул қилинмаслигининг далили сифатида талқин қилиниши мумкин – бу шахснинг ўзини ўзи кейинги ҳаётда белгиланиш ва шахсий маънавий шаклланиш ҳамда ижтимоийлашув учун муҳим шарт.

Ота-она маданиятининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

– қадрият-семантик контекст - оилавий мазмунли қадриятларни англаш ва қабул қилиш, масалан, турмуш қуриш, болаларни туғилиши ва тарбиялаш, ота-онани ижодий ўзини ўзи англаш, оналик ва оталик нуфузи, маданий муҳитни шакллантиришда танланганлик ва маданий мувофиқлик. Болани тарбиялаш, асосий ҳаётий қадриятларни фаол ривожлантиришда болага ёрдам беришга тайёрлиги ва қобилияти, салбий ахборот ҳамда алоқа

¹⁴ Носкова А. Семья перед лицом вызовов глобализирующегося мира // Социологические исследования. - 2013. - № 5. - С. 147-149.

таъсирига қарши туриш қобилияти ва бошқалар шулар жумласидандир;

– педагогик контекст – ота-оналарнинг маданият асосларини ўзлаштириш ва болаларга етказишда ота-оналарнинг фаол тарбиявий позицияси, боланинг ёши ва қизиқишларига мос равишда турли хил тадбирларда таълим салоҳиятини рўёбга чиқариш кўникмаларини шакллантириш оилавий таълим ҳамда тарбия, бўш вақтни биргаликда ташкил этиш қобилияти, оиланинг тузатиш имкониятларидан фойдаланиш;

– ижтимоий-психологик – ота-оналарнинг болани оилада тарбиялашнинг психологик, педагогик ва ижтимоий-педагогик асослари тўғрисида онгли ғояларини шакллантириш; ёш хусусиятлари ва бола ривожланишининг қонуниятлари тўғрисида билимларнинг мавжудлиги; турли ёшдаги болаларнинг асосий эҳтиёжларини ва ушбу эҳтиёжларни қондириш усулларини тушуниш, оилавий таълимнинг имкониятлари, тамойиллари ва усулларини тушуниш;

– ҳуқуқий саводхонликнинг мазмуни - ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш учун жавобгарлигини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий базани янгилаш, ривожланиш масалаларида ота-оналарнинг ваколатларини кенгайтириш орқали масъулиятли ота-оналарнинг ижтимоий ҳодисаси сифатида шаклланишига кўмаклашиш;

– болани тарбиялаш, ота-она маданиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;

– маънавий ва ахлоқий контекст - ота-оналарнинг болаларни туғилиши ва тарбиялаши учун фаол мотивацияси, ота-онани ҳаётнинг ўзини ўзи англаши, ота-оналарнинг ўзларининг оталик (оналик) ролларига ижобий муносабати, ўз фарзандига нисбатан хайрихоҳ муносабати қабул қилишда, севишда, тушунишда ва унинг ривожланиши ҳамда хулқ-атворининг ўзига хос хусусиятларига муносиб муносабат билан; индивидуал ва оилавий таълим

салоҳиятини фаоллаштириш, ҳамда ижодий ривожлантиришга интилиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Замонавий оиланинг ота-она маданиятини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири, бу оилавий таълимнинг аксиологик таркибий қисмини актуаллаштиришдир. Масъулиятли ота-она ва ота-она маданияти ижтимоий ҳодисаларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплексида қиймат-семантик контекст ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ушбу жиҳатдан масъулиятли тарбия инсоннинг яхлит психологик тарбияси, шу жумладан кадриятлар йўналишлари, қарашлари ва кутишлари, ота-онанинг ҳис-туйғулари, ўзини ўзи ота-она сифатида тутадиган субъектнинг муносабати, муносабати ва эътиқоди мажмуини англатади.

Ички жамиятда ота-она маданиятини ривожлантиришнинг энг истиқболли стратегияси, бу ички цивилизация кадриятларига йўналиш бўлиб, замонавий оилани маданий-педагогик амалиётга анъанавий ривожланиш потенциалини фаол ривожлантириш ва интеграциялаш орқали ўрганишдир. Анъаналар ота-оналар маданияти маконини ташкил қилишнинг асосий механизми бўлиб, ота-оналар томонидан замонавий жамият ҳаётини ташкил этувчи кадрият ва маъно идеаллари билан танишиш орқали ўзлаштирилади. Ушбу жараённинг натижаси ота-она маданияти потенциали томонидан замонавий шароитларда анъанавий кадриятларни талқин қилиш жараёнида ривожланиш учун янги туртки олишидир. Анъанавий кадриятларни сақлаб қолиш жамиятни бирлаштиришга, оиланинг, миллатнинг кадрият бирлигини таъминлашга, Ўзбекистон фуқароларини ахлоқий, маънавий ва маданий ўзини ўзи аниқлашни амалга оширишга ёрдам беради. Шунини таъкидлаш керакки, оилавий интеграция механизмлари, хусусан, унинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар таълим жараёнида катта роль ўйнайди. Уларнинг бузилиши жиддий салбий оқибатларга олиб келади. Кўпгина ота-оналар фарзандларининг ҳиссий эҳтиёжларини билишмайди ва ўз фарзандлари билан

хиссий даражада самарали муносабатда бўлиш учун зарур кўникмаларга эга эмаслар. Шу билан бирга, ота-оналарнинг катта қисми профессионал ўқитувчилар эмас. Улар тарбия соҳасида махсус билимларга эга эмаслар ва болалар билан алоқа ўрнатишда қийинчиликларга дуч келишади. Ўқитувчилар ва ота-оналар биргаликда ушбу муаммони ҳал қилишнинг энг самарали усуллари излашга, педагогик таълимнинг мазмуни ва шакллари белгилашга ҳаракат қилмоқдалар¹⁵. Бундан ташқари, ота-оналар кўпинча ўз фарзандларини билишмайди, чунки улар ўз фарзандлари билан бирга бўлишни хоҳламайдилар ва вақт ўтказолмайдилар, шунингдек, болаларга ўзлари каби бўлишларига имкон беришади. Ва кейин мутахассислар ёрдамсиз ўз-ўзидан ҳал қилишнинг иложи бўлмаган муаммолар пайдо бўлади. Ота-оналар турли одатдаги, болаликдаги алоқа муаммолари, ота-она ва бола муносабатларидаги қийинчиликлар, шунингдек, болалардаги хиссий қийинчиликлар туфайли ёрдам сўрашади¹⁶.

Тавсия этилган шароитда оилавий қадриятларни тан олиш ва тақдим этиш, оилага тизимли психологик, педагогик ва ижтимоий-иқтисодий ёрдам, анъанавий тарбиявий қадриятларни тарғиб қилиш, ота-она маданиятини шакллантиришнинг кўп қиррали дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Оилада ва таълим муассасаларида болаларни мунтазам равишда ва мақсадга мувофиқ маънавий-ахлоқий тарбиялаш, авлодлараро ўзаро таъсирнинг турли хил таълим ва ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш, оиланинг таълим салоҳиятини, муассасаларини, анъанавий диний ташкилотларни, жамоатчиликни бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга¹⁷.

¹⁵ Григори Н. Связующая нить : программа коррекции детско-взрослых отношений // Школьный психолог : [сайт журнала]. - URL : http://psy.1september.ru/artide_extphp?dir= 2000/28/&Ш e= 5_12.htm; Борисов А. Е. Интеллектуальные способности, самосознание, общение и социализация личности : реф. / Ярослав. гос. сель-хоз. акад., каф. управления и права [Электронный ресурс]. -Ярославль, 2011.

¹⁶ Бухалова И. М. Воспитание сознательного родительства. -Ярославль, 2004.

¹⁷ Овчарова Р. В. Психология родительства : учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 2005.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ота-оналар виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг самарали усул ва воситаларини фаол равишда илмий жиҳатдан ўрганишга эҳтиёж бор, улар кўшимча ва умумий таълимнинг турли хил давлат муассасалари шакллари, ҳаракатлари ва оила, мактаб, маҳалла ҳамда жамоатчиликнинг ягона талабларини бирлаштириши мумкин. Бундай вазиятда оилавий, норасмий, умумий ва виртуал таълимни бирлаштириш зарур. Шу билан бирга, норасмий виртуал таълим ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган бир қатор афзалликларга эга. Бу эса, виртуал таълим базасини кенгайтиради ва чуқурлаштиради, ота-оналарнинг виртуал таълим олиши учун зарур технологиялари билан қуроллантиради. Клубнинг иш шакли ота-она маданиятини шакллантириш учун қулай фаолият тизимини ташкил этишга имкон беради, қулай шароит ҳар бир ота-онага оилавий урф-одатлар, насл-насабга оид билимларнинг аҳамияти, оила ичидаги мулоқот ва ўзаро алоқалар тўғрисидаги маълумотларни етказишга ёрдам беради. Ота-оналар маданиятини замонавий ҳаётнинг муҳим таркибий қисми сифатида шакллантириш муаммосини актуаллаштириш оилага даврлар бошида йўқотган маънавий касбини қайтариш имкониятини беради.

Оила ўз ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ бўлган жамиятнинг бир қисмидир, шунинг учун унда ҳаёт ижобий асосга, сезгирлик ва талабчанликка, муҳаббатга ва бир-бирларига, айниқса болаларга нисбатан самимий муносабат асосида қурилиши керак. Бироқ, ҳозирги пайтда аксарият оилалар иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш билан овора, кўпинча оилавий нутқ доирасида болани тарбиялаш ва шахсий ривожланишини ташкил этиш муҳимлигини англамайдилар. Педагогик жамоалар, ота-оналар жамоатчилиги бугунги кунда оила тузилишидаги маънавий-ахлоқий меъёрлар ва урф-одатлар йўқ қилинаётгани, салбий ҳодисалар вужудга келгани ва болалар муҳитида тараққиёт, болаларнинг ақлий ва жисмоний

саломатлиги ёмонлашаётганини, бу бошқа нарсалар қаторида ота-оналарнинг педагогик маданияти даражасининг пасайиши ва ёш авлоднинг ижтимоийлашувида оиланинг тарбиявий таъсирининг ўрни катта.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-маданий вазиятнинг жадал ривожланиши, оилавий қадриятларнинг қадрсизланиши ота-оналар билан ўзаро муносабатлар технологиясининг ўзгаришини ва уларнинг педагогик маърифати ва таълимини ташкил этиш, педагогик маданиятни такомиллаштиришнинг энг муҳим таркибий қисми сифатида зарурлигини олдиндан белгилаб беради. Жамият-ни ривожлантириш, ушбу йўналишда ишлайдиган мутахассисларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштиришни тақозо этади.

1.2-§. Ота-оналарнинг виртуал ва педагогик маданияти концепциясининг тадрижий ривожланиш босқичлари

Ҳозирги давр шароитида ахборотлашган жамият нима эканлиги тўғрисида бирор тасаввур ҳам, тушунча ҳам мавжуд эмас. Бироқ, ахборотлаштиришнинг ривожланиш босқичига хос бўлган ижтимоий ўзгаришлар техника тараққиёти билан шартланган бўлиб, жумладан информацион техниканинг ривожланиши ахборот технологияларининг ҳар ерда татбиқ этилиши каби ҳолатлар ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Шу сабабга кўра, техномуҳит динамикасига ва унинг ривожланишининг боришида техномуҳит – жамият – инсоннинг ўзаро муносабатларига киритилган ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Бу ерда антропоцентрик технологияларнинг жадал ривожланишининг ўзигина эътиборни қаратиб қолмай, балки умуман инсоннинг табиий муҳитдаги ва шу жумладан инсоннинг англаб етиш муносабати билан юзага келган марказий ҳолати билан шартланган замонавий техномуҳит технологияларининг инсонга таъсир

кўрсатиши эътиборни ўзига тортади. Шу муносабат билан ахборотлашган жамият мувофиқ тарзда ривожланишининг индустриаллашган босқичи дея аталувчи техноген тараққиёт босқичи сифатида намоён бўлади. Ахборотлашган жамият шароитида тармоқ ҳамжамиятларидан фойдаланиш шахс идентиклигига эга бўлишнинг стратегияларидан бирига айланади.

Жамият ҳаётидаги барча жабҳаларни қамраб олган глобаллашув жараёнлари ахборотлашган жамиятнинг вужудга келиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳозирги давр ривожланиш босқичида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, замонавий техномуҳитда гарчи бу кириш турли шароитларда турлича амалга оширилса-да, асосан бутун оламни ўз қобиғига “тортувчи” глобаллашув рўй беради. Бизнинг наздимизда, глобаллашув ва ахборотлаштириш жараёнлари бир-бирини тўлдирувчи, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватловчи, ҳамкорликда глобал жамият тузилмасини қурувчи жараён ҳисобланади. Жамиятдаги ривожланишнинг индустриал босқичида юзага келган идентификациялаш ва шахснинг ўзлигини англашга эришиш жараёнининг парчаланиши ёхуд заифлашуви туфайли глобал миқёсдаги ўзгаришлар инсонни янги мавқега қўяди. Бир томондан кўплаб техник ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ахборот технологиялари кенг қулайликларни яратиб беради. Бошқа томондан эса улар салбий оқибатларга олиб келади. Ахборотлаштириш ва глобаллашувнинг бу каби ижобий ва салбий тўқнашуви натижасида замонавий жамиятда кузатилаётган қатор парадокслар юзага келади. Ахборотлаштиришнинг ижобий жиҳатлари сирасига инсон ўзлигини намоён қилиши учун инсон шахсиятини объективлаштириш усуллари ва каналларини кенгайтириш ҳамда унинг маълум сифатлари қобилиятларини ва кучайтириш каби янги имкониятларни киритиш мумкин. Бироқ, улар билан янги билимлар генерациялашуви учун мотивациянинг пасайиши боғлиқ бўлиб, бунга ижтимоийлаштириш шаклларининг ўзгариши,

ижтимоийлаштиришнинг анъанавий усуллари бекор қилиниши, аниқ билимлар қийматининг пасайиши, қарорлар қабул қилиш жараёнининг мураккаблашуви ва кўламининг ортганлиги туфайли янги билимларнинг бекор қилиниши сабаб бўлган. Шахсга таъсир этиш қисмида билимларга ва ижодий фаолиятга эришишнинг қулайлиги муҳим ҳисобланиб, бир пайтнинг ўзида ижодий фаолиятга эришишга мотивацияланишнинг сустлашуви ҳамда муқобилликнинг мўллиги шароитида қарорлардан воз кечиш ҳолати ҳам муҳим саналади. Бу борада олим Раҳмон Қўчқор масалага қуйидагича ёндашади: “Ўзига “ахборот дунёси”, “ахборотлашган жамият” деб ном қўйиб олган бугунги жумла жаҳонда у ёки бу воқеа-ҳодиса ҳақида (у тарихда юз берганми ёки куни кеча содир бўлди – фарқи йўқ) оммавий ахборот воситалари “топиб” тарқатаётган маълумот, “тезкор хабар” қанча кўпайса, ўша воқеа-ҳодисага доир асл ҳақиқат шунча мавҳумлашиб бормоқда”¹⁸.

Ахборотлашган жамиятнинг вужудга келиш жараёнида турлича намоён бўлган ҳолати маълум маънода инсон идентификацияси муаммосида умумлашади, яъни жамият муҳитида ўзлигини кашф этади ва англаб етади. Ўз-ўзини идентификациялашнинг бутун мажмуасига ривожланишнинг ахборотлашган босқичида киритилган янги шартлар виртуал аҳамият касб этувчи ва шу билан бирга инсонлар ўртасидаги ижтимоий виртуаллашувга олиб боровчи янги коммуникатив алоқалар бирмунча аҳамиятлидир. Бевосита алоқага ва бевосита ҳамкорликдаги фаолиятга асосланган анъанавий идентификация усуллари ижтимоий ва коммуникатив алоқаларда янада кам ўрин эгаллайди. Уларнинг ўрнига виртуал алоқалар ва ўзаро муносабатлар бирмунча ёрқин акс этиб, унда Интернет глобал тармоғи воситасида амалга оширилувчи турли-туман коммуникациялар намоён бўлади. Коммуникатив алоқаларнинг янги шартлари идентификациянинг янги шакллари вужудга келтиради. Жумладан, турли сабабларга

¹⁸ Раҳмон Қўчқор. Дунё кураш майдонидир//. – Тафаккур-2016. 4-сон Б. 24.

кўра юзага келувчи ранг-баранг тармоқ ҳамжамиятлари ҳам шулар сирасига киради. Тармоқ ҳамжамиятида унга жалб этилган кишилар ўзларининг дунёқарашлари воситасининг янги коммуникациясини излайдилар. Идентификациялашнинг ушбу жиҳати билан ахборотлашган жамиятда идентикликни излаш ва унга эришишнинг виртуал стратегияси муҳим ўрин тутаяди, бинобарин у индустриал жамиятда юзага келган “юзма-юз” идентиклаш шаклини бузади ёки самарасиз қилади. Бу каби виртуал стратегия идентификациялаш усуллари шакллантиради, бунинг натижасида тармоқ ҳамжамияти ижтимоий гуруҳларнинг белгилари ва вазифаларига эга бўлади. Масофавий чекловлар йўқлиги (Интернет бутун оламни қамрайди) ҳамда коммуникацияларнинг юқори зичлигини назарда тутган ҳолда, тармоқ ҳамжамиятларининг миқдори ва кўлами кенгайди, идентификацияга эришиш муаммоси кўп жиҳатдан шахсий танловнинг муаммосига айланади ва янги алоқаларнинг бепоян майдонида мураккаблашиб боради. Инсон томонидан ахборот технологияларини қўллаган ҳолда идентиклик (бир хиллик)ни излаш стратегиясини жорий қилиш бегоналашиб кетишни енгишга уриниш, ўз индивидуаллигини жорий этиш эҳтиёжини қондиришдир. Бироқ излашнинг виртуал стратегияларини қўллаш ва идентикликни ўрнатишнинг аниқ амалиёти инсонга ўз эҳтиёжларини тўлақонли жорий этишига имкон бермайди. Замонавий ахборотлашган жамиятда коммуникация жараёнларининг муаммоли томонларининг аниқланиши тегишли ижтимоий тузилмалар доирасида аниқ ижтимоий ўзаро ҳаракатлар ролининг ортиши ва виртуал алоқалар ролининг заифлашувига олиб бориши керак. Замонавий илмий тадқиқотларда таълимни виртуаллаштириш муаммоси турли позициялардан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилади. Бу ижтимоий, маданий маконни виртуаллаштиришнинг ўзига хос хусусияти билан ҳам, динамик ўзгарувчан дунёда анъанавий императивларни сақлаб қолишга интиладиган таълим жараёнининг табиати билан бевосита

боғлиқдир. Шу боисдан ҳам биринчидан уларни ушбу қадриятларни сақлаган ҳолда замонавий цивилизация асосий қадриятлари доирасида юз берадиган ўзгаришлар деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Иккинчидан постиндустриал жамиятни аввалги асосий қадриятларнинг ўзгариши билан боғлиқ цивилизация ривожланишининг янги турига ўтишнинг махсус босқичи сифатида талқин қилинади. Ушбу талқинларнинг ҳар бири келажакнинг аниқ сценарийсига мос келади. Ва ушбу сценарийларнинг ҳар бири фан ва таълимни ривожлантиришнинг махсус стратегиясини назарда тутаяди. Ушбу жараён аллақачон таълимнинг, хусусан ва умуман маданиятнинг қанчалик даражада чуқур намоён бўлишини англатади. Аммо таълим, жамият маданияти элементи сифатида, уни амалга ошириш воситалари ва усуллари тўплами билан тавсифланади. Шунинг учун ушбу жараённи виртуаллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Аввало, қадим замонлардан бери таълим нафақат малака ва кўникмаларни авлоддан авлодга ўтказиш воситаси бўлиб хизмат қилган, балки, энг муҳими, бу маълумотлар омбори бўлган. Ахборотнинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва сақланиши, ўзгариши ва ўзлаштирилиши маданий тараққиётнинг асоси бўлган жараёнлардир, чунки маданият ижтимоий тажрибанинг авлоддан авлодга ўтишини таъминлайди, ижтимоий хотира механизми вазифасини бажараяди.

Компьютер нафақат “маълумотларни” воқеликнинг изчил моделларида тартибга солиш ёки синтез қилишда ёрдам беради, балки мумкин бўлган чегараларни ҳам ошириб юборади. Бинобарин, компьютер технологиялари туфайли ижтимоий хотира ўзининг “абдий” мавжудлигининг механизмини намоён этади. Ва агар таълим жараёнида ижтимоий хотира бизнинг ижтимоий эҳтиёжларимиз таъсирида жамият ҳаётига сингиб боради, деб айтсак, демак, у янги, виртуал шароитлардагина амалга ошишини эсдан чиқармаслигимиз керак бўлади.

Таълим мақсадларида виртуал технологиялар 1960-йилларда учувчилар махсус симуляторлар ёрдамида самолётни бошқаришни ўрганган пайтларда қўлланила бошланди. 1980-йиллардан бошлаб Қўшма Штатларда, биринчи навбатда, ҳарбий кадрларни тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш учун машинада яратилган тасвирларни диалог орқали бошқаришнинг тубдан янги тизимлари яратила бошланди. Виртуаллик тушунчаси психология, физика, биотехнология, санъат тарихи, ергономика, кўнгил очиш саноати ва бошқаларда қўлланилади. Масалан, виртуал объект бу инсон ва машинанинг бирлашиши. Ушбу виртуал объектнинг функциялари нафақат инсоннинг функциялари, на машинанинг функциялари билан қисқартирилмайди ва бундай виртуал объектнинг ўзи фақат ҳақиқий объектлар – одам ва машина ўзаро таъсири натижасида мумкин бўлади.

Психологик нуқтаи назардан Н.А.Носов виртуал реалликнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлади: авлод, долзарблик, автономлик, интерактивлик¹⁹. Психологик виртуал ҳақиқатларни, унинг фикрига кўра, инсон психикаси яратади. Виртуал ҳақиқат, уни вужудга келтирадиган ҳақиқат фаол бўлгандагина мавжуд бўлади: виртуал ҳақиқатда вақт, макон ва қонунлар мавжуд. Виртуал ҳақиқат бошқа барча ҳақиқатлар билан, шу жумладан уни яратадиган нарсалар билан ўзаро таъсир қилиши мумкин.

Виртуал жараёнларнинг сабабий алоқадорлиги ҳақиқий объектларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ. Агар бир ёки бир нечта ўзаро таъсир қилувчи объектлар фаолиятнинг ўзаро таъсири субъекти (талаба, ўқитувчи) сифатида ҳаракат қилса, бу ўзаро таъсир уларнинг виртуал ҳолатининг манбаига айланади, бу ўзаро таъсирга қадар бир хил субъектларнинг ҳолатидан фарқ қилади. Ҳақиқий субъектларнинг ички ҳолати, уларнинг виртуал ҳолати

¹⁹ Носов Н.А. Виртуальный человек: Очерки по виртуальной психологии детства. - М.: Изд-во "Магистр", 1997. С.14.

натижасида вужудга келадиган ўзгариш ва ўсиш, давом этаётган таълим жараёни ва натижасини тавсифлайди.

Ижтимоий хотиранинг янги даражасига ўтиш инсонга турли хил манбалардан таълим маълумотларини олиш имкониятини беради. Анъанага кўра, улар китоблар, инсон хотираси, ҳаётий тажрибаси ва ўтган асрнинг сўнгги ўн-йигирма йиллиги – шунингдек, видео ва аудио каби мультимедиа воситаларидан иборат эди. Компьютерларнинг пайдо бўлиши билан ушбу рўйхат нафақат ўзгарибгина қолмай, балки сезиларли даражада кенгайтирилди. Анъанавий манбалар виртуал ҳақиқат томонларидан бирини ташкил этиб, электрон форматга ўтказила бошланди; қоғоз дарсликларга қараганда анча қулай бўлган электрон дарсликлар пайдо бўлди. Таълим жараёнига виртуал технологиялар томонидан киритилган янгиликлардан, ўқув компьютер ўйинлари, масофавий ва (ёки) "онлайн" машғулотлар сезиларли даражада ошди. Эҳтимол, виртуал оламнинг асосий характеристикаси шундаки, ундаги маълумотлар анъанавий манбаларга қараганда қулайроқдир. Ва бундан ҳам кам эмас, виртуал оламда ҳар ким ўз дунёсининг яратувчиси, янги виртуал маданий маконга айланиши мумкин. Виртуал маданиятнинг яхши томони шундаки, у ўзини намоён қилишнинг кўплаб усулларига эга. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, биз ушбу виртуал маданиятнинг хусусиятлари таълимни модернизациялашга сезиларли таъсир кўрсатаётганини таъкидламоқчимиз. Масалан, бунинг ёрқин мисоли сифатида масофавий ёки виртуал таълимни келтириб ўтишимиз ўринли бўлади. Бизнингча, бугунги кунда таълим шароити сўнгги ўн йил ичида эришиб бўлмайдиган шундай маконни шакллантирди ва шу сабабли таълимда янги ҳақиқатни излаш ва англаш зарурати туғилди.

Технологик янгиликлардан сўнг ижтимоий эволюция суръати бугунги кунда энг муҳим башоратли тахминларни рад этди. Ижтимоий ҳақиқатнинг ўзгариши одамларнинг хаотик алоқалари

жараёнларини соддалаштиради ва шу билан бирга унинг тартиблилиги жараённи мураккаблаштиради ва шу билан илм-фан учун сифат жиҳатидан янги муаммоларни келтириб чиқаради. Бошқа томондан, барча технологик янгиликлар ўзларининг семантик таркибий қисмига эга эмас, фақат жамият эҳтиёжларига жавоб беради ва шунинг учун унинг ривожланиши натижасидир.

Бугунги кунда деярли барча давлат муассасаларига хизмат кўрсатадиган энг қизиқарли ва илғор технологик ҳодисалардан бири бу Бутунжаҳон Интернетидир. Миллионлаб фойдаланувчилар туну кун мулоқот қиладиган сифат жиҳатидан янги ахборот-коммуникация муҳити сифатида Интернет жамиятнинг энг динамик қисми – ёшлар учун жозибали бўлмаслиги мумкин эмас.

Аксарият ёшлар мулоқот қилиш учун Интернетдан фойдаланадилар. Бундай ҳолда, Интернет нафақат алоқа воситасига айланади. Виртуал алоқа майдонида махсус ижтимоий муҳит яратилади. У ўзига хос алоқа тилига эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, виртуал алоқа компьютер технологиялари даврида мунозарали ҳодисадир ва унинг асл мақсади ҳали на олимлар, на виртуал муҳокамалар иштирокчилари томонидан аниқланмаган. Шубҳасиз, замонавийликнинг ушбу ҳодисаси тадқиқотчиларнинг билимларнинг турли соҳаларига қизиқишини уйғотди.

Инсоннинг интернетда бўлишининг педагогик жиҳати кўриб чиқилган ва фақат таълимни ахборотлаштириш ва масофадан ўқитишни ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳисобга олинган. Ёшларнинг виртуал алоқа муаммосининг долзарб ҳолатини ўрганиш, психологик ва педагогик адабиётларни таҳлил қилиш, виртуал муҳитдаги тажриба, бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ёшларнинг виртуал алоқа муҳитини ташкил қилиш унинг таълимидан самарали фойдаланишга имкон беради. Шунингдек, потенциал ва фойдаланувчига салбий таъсир қилиш хавфини камайтиради. Бунда кадрлар ва услубий салоҳият ташкилот жараёнида фойдаланиладиган ижтимоий жамоатчилик

ташкilotи - ижтимоий муассасага алоҳида аҳамият берилади. Амалга оширилган тадқиқотлар ва олинган натижалар шуни кўрсатадики, ёшлар учун виртуал алоқа муҳитини ташкил қилиш фойдаланувчига виртуал алоқа муҳитининг салбий таъсирининг олдини олишга ёрдам беради.

Виртуал реалликда (декомпенсация деб аталадиган) – атроф-муҳит ўзгариши; фойдаланувчининг бир қатор шахсий фазилатларини шакллантириш, унинг атроф-муҳитнинг салбий таъсирига психологик қаршилигини таъминлаш - фойдаланувчини ўзгартириш; атроф-муҳитнинг фойдаланувчига салбий таъсирининг оқибатларини бартараф этиш; фойдаланувчини педагогик қўллаб-қувватлашни ташкил этиш орқали ёшларни тарбиялаш мақсадида виртуал алоқа муҳитидан фойдаланиш устувор аҳамият касб этади.

Умумжаҳон инсоният маданиятининг таркибий қисмларидан бири “педагогик маданият” бўлиб, у турли авлодлар томонидан тўпланган, маданий-тарихий маконда акс эттирилган ва педагогик ўзаро таъсир соҳасига улкан таъсир кўрсатадиган педагогик тажрибани ўз ичига олади. Жамият умуман олганда, педагогик ўзаро алоқада амалга ошириш учун тарбия ва таълим жараёнларининг асосий мақсадлари, вазифалари, воситалари, усуллари ва мазмунини белгилайдиган педагогик маданиятнинг трансформатори (узатувчиси)дир.

“Педагогик маданият” тушунчаси В.А.Сухомлинскийнинг асарларида акс этган бўлиб, унда юқори педагогик маданиятнинг асоси ўқитувчининг ҳиссиётларини тарбиялаш эканлигини таъкидланган. У педагогик билимларни эгаллайдиган ота-оналарнинг педагогик маданиятини “педагогик маданият етишмовчилиги” билан таққослайди. Шунингдек, у ўқитувчилари ва ота-оналарнинг шахсий хусусиятлари ва уларнинг ўзаро таъсирининг ўзига хос хусусиятлари мажмуи сифатида кўриб чиқади.

50-йилларнинг охирларида XX аср Г.Н.Волков “педагогик маданият” атамасини биринчилардан бўлиб ишлатган: “Бу

болаларнинг тарбияси билан бевосита боғлиқ бўлган одамларнинг моддий ва маънавий маданияти муҳитидир. Бу бешик, ўйинчоқлар ва ўйин қўшиқлари, болалар кийимлари ва очиқ ўйинлар, болаларнинг меҳнат қуроллари ва болалар меҳнати, болалар овқатлари, болаларни овқатлантириш қоидалари, болалар фольклорлари, таътил кунлари, маданиятнинг анъанавий шакллари, ёшлардан маслаҳат ота-боболаримизнинг авлодлари, ота-боболаримизнинг васиятлари, ўспиринлар ва ёшларнинг спорт мусобақалари ёки бошқа мусобақалари, уларни “етукликка” бошлаш, мослашиш усуллари ва ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш бўйича одамларнинг қарашлари ва бошқалардир”²⁰. Бошқа олимлар педагогик маданиятда маданиятларнинг айрим ўзига хос турларини: таълим, тарбия, муомала, “ота-оналар ва ўқитувчилар маданияти” ни ажратиб олишни ҳамда уларни “халқнинг ўз муносабатида ифодаланган тарихий ривожланишининг маълум даражаси” деб ҳисоблашни таклиф қилмоқдалар. Бир қатор олимлар педагогик маданиятни ўз мазмунида жаҳон илғор тажрибасига эга бўлган умуминсоний маданиятнинг бир қисми сифатида, педагогик фан ва таълим тарихи сифатида таълим парадигмаларининг ўзгариши сифатида қарайдилар.

Ота-оналар маданиятини оилани тарбиялаш салоҳиятининг муҳим таркибий қисми сифатида алоҳида таъкидлаб, аксарият муаллифлар ота-она маданияти тушунчасини “педагогик” деб атайдилар. Ҳозирги вақтда ота-оналарнинг асосий қисмининг педагогик маданияти даражаси И.В.Гребенников «етарли даражада юқори эмас, бу уларнинг таълим фаолияти натижаларига салбий таъсир қилади, аксарият замонавий болаларнинг паст даражадаги таълимида намоён бўлади. Ушбу даража кўплаб оимларга боғлиқ. Оталар ва оналар ўз ота-оналаридан қабул қилган ёш оилада тарбиялаш модели ниҳоятда ўзгарган шароитлар туфайли тўлиқ

²⁰ Бондаревская, Е. В. Педагогическая культура как общественная и личная ценность / Е. В. Бондаревская // Педагогика. - 1999. - № 3. - С. 37-43.

амалга ошириб бўлмаяпти ва ота-оналар ушбу моделни ижодий ўзгартиришда қийинчиликларга дуч келмоқдалар»²¹.

1970-80-йилларда. И.В.Гребенников ота-оналарнинг педагогик маданиятини “педагогик маданият, яъни ота-оналар ва уларнинг ота-оналарининг маълум сифатларини ривожлантириш, ўқитувчи сифатида етуклик даражасини акс эттирувчи ва болаларнинг оилавий ҳамда ижтимоий тарбияси жараёнида намоён бўладиган педагогик тайёрлик даражаларининг тўплами”²² эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтади. У ота-оналарнинг педагогик маданиятини инсоннинг индивидуал ва касбий фазилатлари бўлган ота-оналарнинг педагогик таълим даражаси орқали кўриб чиқади.

Оиланинг педагогик маданияти муаммоси Л.С.Алексеева, Т.В.Андреева, Ю. Я. Урбанская, О. Е. Черствой ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ҳам батафсил очиб берилган. Уларнинг фикрига кўра, оилавий тарбияни такомиллаштиришнинг асоси ота-оналарнинг педагогик маданиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича иш бўлиб, унинг муҳим таркибий қисми ота-оналарни тайёрлаш, шу жумладан мақсадга мувофиқ илмий педагогик таълимдир. Ушбу асарларда педагогик таълим ва ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро боғлиқлиги очиб берилган, оилавий тарбияга халқ педагогикасининг таъсири масаласи кўтарилган. Бундан ташқари, юқори талабларга эга бўлган болаларга ота-оналарнинг онгли меҳрини бирлаштирмасдан туриб, юқори даражадаги педагогик маданиятни тасаввур қилиб бўлмайди.

Ота-оналарнинг педагогик маданияти оиланинг педагогик маданиятининг бир қисмидир ва ота-оналарнинг болани ривожланаётган шахс сифатида тарбиялаш қобилиятига асосланади. Е.В. Бондаревская ота-оналарнинг педагогик маданияти

²¹ Гребенников, И. В. Основы семейной жизни : учеб. пособие для студентов пед. ин-тов / И. В. Гребенников. - М. : Просвещение, 1991. - 158 с.

²² Гребенников, И. В. Основы семейной жизни : учеб. пособие для студентов пед. ин-тов / И. В. Гребенников. - М. : Просвещение, 1991. - 158 с.

таркибига қуйидаги таркибий қисмларни киритади: инсонпарварлик позицияси, ота-оналарнинг шахсий фазилатлари, уларнинг билим даражаси, педагогик билимлари, таълим фаолияти тажрибаси, оилавий анъаналар ва унинг мактаб билан ўзаро алоқалари хусусияти ва бошқалар шулар жумласидандир.

Оила педагогикаси ва тарбия педагогикасида ота-оналарнинг педагогик маданияти кўпинча кўп авлодларини тарбиялаш ва замонавий ижтимоий шароитларда модернизация қилиш тажрибасига асосланган ҳолда умуминсоний инсоният маданиятининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида тақдим этилади²³. Шундай қилиб, тарбия педагогикасида ота-оналарнинг педагогик маданияти ота-она ва бола муносабатларининг асоси сифатида қаралади.

Т.А.Куликова педагогик маданият таркибида қуйидаги таркибий қисмларни ажратиб туради:

- а) онгли равишда тарбиялаш;
- б) уйғун ота-она муносабатларини ташкил этиш тўғрисида психологик ва педагогик билимлар;
- в) амалий педагогик билим, кўникма ва малакаларни ўқув фаолиятида қўллаш;
- д) таълим фаолиятига таъсир кўрсатадиган бошқа ижтимоий муассасалар (мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, кўшимча таълим муассасалари) билан тузилган муносабатлар.

Сўнги ўн йилликда, кўпинча, ота-оналарнинг педагогик маданиятини аниқлаш уларнинг шахсий тарбияси, боланинг уйғун шахсини тарбиялаш учун зарур бўлган педагогик билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш билан чамбарчас боғлиқдир. “Ота-оналарнинг педагогик маданияти – бу болага нисбатан қадрли ва инсонпарварлик муносабатида, оилада болани тарбиялаш ва ривожлантириш жараёнини амалга оширишга қаратилган

²³ Куликова, Т. А. Семейная педагогика и домашнее воспитание : учеб. для студ. сред. пед. учеб. заведений / Т. А. Куликова. - 2-е изд., испр. и доп. – М. : Академия, 2000. - 232 с.

педагогик технологияларга, билимларга ижодий эгалик қилишда ифодаланадиган шундай шахсий таълим” дир.

Е.С.Рапацевич замонавий педагогика луғатида ота-оналарнинг педагогик маданиятини миллий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида белгилайди, унда таълим анъаналари, авлоддан-авлодга ўтган қадриятлар асослари ва миллий тажриба тўпланган²⁴.

Е. С. Рапацевич ота-оналарнинг педагогик маданиятининг тўртта таркибий қисмини ажратиб кўрсатди:

а) болалар социологияси, психологияси, физиологияси билимлари;

б) оилада ва бошқа таълим муассасаларида олиб бориладиган педагогик фаолиятнинг мақсадлари, воситалари, усуллари ва натижалари, унинг самарадорлиги шартлари тўғрисида билим;

в) ушбу билимларни амалда қўллашга имкон берадиган кўникмалар;

д) болалар тарбияси учун масъулиятни англаш.

Шундай қилиб, ота-оналарнинг педагогик маданияти тўғрисидаги мавжуд ғояларни таҳлил қилиб, ушбу ҳодиса замонавий ижтимоий шароитларда бола шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш масалалари бўйича уларнинг шахсий таълим даражаси (билим, кўникма, қобилият) ни ифодалайди деб айтишимиз мумкин. Шу муносабат билан, ота-оналарнинг педагогик маданияти биз учун психологик ва педагогик компетенциялар, боланинг ижтимоий ва қадрият хусусиятларини ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёнига фаол таъсир ўтказиш қобилиятида намоён бўладиган интеграл шахсий хусусият сифатида намоён бўлади.

Педагогик адабиётларнинг назарий таҳлили шуни кўрсатдики, ота-оналарнинг педагогик маданияти турли шаклларда тафаккур

²⁴ Современный словарь по педагогике / сост. Е. С. Рапацевич. - Минск. : Современное слово, 2001. - 928 с.

тарзини ва ушбу давр учун маълум бир жамият учун анъанавий бўлган маданиятни акс эттиради.

Педагогик маданият даражаси (тарихий ривожланиш моменти-дан қатъи назар) тўғридан-тўғри таълим даражаси, оиланинг ҳаётий тажрибасининг бойлиги, шахснинг ижтимоий йўналиши, кадриятлар шахсий тизими, ота-оналарнинг индивидуал хусусиятларига ва уларнинг таълим мақсадлари ва интилишлари билан чамбарчас боғлиқ.

Ота-оналар томонидан педагогикани англаш уйда, ишда, таътилда, ўйинда, маросимларни кузатишда, кундалик мулоқотда бўлади. Бу ерда ота-оналар халқ педагогикасидан асосий билимларни оладилар, бу уларнинг педагогик маданиятини оширишга ёрдам беради.

Оилада болаларни тарбиялаш, улар билан мулоқот қилиш, ота-оналар ўзларининг педагогик дунёқарашларини кенгайтирадилар. Бу вақтда, олинган махсус билимлар асосида улар таълим қобилиятлари ва кўникмаларини фаол равишда ривожлантиради, ўз малакаларини оширади.

Онгли таҳлил – виртуал оламда инсон ўз онгини бошқара олиши муҳимдир. Бу оламнинг тобелик даражаси жуда юқори, лекин инсон онгини чиниқтириш, бошқара олиш хусусияти орқали виртуал макондан тўғри фойдалана олиши мумкин. Онгли таҳлил дегани, инсоннинг ўз онги орқали меъёрни белгилаш, ахборот алмашинувидаги ахборотларга нисбатан танқидий фикрни шакллантириш, текширилган тўғри ахборот ва исботга эга бўлмаган фейк ахборотларни ажрата олиш қобилияти орқали ахборотларни таҳлил этиш ҳисобланади. Инсон медиа маконда бериб борилаётган ахборотлар кўламини ўз онги орқали таҳлил қила олиши муҳим жиҳат.

Виртуал-педагогик маданиятни ривожлантиришнинг муҳим усули – бу ўз-ўзини тарбиялаш, бу махсус адабиётларни мустақил

Ўқишни ҳам, ота-оналарнинг ривожланаётган педагогик фикрла-
шини ҳам ўз ичига олади. Аммо асосий юк ота-оналарнинг
виртуал-педагогик маданияти даражасини оширишга ёрдам
берадиган педагогик таълимга тушади. Шундай қилиб, ҳозирги
вақтда турли хил ижтимоий институтлар ушбу фаолият билан
муваффақиятли шуғулланмоқдалар, аммо умумий таълим
муассасалари ҳали ҳам ўқув жараёнининг энг муҳим манбаларидан
бири бўлиб қолмоқда. Бироқ, тадқиқот тажрибаси шуни кўрса-
тадики, қўшимча таълим муассасалари оила билан ўзаро ҳамкор-
ликнинг истиқболли шаклларини ривожлантиришда (шу жумла-
дан, ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини шаклланти-
ришда) алоҳида аҳамиятга эга.

Замонавий оилалар қарама-қарши ижтимоий вазиятда
ривожланмоқда. Бир томондан, жамиятнинг оила муаммолари ва
эҳтиёжларига қараб бурилиш юз беради, унинг тарбиясида унинг
аҳамиятини кучайтириш ва ошириш учун мақсадли дастурлар
ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда, бошқа томондан,
жараёнларга олиб борилмоқда оилавий муаммоларнинг кучайиши
кузатилмоқда. Бугунги кунда оила, бола-ота-она муносабатлари
инқирози мавжуд. Ота-оналар моддий фаровонликка эътибор
беришга мажбур бўлмоқдалар, демак, улар боласи билан мулоқот
қилишда кам вақт сарфлашади. Натижада, яқин кишини тушуниш
билан боғлиқ бўлган ҳиссий таркибий қисм ўзаро алоқадан
четлаштирилади. Шу муносабат билан, ҳозирги вақтда, иккинчи
авлод таълим стандарти талабларига мувофиқ, синфдан ташқари
ишларда оила билан ишлашга катта эътибор берилмоқда, чунки
фақат ўқитувчи ва ота-оналарнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари
натижасида маълум натижаларга эришиш мумкин. Шу сабабли,
ўқув ишларининг муҳим йўналишларидан бири бу кичик ўқувчи-
ларнинг ота-оналари билан ишлаш бўлиб, у оила ва ўқитувчи
ўртасидаги мулоқотнинг бир нечта тамойилларига асосланади.

1.3-§. Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданияти инсоннинг умумий маданиятининг бир қисми сифатида

Айни пайтда инсон ҳаётининг фаолиятининг барча жабҳаларида ахборот технологиялари ва бутун-жаҳон ахборотлашувида ахборот оқими кўламининг мислсиз даражада ўсиши билан таснифланади. Сўнгги ўн йиллар мобайнида “индустиал жамият”дан “ахборотлашган жамият”га ўтиш тўғрисида тинмай сўз юритмоқдалар. Ишлаб чиқариш усулларининг, инсон тафаккурининг ҳамда уларнинг турмуш тарзининг алмашинуви рўй бермоқда. Ахборот технологиялари миллионлаб кишиларнинг кундалик ҳаётини сезиларли даражада ўзгартириб юбормоқда. Ахборот инсоний, молиявий, моддий ресурс билан бир қаторда муҳим стратегик, бошқарув ресурсларидан бирига айланди. Уни ишлаб ва истеъмол қилиш жамият ҳаётининг, энг аввало иқтисодий турли жабҳаларида самарали фаолият юритиш ва ривожлантиришнинг зарур асосини ташкил этади. Ҳозирги давр шароитида ахборот ҳуқуқи ва унга эга бўлиш жамиятнинг барча аъзолари учун ҳаётининг қимматга эгадир. Ахборотнинг жамиятдаги ортиб борувчанлик роли илмий мушоҳада юритиш предмети ҳисобланади. унинг ўрни ва моҳиятини тушунтириб берувчи назариялар ҳам илгари сурилган. Уларнинг бирмунча машҳурлари индустиал ва ахборотлашган жамият назарияси бўлди.

Сўнгги вақтларда нашр этилаётган тезислар орасида дунёнинг янги босқичга – ахборотлашган, электрон иқтисодий фаолият асрига, чексиз тармоқ ҳамжамиятлари ва ташкилотларига кириб бориш тўғрисида яратилаётган тезислар муҳим аҳамият касб этади. Муаллифлар янги давр жамият ҳаётидаги иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларни кескин ўзгартириб юбориши муқаррар эканлигини яқдиллик билан эътироф этадилар. Бу каби ўзгаришлар энг тўғри маънода инсоннинг ахборотлашган оламдаги ўрнига тааллуқлидир. Инсон жамиятнинг ахборот-техник таснифи вектори билан

хамоҳанг тарзда ўзгаради. Бироқ бу ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг янги шартларини бутунлай пассив қабул қилиниши эмас. Инсон информацион-техник таснифдан бирмунча йироқлашган информацион воқелик субъекти сифатида иштирок этади. В.Б.Устьянцев таъкидлаганидек, кундалик турмушдаги ахборотлаштириш ва инсон турмушидаги янги ахборот майдонининг пайдо бўлиши инсоннинг ҳаётий дунёси учун изсиз кечмайди. Электрон маконда ахлоқ (хулқ-атвор) стандартлари ва шахснинг кадриятлари ориентацияси ўзгаради. Педагогика фанида мавжуд бўлган ёндашувларни таҳлил қилиш асосида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданияти инсоннинг умумий маданиятининг бир қисми эканлигини асослаш муҳим аҳамиятга эга. Ота-оналарнинг таълим даражаси кўтарилганлиги ва уларнинг оилавий тарбиянинг мақсадлари, вазифалари, мазмуни ва усулларини тушунишда ҳамда чекланган даражадаги ваколатлари ўртасидаги зиддиятни ҳал қилишда тактик ёндашувлардан бири бу мактабни шакллантириш жараёнида фаол усуллардан фойдаланиш мумкинлиги билан характерланади.

Замонавий информацион-коммуникацион жараёнлар анъанавий ўқув ва ташкилий-бошқарув соҳалардан ташқарига чиқиб кетган ва социум ҳаёт фаолиятида жараённинг юқори технологик ифодасига айланади. Илм-фан ва сиёсатда кенг тарқалган ахборотлашган жамиятнинг концепцияси техноген цивилизация, ҳаёт гармонияси, ривожланиш барқарорлиги, иқтисодий ўсиш, инсон потенциалини ортиши, индивиднинг эркин ижодий ўсиши каби муаммоларни ҳал этишга умид бағишлайди. Лекин жамиятдаги танқис вазиятлар, тараққиёт ва социумнинг етуклигини баҳолашга ёрдам берадиган мезонларга бўлган ишончни йўқотади.

Ахборотлашган жамиятни шаклланиши, ривожланаётган ва қашшоқ давлатларда бирламчи ижтимоий-иқтисодий инфраструктурани ривожланишини ортда қолиши билан мураккаблашади.

Тараққиёт ривожланиши йўналишларини алмаштириш шароитларида ахборот ресурслари бўйича оптимизм ишончли асосга муҳтож бўлади, акс ҳолда моддий ишлаб чиқаришдан рамзийликка ўтишнинг хом хаёллиги экологик вазиятларни мушкул ахволга солиб қўйиши мумкин.

Ахборот-коммуникацион технологияларнинг фаол татбиқ этилиши ижтимоий тенгсизлик муаммоларини кескинлаштиради, уни янги шаклда — рақамли тенгсизлик кўринишида намоён қилади.

Телекоммуникацион техникага руҳан боғланиб қолиш, жамоат онгини манипуляция қилиш, турмушнинг ноаниқлигини ортиши ва ижтимоий таваккалчиликни ортиши каби регрессив тенденцияларнинг намоён бўлиши аянчли характер касб этади.

Жамиятнинг ривожланишида ижтимоий соҳани орқада қолиши билан ифодаланган дисгармонияни топилиши, маданий ривожланиш ортда қолиши, шахснинг психофизиологик адаптация механизmlарини тезлашаётган илмий-технологик тараққиётдан орқада қолиши ахборотлашган жамиятни критик ўрганиш суратини ўсишига сабаб бўлди.

Бошқа томондан, ахборотлашган жамият мавзусига бағишланган илмий публицистикалар ортиб кетди, унда телекоммуникациялар таъсирига учраган ҳодиса ва жараёнлар баён этилган, улар тараққиёт баҳосини берувчи ахборотлашиш жараёнларининг моҳиятини англашга халақит беради. Шундай қилиб, ахборотлашган тараққиётнинг таклиф қилинган модели текис эмас ва зиддиятлидир. Бу замонавий ривожланиш тараққийлик мезонларини илмий жиҳатдан таҳлил этишга, ахборотлашган концепциялар асосида ётган қийматлар ва идеалларни топишга ундайди.

Ҳозирги босқичда кадриятларни қайта баҳолаш билан боғлиқ ҳолда нафақат мактаб, балки оилавий таълим вазифалари ҳам ўзгарган. Замонавий оила унинг роли ва янги шароитда болаларни тарбиялаш имкониятлари тўғрисида нотўғрилигини кўрсатди.

Иқтисодий инқироз оила ва мактаб ўртасидаги янги муносабатларни шакллантиради, ота-оналар тобора кўпроқ таълим жараёнининг субъектига айланиб, таълим хизматларининг мижозлари сифатида ҳаракат қилмоқдалар ва таълим муассасасини ресурс билан таъминлаш кўп жиҳатдан уларга боғлиқ.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш ота-оналарга таълим муассасасини, ўқув дастурларини, кўшимча машғулотларни танлашда катта эркинлик беради, аммо улар ҳар доим ҳам бу танловни боланинг манфаатларига зиён етказа олмайдилар. Бола ва ота-оналарга замонавий шароитларда оила билан қадрли муносабатларни ўрнатишга қодир бўлган, унга педагогик маданиятни эгаллашда профессионал ёрдам кўрсатадиган, ҳаракатчан, педагогик жиҳатдан малакали ўқитувчи керак.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ошириш уларнинг ижодий салоҳиятини очиб бериш, оилавий тарбияни такомиллаштириш учун асосдир. Шу муносабат билан, келажакда ўқитувчиларнинг ота-оналар виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришга тайёрлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Ўқитувчининг ота-оналар виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришга тайёргарлигини назарий жиҳатдан асослаш “ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданияти” ҳодисасига муурожаат қилишни талаб қилади. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш тадқиқотчиларнинг ушбу ҳодисага бўлган қизиқишини кўрсатади.

Шундай қилиб, И.В.Гребенникова, Л.В.Ковинко, Е.Н.Сорокина, В.Я.Титаренко, А.Г.Харчева, С.Н.Шчербакова асарлари ота-оналарнинг педагогик маданиятини ўрганишга бағишланган. Педагогик изланишлар мактаб ўқувчилари тарбияси ва ота-оналарнинг педагогик маданияти даражаси (И.В.Гребенников, Н.Е. Шчуркова) ўртасидаги муносабатларни ўрнатди, ота-оналарга педагогик таълим тизимини ишлаб чиқди.

Ота-оналар маданиятини оиланинг тарбиявий салоҳиятининг муҳим таркибий қисми сифатида алоҳида таъкидлаб, аксарият муаллифлар “ота-оналарнинг педагогик маданияти” тушунчасига муурожаат қилишади (М.М.Богомолов, И.В.Гребенников, Е.Н.Наседкина ва бошқалар) ва уни ҳар хил йўллар билан тақдим этадилар. Ота-оналарнинг педагогик маданиятини аниқлашга уриниш “Оила тарбияси” қисқача луғатида қилинган бўлиб, уни “ота ва онанинг ҳақиқий педагогик фаолиятининг асоси, бу тарбиядаги хатолардан қочиш ва тўғри ечимларни топишга ёрдам беради”²⁵ дейилади.

В.Я.Титаренко “Ота-оналарнинг педагогик маданиятини “ўзига хос” механизмлар ва воситалар тўплами деб таърифлайди, уларнинг эгаллиги оилани ўқув жараёнини ташкил этиш ва уни маълум талабларга мувофиқ бошқаришга имкон беради”²⁶. Шунингдек, бу борадаги муайян механизмлар бўйича муаллиф таълим мақсадларини, уларга эришиш йўлларини, шу жумладан таълим фанлари соҳасидаги маълум билимларни аниқ тушунишни англатади, яъни психологик, педагогик, физиологик, гигиена ва бошқа билимларнинг тегишли миқдори, шунингдек уларни ҳаётда амалга ошириш кўникмалари ҳамда қобилиятларига алоҳида эътибор қаратади. И.В.Гребенников эса ота-оналарнинг педагогик маданиятини уларнинг “педагогик маданияти, яъни ота-оналар ва уларнинг ота-оналарининг тарбиячилар сифатида етуклик даражасини акс эттирувчи ва болаларнинг оилавий ва ижтимоий тарбияси жараёнида намоён бўладиган айрим фазилатларнинг педагогик тайёргарлиги ҳамда ривожланиш даражаларининг тўпламидир»²⁷ деб таъкидлайди. Бизнинг тадқиқотларимизда ахборотлашган жамиятда ота-оналарнинг педагогик маданияти шахсий виртуал таълим муҳити сифатида қаралади, бу болани тўлақонли

²⁵ Семейное воспитание: краткий словарь / сост. И.В. Гребенников; под ред. И.В. Гребенникова, Л.В. Ковинько. –М.: Политиздат, 1990. 319 с.

²⁶ Титаренко В.Я. Семья и формирование личности. –М.: Мысль, 1987. 351 с.

²⁷ Гребенников И.В. Повышение педагогической культуры родителей - основа совершенствования семейного воспитания школьников // Сов. педагогика. 1971. № 11. С. 51 - 67.

тарбиялаш ва ривожлантиришга, ўз-ўзини бошқариш ҳамда бошқариш қобилиятига йўналтирилган қийматда ифодаланади. Шунингдек, виртуал таълим муҳотида психологик-педагогик билимлар, технологиялар ва бола билан ўзаро муносабатларнинг инсонпарварлик услубига ижодий эгаллик қилишда ўзини тутиши устувор ўринни эгаллайди. Виртуал таълим муҳотида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ушбу тушунчаси ўқитувчининг касбий тайёргарликнинг таркибий қисми сифатида уни шакллантиришга тайёрлиги феноменини аниқлашимизга катта ёрдам беради.

Педагогикада касбий тайёргарликни анъанавий равишда шахсий фазилатларнинг шаклланиши, юқори даражадаги махсус ва умумий билим, турли хил педагогик муаммоларни ҳал қилиш, фаолиятни бошқариш қобилияти сифатида изоҳлашади. Тайёрлик “ҳамма нарса амалга ошириладиган, ҳамма нарса бирон нарсага тайёр бўлган” ҳолат сифатида қаралади²⁸. Касбий фаолиятга тайёрлик касбий фаолиятни ўрганишнинг умумий тамойилларига асосланиб кўриб чиқилади, яъни: фаолият ва онгнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлик ва ички шароит, шахс ва фаолият бирлиги, ички фаолиятни шахсни объективлаштириш билан боғлиқлиги, унинг ўрнатилиши, мақсадга мувофиқ фаолиятда шахс фаолиятининг етакчи роли ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқорида таҳлил қилинган асарлар асосида, малакали ўқитувчининг касбий тайёргарлиги билан биз мотивацион-қиймат, когнитив ва операцион-фаолият бирлигини акс эттирувчи шахснинг мураккаб, интеграл, яъни ривожланиши ўзига хос аҳамият касб этади. Келажакда ўқитувчини ота-оналарнинг педагогик маданиятини шакллантиришга тайёрлашнинг ишлаб чиқилган модели юқоридаги таркибий қисмларнинг мавжудлигини назарда тутаяди.

²⁸ Дьяченко М.И., Кандыбович Л.А. Психологические проблемы готовности к деятельности. Минск, 1976.

Келажакда ўқитувчининг ота-оналарнинг педагогик маданиятини ривожлантиришга тайёрлигининг мотивацион-қиймат компонентининг мазмуни ота-оналар билан ўзаро муносабатларга, уларнинг педагогик маданиятини қадрият сифатида қабул қилишга ва мотивацион соҳада боғлиқлик мотивларининг мавжудлигига эътиборни ўз ичига олади. Бирлашиш мотивининг мазмуни “эҳтиёжлар: одамлар билан боғланиш, гуруҳ аъзоси бўлиш, бошқалар билан мулоқот қилиш, ёрдам кўрсатиш ва қабул қилишдир”²⁹. Ўқитувчининг ота-оналарнинг педагогик маданиятини ривожлантиришга тайёрлиги таркибида боғланиш мотиви ота-оналарга тарбия масалаларида ёрдам кўрсатиш зарурлигини қондириш функциясини бажаради.

Бу жараёни шакллантириш усуллари, ота-оналар билан мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари, диалогли, мавзу-субъектларнинг ўзаро таъсирига йўналтирилганлиги, ностандарт вазиятларда янги ечимларни топа олиш ва самарали ҳамкорлик қилиш учун шароит яратишни тақозо этади.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришга тайёрлигининг оператив-фаолият компоненти уларнинг психологик ва педагогик билимларидан амалда фойдаланиш қобилиятларини педагогик қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширишдан иборат. Ота-оналарга уларнинг педагогик маданиятини ривожлантириш жараёнида педагогик ёрдам кўрсатишнинг амалий техникаси ва услубларини ўзлаштиришни талаб этади. Шу боисдан ҳам бўлажак мутахассис мазкур ҳолатда ота-оналарнинг педагогик маданиятини ривожлантириш учун репетиторлик ёрдамини тақдим этади.

С.Л.Рубинштейн касбий фаолиятга тайёргарликни босқичма-босқич шакллантириш тўғрисида, тажрибали ўқитувчини ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришга тайёрлаш жараёнининг модели қуйидаги қоидаларга асосланади:

²⁹ Ильин Е.П. Мотивация и мотивы. СПб.: Питер, 2002. 512 с.

1) тайёрлик олдинги босқичда тўпланган ҳар бир нарсани тўплайдиган фаоллик, тобора юқори даражага кўтарилиш; 2) олдинги даража кейинги даражаларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади; 3) маълум бир одамда тайёргарликни шакллантириш даражасини ўз вақтида аниқлаш, камчиликларни қоплашнинг узоқ муддатли режасини аниқлашга имкон беради; 4) ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришга тайёрлик келажакдаги ўқитувчининг умумий касбий тайёргарлигининг асосий қисми, унинг энг муҳим таркибий қисми сифатида қаралади.

Шундай қилиб, келажакда малакали ўқитувчиларни ота-оналар виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришга тайёрлаш кетма-кетликда: пастдан юқори даражага, яъни босқичма-босқич амалга оширилади. Босқичма-босқич олдинга силжиш “бу нафақат ҳаёт йўлидаги ҳаракат, балки инсон ҳаётининг янги сифатига кўтарилишдир. Шахс ҳаётнинг янги даражасига сифат жиҳатидан ўт ишини фақатгина фаолият субъекти ва объектив равишда мавжуд ижтимоий муҳитнинг ички ва ташқи ривожланиш диалектикасини аниқлаштириш орқали етарли даражада тушуниш ва тушунтириш мумкин”³⁰. Номланган методик асослар ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятни ривожлантиришга тайёрлигини, унда барча таркибий қисмлар яхлит ҳолда тақдим етилганда, фазилат ва хусусиятлар юқори даражада шаклланганда янада ривожланган, деб ҳисоблашга имкон беради.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, таълим ва тарбия жараёнида виртуал технологиялар мутахассислар томонидан фобияларни енгиш усули, шунингдек баъзи бир хулқ-атвор тажрибалари сифатида фаол фойдаланилади. Аутизмга чалинган болалар учун бу ҳақиқий вазиятларни ўрганиш учун майдончани ва уларга кўникиш усулини яратиши мумкин. Тиббий муҳитда ушбу

³⁰ Пушкин В.Г. Проблемы развития целостной личности. Личность, сознание, поведение и развитие: межвуз. сб. науч. тр. Л., 1984. С. 9 - 18.

усулнинг ҳақиқатан ҳам тасдиқланган самарадорлиги йўқ. Бу ҳақиқатан ҳам инновацион лойиҳадир, уни ҳақиқий амалиётга татбиқ этишдан олдин сиз жуда кўп илмий-тадқиқот ишларини бажаришингиз керак. Виртуал реалликда қандай вазиятларни яратиш кераклигини аниқлаш – бу сартарошхона, врачлик пункти, катта супермаркет, цирк бўлиши мумкин. Биз кузатган салбий нарса шундаки, виртуал реаллик ҳали ҳам объектив ҳақиқатни алмаштирмайди. Аммо ижобий натижа бериши ҳам мумкин.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Улардан асосийларидан бири - таълим муассасалари, маҳалла ва оилалар бўлиб, уларнинг ўзаро таъсир ўтказиш имконияти жуда кучли ҳисобланади.

Психологияда ўзаро таъсир коммуникация механизми сифатида қаралади. У субъектларнинг (объектларнинг) бир-бирига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир қилиш жараёнини англатади, бу биргаликдаги фаолиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиқади ва шерикнинг ҳолати, хулқ-атвори ва шахсий-семантик шаклланишларини сезиларли даражада ўзгартиришга қаратилган. Биргаликда фаолият жараёнида субъектлар (объектлар) ўртасида пайдо бўладиган алоқалар ва ўзаро таъсирлар алоқани шахслараро ўзаро таъсир текислигига айлантиради. Ушбу даражадаги ўзаро таъсир ҳар бир иштирокчининг хулқ-атвори ҳам рағбатлантирувчи, ҳам бошқаларнинг хулқ-атвориغا жавоб берувчи ролларни бажарадиган циклик сабабий боғлиқлик билан боғлиқ бўлган шартли индивидуал ҳаракатлар тизими сифатида ишлайди. Ўзаро алоқаларни ушбу талқин қилиш ҳамкорлик, ўзаро келишув ва қўшма фаолият жараёнида индивидуал ҳаракатларни мувофиқлаштиришни талаб қилади.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ошириш учун мактабда ўқитувчи ва ота-оналар билан ишлашнинг анъанавий ва инновацион шакллари ва усулларидан фойдаланиш

керак. Шубҳасиз, бу фаолиятни олиб боришда ўқитувчилар фойдаланадиган асосий иш шакли, айнан ота-оналар йиғилишидир (онлайн ва офлайн тарзда).

Одатда ота-оналар йиғилишлари анъанавий тарзда ўтказилади: синф раҳбарининг ўқув жараёнининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи ва ташкилий масалаларни муҳокама қилиш. Ушбу турдаги йиғилишларда ота-оналар одатда пассив бўлишади. Уларнинг ташаббускорлиги йўқлиги, бу қизиқишнинг йўқлиги ёки учрашувнинг ўзи ота-оналарнинг баёлотларига мос келмаслигининг кўрсаткичидир. Ушбу иш самарадорлигини ошириш учун ўқитувчилар учун бир нечта семинар-тренинглар ташкил этиш керак, унда йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, ота-оналарнинг фаоллигини ошириш йўллари кўриб чиқиш керак. Шунингдек, учрашувларни тайёрлаш ва ўтказишга қўйиладиган умумий талабларни аниқлаш, шунингдек уларни ўтказиш бўйича илмий ва услубий қўлланмалардаги тавсияларни муҳокама қилиш керак. Барча қизиққан ўқитувчилар қатнашиши учун бир нечта ота-оналар йиғилишларини очик ўтказиш мумкин.

Қандай қилиб ўқитувчи ота-оналар йиғилишига тайёргарлик кўриши мумкин, шунда якуний натижа барча иштирокчиларнинг умидларини қондиради? Тайёргарликнинг асосий нуқталарини санаб ўтамиз:

- учрашув "сценарийси" ни яхшилаб ўйлаб кўринг;
- ота-оналарга бериш учун саволлар тайёрлаш;
- мунозара муаммосига мос келадиган синф дизайни ҳақида ўйлаш;
- муаммога уларнинг кўзлари билан қараш учун олдиндан ота-оналар ва (ёки) болалар ўртасида сўровнома ўтказиш (мониторинг сифатида) мақсадга мувофиқ;
- синф ҳаётдан маълум дақиқаларни очиб берадиган девор газетаси, видеоклиплар ва бошқа материалларни тайёрлаш;

– стол ва стулларни ҳамма бир хил шароитда ҳис қилиши учун айлана шаклида жойлаштириш;

– ҳар бир ота-онани учрашувга шахсий таклифномасини ўйлаб кўриш;

– йиғилишга тайёргарлик кўриш учун синфнинг ота-оналар кўмитасини ёки айрим фаол ота-оналарни жалб қилиш.

Ота-оналар йиғилишларини шу тарзда ташкил этиш орқали қисқа вақт ичида сезиларли натижаларга эришиш мумкин: ота-оналар синф ва мактаб ҳаёти билан кўпроқ қизиқишади, унинг ишида фаол иштирок этишади. Ушбу шакл ота-оналарга мактаб шароитида уни кузатиб, ўз фарзандини янгидан таниб олишга имкон беради; болалар тарбияси учун масъулият ҳиссини кучайтиради; ота-оналар жамоасини бирлаштиради; мактаб ва оила ўртасидаги муносабатларга ижобий таъсир қилади.

Педагогик маъруза хонасида ота-оналарга оилавий тарбиянинг турли масалалари бўйича онлайн ва офлайн тарзда таълим бериш: шахсий ибратнинг аҳамияти ва ота-оналарнинг фарзандларни тарбиялашдаги аҳамияти, она ва отанинг роли, улар ўртасидаги муносабатлар; оилада болаларни тарбиялашда рағбатлантириш ва жазолаш; оиладаги болалар учун иш, дам олиш, ўқиш ва бўш вақтни ташкил этиш ва бошқалар.

Учрашув ва маърузалардан фойдаланганда ўқитувчи назарий билимларни амалий характерга эга бўлиши керак. Бу ерда ота-оналарни ўзларининг таълим фаолияти билан танишишга, бошқа оилалар билан тажриба алмашишга, нашрларни ўрганишга ва бошқаларга жалб қилиш муҳимдир.

Виртуал-педагогик тарғибот ота-оналарни турли видеороликлар, слайдлар, стендлар, тематик кўргазмалар ва бошқалар материаллари орқали тарбия масалалари билан таништиришга имкон беради, шунингдек уларга тарбия ва ўқув жараёнини, ишнинг илғор усулларини бевосита намойиш этади, керакли

педагогик маълумотларни тушунарли ва ишончли тарзда етказишга ёрдам беради.

Семинар ота-оналарнинг оилавий таълим, болалар билан ўзаро муносабатлар усуллари тўғрисида билимларини кенгайтиришга қаратилган; ота-оналарнинг таълим жараёнига бўлган муносабатини ўзгартириш. Ота-оналар оилавий муаммоларни муҳокама қилиш ва акс еттиришда иштирок этадилар, тажриба алмашадилар ва мунозаралар жараёнида муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқадиладар. Семинар сизга фаол таълим муҳитини яратишга имкон беради. Бундай иш жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланиш мумкин:

– таклиф қилинган мутахассислар (ўқитувчилар, психологлар, ижтимоий ишчилар, дефектологлар ва бошқалар) томонидан аниқ масалалар бўйича онлайн ва офлайн маърузалар. Шу мақсадда ота-оналарнинг маълум бир гуруҳини қизиқтирадиган мавзулар олдиндан танлаб олинади (масалан: "Болаларнинг индивидуал хусусиятлари", "Болалар ривожланишининг ёш инқирозлари", "Мақташ ва жазолаш санъати") мавзулар содда тилда, образли, жонли ва ишончли тақдим этилишини таъминлаш;

– ота-оналар бошидан кечирган муайян педагогик вазиятларга асосланган гуруҳ муҳокамалари. Муҳокаманинг мақсади - муайян ҳаётий вазиятни ҳал қилишда унинг психологик ва педагогик маъносини тушунишга асосланган мақбул ёндашувни биргаликда ишлаб чиқиш;

– китоб ўқиш терапияси, унинг моҳияти оилавий ҳаёт ва таълим муаммоларига бағишланган семинар учун ўқитувчи томонидан махсус танланган илмий-оммабоп услубий қўлланмаларнинг мазмунини муҳокама қилишдан иборат.

Ота-оналарнинг педагогик маданиятини шакллантиришда гуруҳ ва индивидуал маслаҳат бериш катта аҳамиятга эга. Ушбу ўзаро таъсир усулининг асосий вазифаси - бу етарли бўлмаган ота-оналарнинг позицияларини ўзгартириш, ота-оналар ва болалар

ўртасидаги ўзаро таъсир шакллари оптималлаштириш. Консултация ўқитувчининг қисқа хабаридан ва ота-оналарнинг саволларига жавоблардан иборат.

Ишбилармонлик ўйини ўз иштирокчиларини иложи борича реал вазиятга яқинлаштиради, педагогик жиҳатдан тўғри қарорларни тезда қабул қилиш кўникмаларини, хатоларни ўз вақтида кўриш ва тузатиш қобилиятини шакллантиради. Ишбилармон ўйинларнинг мақсади – маълум кўникма ва қобилиятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Савол-жавоб кечалари – бу турли мавзулардаги педагогик маълумотлар тўпламидир. Бундай оқшомлар ота-оналар ва ўқитувчилар, тақлиф этилган мутахассислар ўртасида тенг мулоқот тарзида ўтказилиши керак. Давра суҳбатлари нафақат ота-оналарнинг, балки ўқитувчиларнинг ҳам билим доираларини кенгайтиради. Ота-оналар билан ишлашнинг, уларнинг педагогик маданиятини оширишга қаратилган ўзига хослиги, ўқитувчидан тарбиянинг иккита энг муҳим субъекти – оила ва мактабнинг шахслараро ўзаро таъсирини ташкил этишга ҳисса қўшадиган шундай профессионал фазилатларни талаб қилади.

Психологик-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ота-оналарнинг педагогик маданияти даражаси ва оилада болани ривожлантириш ва тарбиялаш самарадорлиги ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд деган хулосага келинди. Педагогик фаолият жараёнида ўзаро жараён амалга оширилади: болани тарбиялаш пайтида ота-оналар ўзларини ривожлантириб, такомиллаштирадилар, уларнинг кадриятлари янгиланади, ота-она маданиятининг сифат ва миқдорий хусусиятлари ўзгариб, уни тарбиялаш бола билан ўзаро муносабат услубида амалга оширилади.

Болани тарбиялаш самарадорлиги мактаб ва оиланинг ўзаро яқин алоқаларига боғлиқ. Синф раҳбарлари мактаб ва оила ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этишда етакчи роль ўйнайди.

Айнан уларнинг иши оилалар болалар тарбияси ва таълими билан боғлиқ ҳолда мактаб томонидан олиб борилаётган сиёсатни қай даражада тушунишини ва уни амалга оширишда иштирок этишини белгилайди. Шу билан бирга, оила болаларни тарбиялашда асосий буюртмачи ва иттифоқчи сифатида қаралиши керак ва ота-оналар ҳамда ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатларига қўшилиш боланинг ривожланиши учун қулай шароит яратади.

II БОБ. ҲОЗИРГИ ДАВРДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ ВИРТУАЛ-ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

2.1-§. Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш жараёнини ташкил этишга тизимли-комплекс ёндашув

Ҳозирги давр кишисининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ахборотлашган жамият – ахборотлаштириш натижасидир. У ўз навбатида – ўз асосига ва коммуникацияга эга, илдизи билан имо-ишоралар, мимика, белгилар ва қиёфалар ёрдамида мулоқотга кетаётган қонуний феномендир. Бироқ ахборот – шунчаки қандайдир белгилар тизими эмас, балки социомаданий феномен, яъни ижтимоий ва маданий ҳаёт ҳодисасидир. Бугунги кунда ахборот феномени ахборот, ахборотлаштириш, виртуаллик ахборот инқилоби, ахборот портлаши, ахборот инқирози каби тушунчалар орқали очиб берилди. Бу ҳодисаларнинг йўналтирилиши энг аввало, индивидларнинг ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзини-ўзи идентификациялаш усуллари берган ижтимоий омиллар орқали аниқланади. Жамиятни ахборотлаштириш – бу юзага келган зиддиятлар йиғиндиси сифатида ахборот бухронларининг ҳал этилишига қаратилган ахборот технологиялари имкониятининг кенгайиш жараёнидир.

Ахборотлашган-техник оламда инсон муаммоси – бу бошқа рухий-психологик жабҳалар ичидаги шахс ва жамият муносабатларини такомиллаштиришни ўз ичида олган, унинг имкоинятлари ва ижтимоий тизимлари эҳтиёжини ифодаловчи ахлоқ мезонлари ва баҳоларини ишлаб чиқиш муаммосидир. Техник-технологик асоснинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлган ижтимоий коммуникатив жараёнларнинг қонунияти ва тарихий шартланганлиги ахборотлашган жамият феноменини англатади, унинг

долзарблиги ва муҳимлигини эътироф этади. Салбий вазиятларни назарда тутган ҳолда, ахборотлашган жамиятдан бир онда воз кечиб бўлмайди. Қатор объектив сабабларга кўра бунинг иложи ҳам йўқ, зеро, буларнинг энг асосийларидан бири – инсоннинг ижтимоий мавжудлигига коммуникациянинг имманент (ички) равишда кириб келишидир. Айнан коммуникация ижтимоийликнинг асосини ташкил қилади. Коммуникациянинг замонавий шакли янги ахборот технологиялари билан таъминланади. Дарҳақиқат, замонавий техникадан воз кечиш замонавий коммуникациядан воз кечишни англатади.

Ахборотлашган жамият потенциали унинг йўналиши фақат гуманитар муаммолар ҳал этилган шароитдагина бўлиши мумкин. Буларнинг ичидан энг долзарб муаммо, ҳаёт сифати муаммоси ҳисобланади. Шунингдек, авваллари сифатли деганда илмий-техника тараққиёти воситасида яратилган: автомобилга, аудио-видеотехникага, ҳашаматли уйга эга бўлиш каби қулайлик тушунилган бўлса, эндиликда бу борада сўз юритганда биринчи навбатда шаҳарнинг экологик соф ва тоза ҳудуди, экологик жиҳатдан фойдали озуқа, соғлом болалар, ичишга яроқли бўлган тоза сув тушунилади. Яқин вақтларгача қулай экологик ҳолат борасидаги бу каби мавзулар у қадар долзарб бўлмаган. Эндиликда, яшаш муҳитининг сифат муаммоси биринчи ўринга кўтарилди ва бу муаммо зудлик билан ечимини топишни талаб этмоқда. Мазкур вазиятда гап фақат автомобилларнинг токсик моддаларни ишлаб чиқаришини камайтиришда эмас, балки янги кадриятлар тизимида камол топган инсоннинг шаклланишидадир. Айнан инсоний кадриятларгина ижтимоий фаолиятни ё эзгуликка ёки ёвузликка йўналтира олади. Оммавий ахборот коммуникация воситалари кадриятларни тарғиб қилишга ёрдам беради. Шу муносабат билан ахборотлашган жамиятнинг техник-коммуникацион потенциалларини қўллаш вазифаси инсон шуурининг янги тимсоллари ва кадриятларининг яратилишида кўзга ташланади.

Ижтимоий реклама экологик қадриятларни тарғиб қилишнинг ижтимоий вариантларидан бири сифатида, заиф, бироқ инсоний қадриятлар тизимини қайта тузиш йўлида қўйилган тўғри қадам саналади. Мазкур жабҳадаги янада самарали қадамлар тўғри турмуш тарзининг расм бўлган ва прогрессив-лашгани билан ўхшаш эканлигига боғлиқдир.

Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, биринчидан, ахборотлашган жамият концепцияси ва ишланмаси ахборотлашган жамиятнинг умумий аниқлашдан бошлаб, уни таснифловчи белгиларгача бўлган масалалар билан боғлиқ бўлган танқидни фарқлаш зарур. Иккинчидан, ахборотлашган жамият амалиёти танқидини, яъни ахборотлашган воқеъликни намоён этувчи жараёнларни белгилаш ва ҳал этиш. Кўп ҳолатларда ахборотлашган жамият амалиёти эмас, балки назарияси танқид остига олинади. Бизнинг ахборотлашган жамият назарияси борасидаги танқидимиз шундан иборатки, назарияда инсон ҳисобга олинмаган, у шарт ва омил сифатида ахборотлашган жамият белгилари рўйхатига киритилмаган. Бизнинг ишимизнинг позитив қисмида инсонда рўй бераётган ўзгаришларни жамиятдаги асосий таснифлар сирасига киритишни таклиф қилишдан иборат. Ва бу ерда ҳам ахборотлашган жамият амалиёти, аниқ жараёнлар каби ахборотлаштиришни танқид қилиш зарурати ҳисобга олинади. Бу жараёнларни кўриб чиқиш инсон билан содир бўлаётган муҳим ўзгаришлар тўғрисидаги батафсил хулосаларга олиб келади. Инсоннинг янги тимсоли – ахборотлашган инсон шаклланади.

Бизнинг наздимизда, ўтказилган ахборотлашган жамиятнинг замонавий концепциялари шарҳига таянган ҳолда, Д.Белл ҳамда О.Тоффлерлар томонидан берилган ва илмий ҳамжамиятга қабул қилинган ахборотлашган жамиятнинг “мумтоз” белгилари ижтимоий-техник таснифга эга, деган хулосага келиш мумкин. Бу концепциялар юзага келаётган ахборотлашган воқелиқда ахборот-техник ва ижтимоий-информацион хусусиятлар чизгисини ўзида

акс эттиради. Янги воқеликнинг информатсион-техник таснифи – бу техник ресурс бўлиб, жамият уни яратади ва қўллади; ижтимоий-информатсион таснифлари – бу ахборот технологияларининг жамиятда қўлланилиши оқибатидир.

Шу тариқа “ахборотлашган инсон”нинг вужудга келиши қайд этилади. Унинг хусусиятлари қуйидагиларда ўз аксини топади. Ахборотлашган воқелик элементи сифатида намоён бўлувчи бу инсон нафақат субъект сифатида, балки виртуал макондаги рақамлаштирилган зарра сифатида ҳам намоён бўлади. У қайта шаклланиб, ахборотлаштириш тизимларидаги унинг ўзаро таъсирлар “майдони”га мослашади. У қайта шаклланиб, ахборот тизими воситасида унинг ўзаро ҳаракатлар “майдони”га мослашади. Янги ўзаро ҳаракатлар инсоннинг ҳаётий фаолиятини ҳатто унинг “анъанавий” шаклдаги ижтимоийлиги ва табиийлигида ҳам ўзгартира олмайди. Бу тескари таъсир гўёки инсоннинг “кадрдон макони” га “қайтиши” дир, бироқ энди бошқа кўринишда. Инсон кибер-макондан қайтар экан, у ўзи билан бирга ўзгача фаолият жадаллигини, унинг бошқа йўналишини эргаштиради. Бу эса ахборотлаштириш каналлари бўйлаб ҳаракатланиш суръати билан, клипни идрок этиш билан, ҳаётий фаолиятнинг ҳатто хусусий жабҳасидаги ташқи ресурсларни муттасил жалб этиш билан боғлиқдир. Инсоннинг ахборот техникаси борасидаги билимдонлиги уни тегишли бўлган жабҳада қўллашни тақозо этади. Шу тахлит ижтимоий ва табиий воқелик ўзгаради, у янги инсон - киберакторга мослашади, унинг учун констант шартлар, жумладан, ахлоқий императив сифатида намоён бўлиш барҳам топади. Бироқ инсоннинг бу каби “кайфият”и муқаррар тахдидлар билан боғлиқдир, зеро, бунини инобатга олган ҳолда олдини олиш зарур. А.Эркаевнинг фикрига кўра: “Оммавий коммуникация воситалари – радио, кино (кейинчалик телевидение, интернет ва ҳоказоларнинг) вужудга келиши, комикслар, кўнгилочар асарлар, грампластинкалар (кейинчалик видео ва аудиодисклар) ҳамда

бошқа маданий истеъмол буюмларининг саноат усулида “улгуржи” ишлаб чиқарилиши сабабли моддий буюмлар қаторида маънавий маҳсулотларнинг ҳам стандартлашуви юз берди. Маънавий-маданий маҳсулотлар истеъмол товарига айланди. Уларнинг шакли ва мазмуни маҳаллий, минтақавий ва миллий қиёфаларини, хусусиятларини йўқота бошлади”³¹.

Ахборотлашган жамиятда ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданияти паст даражада акс этаётганлиги, бу бир қатор сабабларга боғлиқ: ахборотлашув туфайли инсоний қадриятлар тизимининг ўзгариши, урф-одатлар ва уларнинг йўқолиши, оила таркибининг бузилиши, ёшларнинг ўзгариши оиланинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақидаги ғоялар, инсоннинг асосий ижтимоий-психологик функциясини - ота-онани тарбиялаш, эркин муносабатларни тарғиб қилиш ва бошқаларни тушунишнинг виртуал даражада эмаслиги билан характерланади.

Оила турли хил ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрганиш мавзусидир. Уларнинг ҳар бири ушбу тушунчага ўз таърифини беради:

– социология нуқтаи назаридан, бу қон ва никоҳ билан боғлиқ бўлган одамлар гуруҳидир;

– ҳуқуқшунослик ушбу таърифни тўлдиради ва оила – бу биргаликда яшовчи бир неча кишининг бирлашиши, бу ҳуқуқий муносабатлар билан ўзаро боғлиқлиги, никоҳ ва қариндошлик муносабатларидан кейин пайдо бўладиган муайян вазифалар доирасини айтади;

– педагогика ва психологияда оила аъзолари ва турли авлодларнинг шахсий муносабатларига, кекса авлод вакиллари-нинг ижтимоий гуруҳнинг ёш аъзоларини ривожланишидаги тарбиявий ва ижтимоий ролига қаратилган.

Оила – бу никоҳга асосланган кичик ижтимоий-психологик гуруҳ бўлиб, унинг аъзоларини биргаликда яшаш ва уй шароитида

³¹ Эркаев А. Курашади икки тўлқин...//. – Тафаккур-2013. 3-сон Б.13.

сақлаш бирлаштиради. Оиланинг муҳим хусусиятларидан бири бу унинг аъзолари ўртасидаги ҳиссий боғлиқлик, бир-бирларига маънавий жавобгарлик ва ўзаро ёрдам беришдир.

Замонавий оиланинг асосий функциялари, аввалгидек, репродуктив (насл бериш), иқтисодий ва таълимни ўз ичига олади. Оилавий тарбия катталар эҳтиёжлари ва мотивацияси тизимини, унинг атрофидаги дунёни идрок этиши, ўзини ўзи қадрлаши ва муҳим психологик хусусиятларини ҳамда турли хил яшаш шароитларига мослашиш қобилиятини олдиндан белгилаб беради.

Оилавий таълим – бу керакли натижаларга эришиш учун ота-оналар ва бошқа оила аъзолари томонидан болаларга таъсир ўтказиш жараёнларининг умумий номидир.

Бола учун оила ҳам яшаш муҳити, ҳам таълим муҳитидир. Оиланинг таъсири, айниқса бола ҳаётининг бошланғич даврида, бошқа таълим таъсиридан устун туради. Оила мактабни ҳам, оммавий ахборот воситаларини ҳам, ижтимоий ташкилотларни ҳам, дўстларини ҳам, адабиёт ва санъатнинг таъсирини ҳам акс эттиради. Бу ўқитувчиларга қарамликни аниқлашга имкон берди: шахсни шакллантиришнинг муваффақияти, авваламбор, оила томонидан белгиланади. Шахсни шакллантиришда оиланинг роли боғлиқлик билан белгиланади:

Ижтимоий, оилавий ва мактаб таълими бузилмайдиган бирдамликда амалга оширилади. Оила тарбияси муаммолари, улар мактаб билан алоқада бўлган қисмида умумий педагогика, бошқа жиҳатлар - ижтимоий томонидан ўрганилади. Оилавий таълим ва тарбия:

- оила шахсининг ижтимоийлашувини амалга оширади;
- оила анъаналарнинг давомийлигини таъминлайди;
- оиланинг энг муҳим ижтимоий вазифаси – бу фуқарони, ватанпарварни, бўлажак оилавий одамни, жамиятнинг қонунга бўйсунувчи аъзосини тарбиялашга қаратилади;
- касб танлашда оила катта таъсир кўрсатади.

Оилада тарбиянинг мазмуни демократик жамиятнинг умумий мақсади билан белгиланади. Оила жисмоний ва руҳан соғлом, ахлоқий, интеллектуал ривожланган, яқинлашиб келаётган иш, ижтимоий, оилавий ҳаётга тайёр шахсни шакллантиришга мажбурдир.

Оилавий таълимнинг таркибий қисмлари:

– жисмоний: соғлом турмуш тарзига асосланган ва кун тартибини тўғри ташкил этишни ўз ичига олади, спорт, танани чиниқтириш ва ҳ.к.;

– ахлоқий: шахсни шакллантирадиган муносабатларнинг асосий қисми. Доимий ахлоқий қадриятларни тарбиялаш – севги, ҳурмат, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, ҳалоллик, адолат, виждон, қадр-қиммат, бурч;

– интеллектуал: ота-оналарнинг болаларни билим билан бойитишда, уларни эгаллаш ва доимий янгилаш эҳтиёжларини шакллантиришда манфаатдор иштирокини ўз ичига олади;

– эстетик: болаларнинг истеъдодлари ва истеъдодларини ривожлантиришга қаратилган ёки уларга ҳаётда мавжуд гўзаллик ҳақида шунчаки тушунча бериш;

– меҳнат: уларнинг келажакдаги солиҳ ҳаётлари учун асос яратади. Ишлашга одатланмаган одамда фақат битта йўл – “енгил” ҳаёт излаш мавжуд.

Замонавий педагогикада тарбия концепцияси кекса авлодлар томонидан етказиш жараёни ва янги авлодлар томонидан ижтимоий тажрибани ижтимоий ҳаётга ва самарали меҳнатга тайёрлаш учун уларни фаол ўзлаштиришдан иборат бўлиши лозим. Шу боисдан ҳам махсус ташкил этилган жараён сифатида тарбиянинг мақсади, бола шахсининг максимал даражада ривожланишига, боланинг замонавий, виртуал маданият шароитига кириб боришига ва унинг инсонга муносиб ўз ҳаётининг субъекти ва стратеги сифатида шаклланишига ёрдам беришдир.

Болалар боғчалари битирувчилари ва кичик мактаб ўқувчилари интернетни ривожлантиришда биринчи мустақил қадамларини ташламоқдалар. Бу ёш сизнинг фарзандингиз билан компьютер хавфсизлиги, виртуал ҳақиқат тузоқлари ва Интернетдан ўлчовли фойдаланиш зарурлиги тўғрисида суҳбатлашишни бошлаш учун энг мақбулдир. Сиз аллақачон боладан нимани қизиқтираётганини ва нимани қидираётганини сўрашингиз мумкин, унга қандай маълумот манбалари ишончли ва хавфсиз эканлигини тушунтириб беринг. Бола Интернетда кўрган ҳамма нарса ҳақиқат эмаслигини, суҳбатдошларнинг ҳаммасига ҳам ишониб бўлмаслигини ва ҳар қандай "иккитанинг сири" кўпчиликнинг мулкига айланиши мумкинлигини ёдда тутиши керак бўлади.

Ўсмирлик (12+) фаол ижтимоийлашув билан боғлиқ - оналар орқа фонда йўқолади, тенгдошлари, уларнинг бутлари ва

⁵⁵ Х.Дўстмуҳаммад. Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа. Янги аср авлоди. 2013. 6-99.

ёшлар муҳитининг ҳозирги тенденциялари талаба ҳаётида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда яқин катталар билан алоқа, шу жумладан компьютер хавфсизлиги мавзуси камроқ ишончга эга бўлиши мумкин. Аммо ўспирин ҳали ҳам компьютер хавфсизлиги учун курашда сизнинг иттифоқдошингиз ва шеригингизга айлана олади - бунинг учун сиз уни ушбу мавзу билан ўзига жалб қилишингиз керак. Энди сиз у билан кибер таҳдидларнинг ҳар хил турлари, уларнинг намоён бўлиши ва оқибатларини батафсил муҳокама қилишингиз, шунингдек уни Интернетдаги ҳаддан ташқари очиклик ва баъзи бир онлайн танишувларнинг мумкин бўлган хавфи тўғрисида огоҳлантиришингиз мумкин. Хавфсизликнинг техник жиҳатларига эътибор қаратиш лозим: мобил қурилмалар, антивирус дастурларини ўрнатиш, ҳисоб қайдномаларини яратиш ва паролни танлаш. Боланинг розилиги билан унинг гаджетларига "ота-она назорати" дастурларини ўрнатишингиз мумкин. Шу билан бирга, мутахассислар таъкидлашларича, ўспиринга босим ўтказмаслик, агар у Интернетда ноўрин нарсага қараётганини кўрсангиз, унга танбەҳ бермаслик жуда муҳимдир. Нима учун бундай сайтларга кирмаслигингизни оқилона тушунтиринг. Агар оилада ишонч муҳити яратилган бўлса, унда ҳар қандай шубҳа туғилса ва ҳар қандай қийин вазиятда бола сизга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Айтганча, юқорида айтиб ўтилган Superjob.ru сўрови шуни кўрсатадики, агар 7-14 ёшдаги болаларнинг Интернет ҳаёти худди шу фоиз оналар ва оталар томонидан бошқарилса, унда 15-17 ёшдаги ўспиринларга нисбатан аёллар томонидан кўпроқ назорат мавжуд (44% ва 33%). Бунга афтидан оталар етарлича сабр қилмайдилар.


IV. БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

4.1. Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари

«Ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш масалалари» мавзусида социологик тадқиқот олиб борилди. Муайян тадқиқотда ахборотлашган жамиятда ота-оналарнинг ёшларга ўрнаклик муносабатлари, ёшларнинг виртуал оламдаги хулқ-атворлари, ижтимоий сайтларда турли гуруҳларнинг шаклланиши, виртуал оламда ахборот истеъмол эҳтиёжлари ва ёшларнинг ахборот истеъмол эҳтиёжларини қондирилишида хулқ-атворнинг шаклланиши, шунингдек виртуал оламда ота-она ва ёшлар муносабатлари таҳлил қилинди.

Тадқиқотда виртуал оламда ахборот истеъмолчиси сифатида ота-она, ёшлар хулқ-атвор ва шу асосида шаклланган кўникмалар, виртуал олам иштирокчиси сифатида ота-она ва ёшлар талқинида виртуаллик, маданият ва виртуал-педагогик маданият уйғунлашуви тушунчалари ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари ва медиа истеъмолчиси сифатида тобелик ҳолатлари, ахборотлашган жамият шароитида ота-она ва ёшлар виртуал муносабатларининг ахборот эҳтиёжларида виртуал - педагогик маданиятни ривожлантиришда онгли филтрлаш асосий омил сифатида ота-она, ўқувчи-ёшлар фикри социологик сўровнома асосида ўрганилди.


Олиб борилган тадқиқотимизда, 295 нафар ота-она ва 592 нафар ёшлар ўз фикрлари билан иштирок этишган.



1-расм.

2-расмда тадқиқотда қатнашган 295 нафар ота-оналар, тадқиқот танлови учун танлаб олинган ҳудудлар кесимида, қатнашган аёллар ва эркаклар улуши акс эттирилган.


Статистик маълумотларга асосланадиган бўлсак, Ўзбекистонда эркаклар аёлларга қараганда бир фоиздан кўпроғини ташкил қилмоқда. Лекин тадқиқотда ота-оналар бўйича кўрадиган бўлсак, ҳар бир ҳудуд бўйича оталарга қараганда кўпроқ оналар қатнашганини кўришимиз мумкин. Бу эса, биринчи навбатда оилада фарзандлар тарбиясида оталарга қараганда кўпроқ оналар иштирок этаётганини ва ундан ташқари оталардан ҳам кўпроқ фарзанд тарбияси, масъулият кўпроқ оналар зиммасига тушаётганини кўриш мумкин.



2-расм.

2-расмда тадқиқотда қатнашган ёшлар ҳудудлар кесимида акс эттирилган.


Демак, тадқиқотда ўз фикрлари билан қатнашган ёшлар орасида жинс бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, эркак ва аёл жинсидага ёшлар деярли тенг равишда қатнашганини кўришимиз мумкин. Тадқиқотда 25 ёшдан юқори бўлган, ҳозирда иш, юмуш билан бирга фарзанд тарбияси билан машғул бўлган ота-оналар қатнашишган. 25-35 ёшлар орасида 16%, яъни 46 нафар, 36-45 ёшлар 32 %, бу 96 нафар, 46-55 ёшлар 35 % , 107 нафар, 56 дан юқори 16%, 46 нафар она ва оталар қатнашган (3-расм).



3-расм.


3-расмда тадқиқотда қатнашган ота ва оналарнинг ёш кўрсаткичлари вилоятлар кесимида кўрсатилган.

Тадқиқотда қатнашган ёшлар 12 ёшдан юқори бўлиб, 4-расмда ёш улуши бўйича ҳудудлар ва жинс кесимидаги респондентларнинг улушини кўриш мумкин.




4-расм.

Тадқиқот учун Ўзбекистоннинг Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Тошкент шаҳри ҳудудлари танлаб олинган. Статистик маълумотлар асосида айнан ушбу ҳудудларда оилавий аҳоли сони бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқни ташкил қилмоқда, шу сабабдан, ушбу ҳудудлар тадқиқот учун энг тўғри танлов деб танлаб олинди.




5-расм.




6-расм.

295 нафар ота ёки оналарнинг 28 % Самарқанд вилоятидан, 25 % Фарғона вилоятидан, 24% Андижон ва 23 % Тошкент шаҳридан 25 ёшдан юқори бўлган турли ёшдаги респондентлар қатнашган. 592 нафар ёшларнинг 28% Самарқанд вилоятидан, 25% Фарғона, 24% Андижон ва 23% Тошкент шаҳридан респондентлар иштирок этган.



7- расм.

7-расмда ота-оналарнинг маълумотлилиқ даражаси кўрсатилган.



8-расм.

Тадқиқотда қатнашган ёшларнинг 210 нафари (38%) ҳозирги вақтда мактабда ўқийди, 42 нафари (8%) мактабни битириб, лицейларда ёки касб ҳунар коллежларида таҳсил олмоқда, 85 нафари (15%) мамлакатимиздаги турли олий ўқув юртларида ўқиб келмоқда, 78 нафари (14%) иш билан банд, 86 нафари (15%) эса ишсиз, иш билан банд бўлмаган, 50 нафари (9%) уй бекаси, яъни аёллар улушини ташкил қилади, 3 нафари (1%) эса имконияти чекланган ёшлар ҳисобланади (9-расмда акс этган).


Тадқиқотда қатнашган ота-оналар бандлигини ҳам 9-расмда келтирилган диаграмма асосида кўриш мумкин.



9-расм.

Бугунги кунда жаҳон бўйича кузатадиган бўлсак, аксариат аҳоли бир-бири билан мулоқот қилишда турли ижтимоий сайтлардан фойдаланишмоқда. Буларнинг ичида Ўзбекистонда аҳолининг бир-бири билан мулоқот қилиши учун телеграм мессенжери энг оммабоп ҳисобланади. Ушбу мессенжер орқали аҳоли, ёшу, қари бир-бири билан тури ахборотларни алмашишади, ҳозирги кунга келиб, ҳаттоки ушбу мессенжер орқали 2 нафардан ортиқ фойдаланувчи видео мулоқот қилиши ҳам мумкин. Ота-она ва фарзандлар бирдек телеграмдан фойдаланади. Messenger – инглиз тилидан олинган бўлиб, хабар маъносини англатади ва тўлиқ холда тезкор хабар алмашинув дастури ҳисобланади. Ушбу дастур орқали инсонлар бир-бирлари билан ахборот алмашадилар, дунё бўйича аҳоли бир-бири билан боғланиб, ўзаро фикр алмашиниши, ахборот алмашиниши мумкин. Ўзбекистонда аҳоли телеграм мессенжеридан кенг фойдаланади. Viber, WhatsApp ва бошқа мессенжерлар орқали Ўзбекистонда асосан яқин қариндоши, дўстлари дунё мамлакатларида яшаётган ёки меҳнат муҳожири сифатида ишлаётган танишлари билан мулоқот қилишда кўпроқ фойдаланадилар. Ўзбекистон аҳолисининг энг кўп қисми айнан телеграм орқали бир-бири билан мулоқот қиладилар. Ўз навбатида ушбу мессенжер баъзи ҳолатлар бўйича ҳимояланган ҳисобланади. Шундай бўлса-да, бугунги кунда ушбу мессенжер орқали ёшлар, катталар алданаётгани ёки бўлмаса, бир-бирларига ёлғон, текширилмаган, ҳеч қандай асосга эга бўлмаган маълумотларни юборилиши ва бу маълумотларнинг тез тарқалиши, оилаларга, ёшлар онгига салбий таъсирини кузатиш мумкин. Телеграм мессенжери аҳолининг ҳаётий мазмунига айланиб бўлган, десак янглишмаган бўламиз. Тадқиқотда қатнашаётган ота-оналар, ёшлар ушбу телеграм мессенжеридан фойдаланаётганлиги маълум бўлди.

Қуйидаги 10-расм, 1-жадвалда ота-оналар телеграм мессенжеридан мулоқот учун фойдаланганлигини сонда ва фоизда кўриш мумкин.



10-расм.

Ушбу жадвалда, худудлар кесимида респондентларнинг телеграм мессенжеридан фойдаланганлик сонини кўриш мумкин.

1- жадвал


№	9	Самарқанд	Фарғона	Андижон	Тошкент шаҳри	жами	%
1	Ҳа	64	55	49	46	214	75
2	Йўқ	16	14	21	19	70	25
	Жами	80	69	70	65	284	100

2- жадвалда ёшлар бўйича 554 нафар ёшларнинг 70% ҳозирда ахборот алмашинувида телеграм мессенжеридан фойдаланмоқда (2 жадвал)

2 жадвал

		Самарқанд	Фарғона	Андижон	Тошкент шаҳри	жами	%
1	Ҳа	114	104	85	86	389	70
2	Йўқ	39	34	47	45	165	30
	жами	153	138	132	131	554	100

Ёшларнинг 30% телеграмдан фойдаланган бўлар эди, агар ота-онаси (ёки оиланинг бошқа аъзолари) рухсат берганда, яна 30% ни ичида 42 нафар респондент илгари ахборот алмашинувида телеграмдан фойдаланган, лекин баъзи сабаблар асосида ҳозирда фойдаланмайди. 30% телеграмдан фойдаланмайдиган ёшларнинг 34 нафари телеграмдан фойдаланган бўлар эди, агар телеграм дастурини кўтарадиган мобил алоқа воситаси бўлганда, атиги 8 нафари, яъни 554 нафар респондентнинг 8 нафари телеграм дастури орқали ахборот алмашишга қизиқмайди.



11-расм.

(11-расмда вилоятлар кесимида телеграмдан фойдаланмаслик ҳолатлари кўрсатилган).

Кейинги жадвал орқали респондентларнинг (ота-оналар), мулоқот учун (Relationship networks) алоқа тармоқларининг кўпроқ қайси мессенжер ёки сайтлардан фойдаланиши кўрсатилган. (3-жадвал)

3 -жадвал


№	10	Самарқанд	Фарғона	Андижон	Тошкент шаҳри	жами	%
1	Telegram	64	55	49	46	214	59
2	Instagram	21	14	18	13	66	18
3	Facebook	13	9	8	11	41	11
4	В контакте	6	6	7	4	23	6
5	Одноклассники	1	3	4		8	2
6	Твиттер	3		1		4	1
7	LinkedIn	5	1		3	9	3
8	Бошқа						
	жами	113	88	87	77	365	100

4-жадвал орқали респондентларнинг (ёшлар), мулоқот учун (Relationship networks) алоқа тармоқларининг кўпроқ қайси мессенжер ёки сайтлардан фойдаланиши кўрсатилган. (4-жадвал)

4-жадвал

	10	Самарқанд	Фарғона	Андижон	Тошкент шаҳри	жами	%
1	Telegram	114	104	85	86	389	60
2	Instagram	46	32	29	41	148	29
3	Facebook	18	6	5	20	49	8
4	В контакте	5	2	3	9	19	3
5	Одноклассники	1				1	0
6	Твиттер	5	2	1	5	13	2
7	LinkedIn	7	4	5	8	24	4
	<i>жами</i>	196	150	128	169	643	100

Демак, натижалардан кўриш мумкинки ёшлар ҳам уларнинг ота-оналари ҳам ижтимоий тармоқларда фаол. Кейинги савол орқали ёшлар ва ота-оналар кун давомида қанча вақт ижтимоий тармоқларда ахборот алмашинувида вақт сарфлашини билишга ҳаракат қилинди. Респондентларнинг (Ота-оналар) 32% 2 соатдан 5 соатгача, 28% кўп вақт сарфлаши, яъни 5 соатдан ҳам кўпроқ вақт фойдаланади. (12-расм)



12- расм.

Ёшларда ҳам 26% 1 соатдан 2 соатгача, 41% 2 соатдан 5 соатгача, 18% бир кунда ижтимоий тармоқлар учун энг кўп вақт сарф қилиши кўрсатилган. (13- расм)




13-расм.


Бугунги ахборотлашган жамият шароитида аҳолининг энг катта қатлами, ёшлар ҳам ота-оналар ҳам ижтимоий тармоқларда иштирок этмоқдалар. Ҳар бир ота-она ва фарзандлари ҳаётида ижтимоий тармоқларнинг ўрни уларнинг турмуш тарзи билан уйғунлашганини кўришимиз мумкин. Инсоннинг бир кунлик ҳаётининг кўп қисми ижтимоий тармоқларда мулоқот қилишга кетади, ахборот алмашади, мулоқот қилади, керакли бўлган маълумотларни олади, тарқатади ва ҳ.к. Бу каби маълумотлар алмашинувида аксарият ёшлар фейк маълумот ва тўғри, асосли маълумотларнинг фарқига ҳар доим ҳам бораверишмайди. Айнан ёшлардаги, ҳаттоки баъзи ҳолатларда катталарда ҳам виртуал маданият бўлмаганлиги, ривожланмаганлиги сабаб, ижтимоий тармоқлар орқали турли таҳдидлар сабабчиларига айланиб, ёки бўлмаса алданиб қолишмоқда. Мисол тариқасида, 2020 йилда телеграм каналлари ёки бошқа ижтимоий сайтлар орқали тарқалган, “.....мобил алоқаси сайти орқали ушбу иловага кириб рўйхатдан ўтинг, маълумотингизни қолдилинг, Сизга пул мукофоти тақдим қилинади” каби хабарнома юборилган ва ушбу хабарномадаги ссилка орқали кириб ўз маълумотларини қолдирган инсоннинг мобил алоқасидаги маблағи ёки пластик картадаги маблағи автомат тарзда ечиб олинган. Бу каби алдов хабарлар жуда кўп бўлиб, энг ёмони инсонлар алданаётганини билиб туриб, ҳаттоки ўз тажрибаларида кўра туриб, ҳозир ҳам гоҳида телеграм каналлари орқали бир-бирларига йўллаб туришини кўриш мумкин. Ундан ташқари аҳоли, ёшлар ҳам катталар ҳам телеграм каналлари, бошқа ижтимоий тармоқлар орқали фейк хабарларни тўғри эканлигини текширмасдан туриб дўстларига, хамкасбларига юбориб туриш ҳолатлари жуда кўп кузатилади. Бу ҳам ўз навбатида аҳоли орасида етарли даражада виртуал маданиятнинг ривожланмаганлигини кўриш мумкин.

4.2. Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш даражасини аниқлаш мезон ва кўрсаткичлари

Бугунги кунда ёшлар, уларнинг ота-оналари ҳам тенг равишда мобил алоқа воситалари орқали ижтимоий сайтлардан доимий равишда, яъни уйда, иш қилаётганда, ўқишда, кўчада, дарс жараёнида ва бошқа ҳолатларда бемалол ахборотлашмоқда. Бу каби ахборотлашишда ҳаттоки биринчилардан бўлиш устинлик қилмоқда, яъни Youtube, Instagram ва ҳ.к. каби ижтимоий ахборот алмашинуви орқали ахборотларга эга бўлиб, уларни биринчилардан бўлиб оммага тарқатишга ҳаракат қилмоқдалар. Ота-оналарнинг ва уларнинг фарзандлари, ёшларнинг доимий фойдаланадиган мобил алоқа воситалари орқали кўпроқ Youtube, Instagramдан фойдаланиб келаётганини 14 ва 15-расмлар орқали кўриш мумкин.




14-расм.




15-расм.

Ота-оналар ва уларнинг фарзандларидан охириги 7 кун мобайнида мобил илова орқали қайси сайтлар орқали ахборот олдингиз, каби саволга 58% Youtube, 14% Instagram ва бошқалари, ёшларда эса 37% Youtube, 24% Instagram, 14% Snapchat дан фойдаланганини айтиб ўтган (16 ва 17-расм).



16-расм.



17-расм.

Дунё бўйича аҳолининг кўп қисми эрталаб тургандан ижтимоий тармоқларга кўз ташлайди, ахборотга эга бўлишга ва янги ахборотларни дўстлари билан бўлишишга ҳаракат қилар экан. Ҳар бир ижтимоий тармоқларда ахборот алмашувчи инсон бир akkaунт орқали 10 дан ортиқ каналлар орқали ахборотларга эга бўлар экан.


Ҳар бир инсон ҳаётида бир мартаба бўлса ҳам ижтимоий тармоқлар орқали ахборот олса, ахборотлар алмашинувиға қадам қўйса, кейинги сафар ундан чиқиб кетиш жуда қийин бўлади, шу асосда виртуал оламга тобе бўла бошлайди. Респондентлар жавобларидан кўриш мумкинки, ҳар бир инсоннинг виртуал ҳаётда ўз ўрни бор, яъни виртуал оламда қайд этилмаганларга нисбатан “замондан қолган” ибораси ҳам қўлланилади. Виртуал оламга кирмаган, унинг имкониятларидан фойдаланмайдиган ёшлар кам учраса керак. Бугуннинг “замонавий” инсонлари десак янглишмаймиз, инсонлар виртуаллашган, инсонлар турмуш тарзида интернет, виртуал олам каби сўзлар билан ҳамоҳанг яшашмоқда. Бунинг ўзига яраша ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Ёшларда ва хаттоки уларни ота-оналарида ҳам ўзига хос виртуал аутизм, яъни ўз оламида яшаш, бошқалар билан мулоқот қилишдан

қочиш, ўз муаммолари билан ўралашиб қолиш каби ҳолатлар ривожланиб бормоқда. Бу муаммо эса, ёшлар орасида сабабсиз ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари, баъзи ҳолатларда ёши катта инсонларнинг ҳеч қандай сабабсиз изсиз йўқолиб қолиши ёки сабабсиз ўз оиласидан йироқлашиш ҳолатлари ҳам кўп кузатилмоқда. Мобил алоқа воситасига эрта тонгдан назар ташлайдиган бўлсак, телеграм, инстаграм, фейсбук ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали кўплаб хабарлар кутиб турганини кўрамиз. Ушбу хабарларни таҳлил қиладиган бўлсак, бир иккита керакли хабардан ташқари 90% шунчаки, тонг билан муборакбод этиш, айёмлар билан табриклаш, ёки шунчаки эрталабки нонушта вақтига ёқимли иштаҳа тилаш каби ахборотлар тўлиб кетган бўлади. Қизиғи шундаки, ушбу ахборотлар масалан, интернет учганлиги, ёки интернет антеннасида муаммолар бўлганлигимиз, бошқа сабаблар билан юборилмай қолса, инсон хаёлида дарҳол, “сен унутилдинг”, “ҳеч кимга кераксиз” ёки яна шунга ўхшаган ёлғон сингналлар пайдо бўлади. Бу ҳолат, ҳаттоки инсон психикасига таъсир этади. Респондентларнинг қанча қисми эрта тонгдан дўстларга, ҳамкасбларга турли хабарларни йўллашини билишга ҳаракат қилдик. “Айтингчи, эрта тонгдан тонг билан табриклаб, жума номалари ёки турли реклама номаларини дўстларга, гуруҳларга ижтимоий тармоқлар орқали юбориб турасизми?” деб, берилган саволга, респондентларнинг 34% албатта деган жавобни беришган, 22% эса, баъзан, 30% юбормайди, лекин 14% бошқа жавобларни белгилашган. Ушбу савол бўйича ота-оналар орқали ўтказилган саволнома натижалари жадвали орқали вилоятлар кесимида жавобларни кўриш мумкин. (5-жадвал).

5-жадвал

№	15	Самарқанд	Фарғона	Анджон	Тошкент шаҳри		жами	%
1	Ҳа, албатта	19	21	17	23		80	34
2	Ҳа, баъзан	17	11	12	13		53	22
3	Йўқ, юбормайман	25	13	16	18		72	30
4	Бошқа	8	9	11	5		33	14
	Жами	69	54	56	59		238	100

Кейинги расм орқали, ушбу саволга ёшларнинг жавобларини кўриш мумкин (18-расм). Ёшларнинг 14% (53 нафари) “Ҳа, албатта” жавобини белгилаган, 19% (73 нафари) баъзан, 35% (131 нафари) юборади, лекин жавоб тариқасида ва (74 нафари) 19%и юбормайман, деган жавобларни беришган. Ёшларнинг берган жавобларидан кўриниб турибдики, 19 % гина эрта тонгдан ҳеч қандай ахборот юбормайди экан, қолганлари эса сабабли ва сабабсиз ҳолларда ҳам табриклар, номалар юбориб туришар экан.



18-расм.

Кейинги савол орқали респондентларнинг номаларни юборишдан мақсадларини билишга ҳаракат қилинди. 6-жадвалда савол бўйича ота-оналар жавоблари акс этган.

6-жадвал

	16	Самарқанд	Фарғона	Андижон	Тошкент шаҳри	жами	%
1	Ахборот тарқатишда ҳаммадан биринчилардан бўлишга интилиш	17	11	9	11	48	20
2	Мен ўзимни жамиятда фаол инсон эканлигимни шу тарзда намоён этаман	16	15	21	15	67	28
3	Менга юборган инсонни ноумид қилгим келмайди, мен ҳам жавобан юбораман	16	14	14	11	55	23
4	Мен камдан-кам юбораман, лекин кўпроқ тарбияга оид номалар йўллашга ҳаракат қиламан, ва ўзимни ақлли эканлигимни намоёиш қилишга ҳаракат қиламан	8	4	6	13	31	13
5	Мен умуман юбормайман, юборганларга жавоб ҳам қайтармайман, бу билан менда ноқулай вазият вужудга келади, шундай бўлса-да, ўз фикрим муҳим	12	10	6	9	37	16
	Жами	69	54	56	59	238	100

Ушбу савол бўйича ёшлар фикри вилоятлар кесимида 7-жадвалда акс эттирилган.

Ота – онанинг, фарзандларнинг жавобларида ҳам кўпроқ биринчилардан бўлиш, ижтимоий тармоқлар орқали мулоқот қилиш, ахборот алмашилиш, ҳар иккала гуруҳ респондентлари учун фаолликнинг кўриниши мисолида ёки бўлмаса, бошқалар томонидан юборилган номаларга жавоб қайтармаслик номани юборган инсонга нисбатан беҳурматлик деб, ҳисобланишини кузатиш мумкин.


7-жадвал

	16	Сонда	%
1	Ахборот тарқатишда ҳаммадан биринчилардан бўлишга интилиш	122	32
2	Мен ўзимни жамиятда фаол инсон эканлигимни шу тарзда намойиш этаман	25	7
3	Менга юборган инсонни ноумид қилгим келмайди, мен ҳам жавобан юбораман	89	23
4	Мен камдан-кам юбораман, лекин кўпроқ тарбияга оид номалар йўллашга ҳаракат қиламан ва ўзимни ақлли эканлигимни намойиш қилишга ҳаракат қиламан	23	6
5	Мен умуман юбормайман, юборганларга жавоб ҳам қайтармайман, бу билан менда ноқулай вазият вужудга келади, шундай бўлса-да, ўз фикрим муҳим	86	23
6	Ж.Б.Қ.	34	9
	Жами	379	100

Ахборотлашган жамият шароитида инсоният виртуал оламда иштирок этар экан, инсонда виртуал мулоқот маданияти, виртуал ахборотлашиш маданияти, умуман виртуал маданияти ривожланган бўлиши лозим. Инсоният онгида виртуал маданиятни ривожлантириш орқали дунё бўйича кўплаб глобал, кибер жанглари олдини олинган бўлар эди. Ёшлар ижтимоий тармоқлар орқали билар-билмас ўзлари ва бошқалар ҳақидаги маълумотларни ошқор қилишади, лекин ушбу маълумотлардан ғараз ниятларда фойдаланувчилар ҳам ҳозирги кунда кўплаб учрайди. Ёшлар ва

катталар онгини бузувчи турли хил экстремистик ва террористик гуруҳлар ҳам ўз навбатида виртуал олам орқали ўз гирдобига тортиб кетмоқда, ушбу гирдобга қарши иммунитет ҳосил қилишда виртуал маданиятнинг аҳамияти жуда катта. Ёшлар ўзларида кечаётган қийинчиликлар, тушунмовчиликлар ҳақида ўз яқинларига эмас, балким виртуал олам орқали дўст тутинган инсонларга ишонишмоқда. Лекин виртуал оламда айнан қайси ниятларда, қайси мақсадларда ёшлар фикрига қўшилаётганларнинг эса мақсадлари доим ҳам ошкор бўлавермайди.

Навбатдаги савол орқали виртуал оламда ота-оналарнинг фарзандлари билан, фарзандларнинг ота-оналари билан қанчалик илиқ муносабатларда, қанчалик бир-бирларига ишонч шакллانганлигини билишга ҳаракат қилдик.



19 расм.


Ота-оналарнинг 65 нафари (27%) фарзандлари, яқин қариндошлари билан ижтимоий тармоқларда дўст сифатида қайд этилган, 68 нафарида (29%) баъзиларида қайд этилган, 71 нафарида (30%) эса қайд этилмаган, ноқулайлик туғдиради, 34 нафари (14%) жавобларида йўқ, дея жавоблар билдирилган. Доим ҳам ота-она ўз фарзандлари билан ижтимоий тармоқларда ўзаро дўст сифатида қайд этилмайди.

20-расмдаги диаграммага эътибор қаратадиган бўлсак, ёшлар жавобларида 31 % ҳа, 20 % ҳа, фақат баъзиларида, 26 % йўқ, мен учун ноқулайликлар туғдиради, 7 % қатъий йўқ жавобларини кўриш мумкин. 16 % эса ж.б.қ. жавоб вариантини белгилаган, бу ўз навбатида йўқ жавобига яқинроқ жавобни аниқламоқда. Демак, ёшлар ҳам ота-оналар ҳам виртуал мулоқотларда ўзларини ошкор қилишни хоҳлашмайди.




20-расм.

Кейинги савол орқали фарзандларни ва ота-оналарни боғловчи туғилган кунлар, эришилган ютуқлар бўйича виртуал олам боғламоқдами йўқми, ота-она ва уларнинг фарзандларининг фикрини билишга ҳаракат қилинди. 21-расмда ота-оналар фикри, 22-расмда ёшлар фикри акс эттирилган.




21-расм.




22-расм.

Ҳеч кимга сир эмас, бутун дунёда ота-оналар ва уларнинг фарзандлари ҳам бир хилда энг кўп вақтини виртуал олам орқали мулоқот қилишга сарфлайди. Ота-оналарга ҳам уларнинг фарзандларига ҳам интернет оламини бир вақтга бўлса-да йўқ бўлса, нима қилишларини билиш мақсадида, уларга “Фараз қилинг, интернет, мобил алоқалар, виртуал мулоқотлар маълум сабаб бир

хафтага учиб қолди, Сиз?”, дея савол билан мурожаат қилинди. Жавобларни кузатадиган бўлсак, 61 нафар (26 %) ота-она интернет мулоқоти бир хафтага ўчиш мумкинмаслиги, шундай бўлса асабийлашиш, ўзини қўярга жой топа олмаслик ҳолатлари рўй беришини айтган. Ёшларнинг эса деярли 50%, 259 нафари асабийлашишини айтган. 86 нафар ота ёки она респондентлар “Ҳеч нарса қилмайман, оилам билан мулоқот қилишга имкон яратилганидан хурсанд бўламан” деган жавобни айтишган. Ёшларда эса, ушбу жавоб варианты атиги 6 % ни ташкил қилган. Ота ёки она респондентларнинг 45 нафари (19 %), ёшларнинг 99 нафари (19 %) бундай бўлишини умуман фараз қила олмаслигини билдирган. 27 нафар (11 %) ота ёки она, ёшлар 28 нафари (5 %) тезликда сабабини билишга ва уни бартараф этишга ҳаракат қилади. Ота ёки оналардан иборат респондентларнинг 3 %, ёшларнинг 4 % интернет ўчганлиги муносабати билан вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида, бадий китоблар, журнал ёки газета мутоала қилиши ҳақида айтиб ўтган.



23-расм.



24-расм.


Саволноманинг С блокадаги саволлар орқали ота-оналар, ёшларнинг виртуал оламдаги билим ва кўникмаларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. “Виртуал” сўзининг маъноси сиз учун танишми? Деган савол бўйича тадқиқотда иштирок этган ота ёки она томонидан 97 нафари (34 %) “Интернет оламини яхши тушуниш”, 75 нафари (26 %) “Компьютер технологиялари ёрдамида ахборотларни йиғиш, ўрганиш”, 31 нафари (11 %) “Мультимедия воситалари билан ишлаш кўникмаси”, 81 нафари (29 %) кўпроқ қисми жавоб беришим қийин, деган жавобларни айтишган (25-расм).



25-расм.

Ёшлар фикри бўйича, 29% “Интернет оламини яхши тушуниш”, 31% “Компьютер технологиялари ёрдамида ахборотларни йиғиш, ўрганиш”, 32% “Мультимедия воситалари билан ишлаш кўникмаси” ва 8% жавоб беришим қийин жавобларини беришган (26-расм).

Виртуаллик – (лот. *Virtualis* бўлиши мумкин) ҳаёлий объект ёки ҳолат бу ҳақиқатан ҳам мавжуд эмас, лекин маълум шароитларда пайдо бўлиши мумкин⁵⁶, яъни ҳақиқий воқеликдаги каби фақат электрон ахборот технологиялари ёрдамида мулоқот қилиш, ахборот алмашиш, ахборотлашиш дегани.



26-расм.

Виртуал олам инсонларга, ёшларга кенг имкониятларни очиб бермоқда. Реал ҳаётда фаол бўлмаган ёшлар виртуал оламда фаоллик қилиши мумкин, дунёнинг у чеккасидан бошқа чеккасидаги инсонлар билан бирга режа тузиш, реал ҳаётда имкони бўлмайдиган нарсаларга виртуал олам орқали ҳам эришиш имкониятлари мавжуд бўлиб, у мавжудлик инсонни ёки чўққиларга ёки бўлмасам чексиз жарликка олиб бориши мумкин.

⁵⁶ Грицанов А. А., Галкин Д. В., Карпенко И. Д. Виртуальная реальность // Новейший философский словарь / Сост. и гл. науч. ред. А. А. Грицанов. — 3-е изд., — Мн.: Книжный Дом, 2003. — 171—173. — 1280 с. — ISBN 985-428-636-

Виртуаллик бу интернет оламидаги мулоқот дейиш ҳам мумкин. Ёшлар борлиқда бўлаётган воқеа, ҳодисалардан тезликда кўникма ҳосил қиладилар ва бунда ушбу кўникмаларни ақлий таҳлил қилишида ота-онанинг вазифаси, уларда виртуал педагогик маданиятнинг ривожланганлиги муҳим. Ёшлар, умуман инсон зоти хатти-ҳаракатларни кўз билан кўриб ўзлаштиради, яъни болалар ота-оналари доимо танбеҳ бергани, ўргатгани эмас, кўпроқ уларнинг бажараётган хатти-ҳаракатига қараб намуна оладилар. Шу сабабли ҳам фарзандларнинг виртуал маданиятини шакллантиришда, аввало ота-оналарда виртуал маданият кўникмаларини ҳосил қилиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Узоқ тарихга назар соладиган бўлсак, “Virtual” сўзи латин сўзидан келиб чиқиб “Vir”, яъни эркак сўзини англатган. Римликлар “Vir” сўзидан янги “virtus” ни келтириб чиқаради ва бу сўз эркакларга хос бўлган барча эркаклик фазилатларини намоён қила олган сўз, жасур, кучли, жасоратли, ахлоқий хулқ-атвор фазилатларига эга, виртус ушбу фазилатларнинг барчаси бир шахсда намоён бўлганда ишлатилган. Виртус маъбудаси ҳам айнан ушбу талқин асосида, қадимги Рим мифологиясида шу номга эга бўлганини айтиш мумкин. Кейинчалик латин тилидан француз тилига, XIII асрда француз тилидан инглиз тилига кириб боради. Компьютер технологиялари инсонлар ҳаётига кенг кириб бориши билан, инглиз тилида бу сўз, virtual сўзи “ҳақиқий ҳаётда мавжуд эмас, лекин дастурий таъминот туфайли пайдо бўлади⁵⁷” деган маънога эга бўлди. Компьютер технологиялари ривожланган янги даврга келиб виртуаллик ҳақиқий ва ҳаёлий (ёки қурилган) дунё ўртасидаги фарқ чегарасини йўқотадиган маълум бир ҳолат сифатида тушунилади. Виртуаллик ҳақидаги ушбу тушунча педагогика, психология, этика, эстетика ва умуман маданиятда ҳам қўлланилиб келади.

⁵⁷ Леушкин Р. В. Виртуальный объект как проблема конструктивного реализма // *Фундаментальные исследования*. — 2014. — № 6. URL.: <http://www.etymonline.com/index.php?term=virtual>

Виртуал маданият эса, айнан вртуалликнинг ҳақиқий дунё ва хаёлий дунё чегарасини англаб етиш, виртуал воқеликдан унумли фойдаланиш ҳисобланади. Замонавий жамиятда, турли соҳа мутахассислари томонидан виртуал олам ҳақида тадқиқотлар олиб боровчилар томонидан, виртуал оламга нисбатан янги тушунчани “инфологема” иборасини ҳам талқин этмоқдалар. Инфологема бу, текшириш имконига эга бўлмаган, лекин ёлғон, сохта қарашлар концепцияси ҳисобланади. Ёшларда мана шу ёлғон қарашларга эргашиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Инфологемалар туфайли, ёшларда ўз кучига ишонмаслик, ўзидаги камчиликларнинг мавжудлиги бошқалар сабабли эканлиги, яқинларидан ҳам, виртуал оламдаги иштирокчиларга ишониш муҳимлиги, Ватан каби туйғуни умуман яккалик, фақат ўзинг, Ватан бу сен, сенинг ривожланишинг демакдир, сенинг омадсизлигинг бу фақат атрофингдаги ёмон инсонларнинг мавжудлиги каби ёлғон ғояларни шакллантиради. Бу каби ғояларни ёшларда ривожлантириш орқали, Ватанга хиёнат қилувчи онгсиз ёшларни кўпайтиришда, терроризм йўлида улардан фойдаланишади. Бу каби ҳолатларни олдини олишда эса, ота-онанинг огоҳлиги жудаям муҳим, яъни ота-оналарда виртуал педагогик маданиятининг ривожланганлик даражаси билан боғлиқ.

Тадқиқотда ота-оналар ва ёшлар фикридан келиб чиқиб, Виртуал оламда ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан 3 тоифасини айтиш мумкин:

Биринчиси, ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандларига компьютердан, электрон ахборот воситаларидан фойдаланишни, турли виртуал ўйинларни ўйнашни, умуман интернетга киришни қатъий чеклайди;

Иккинчиси, виртуал мулоқотлар, ўйинлар, ахборот алмашинувида маълум бир вақт чегараларни кўядаган ота-оналар;

Учинчиси, ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандларини компьютер воситаларидан фойдаланишини чекламайди, қанча хоҳласа шунча вақт фойдаланиш имконига эга фарзанд. Интернет, виртуал олам

орқали ушбу ота-онанинг фарзанди барча маълумотларни ўз хоҳлаганча, хоҳлаган вақт мобайнида ўтираверади.

Ушбу тоифадаги ота-оналарнинг фарзандларининг виртуаллашишида салбий ва ижобий томонларини кўриб чиқадиган бўлсак.

Биринчи тоифадаги ота-онанинг фарзанди, замонавий ахборот технологиялари воситаларини керак бўлганда ишлата олиш кўникмаларига эга бўла олмайди. Биринчи уринишдаёқ фейк маълумотларга, инфологема каби ҳолатларнинг қурбонига айланиш эҳтимоли жуда катта. Бу каби ҳолат ҳам ўз навбатида ёшларнинг ахборотлашишида муаммоларнинг келтириб чиқиш сабабига олиб келади.

Иккинчи ҳолатда, ота-она фарзандига маълум чегараларни қўйиши ҳам салбий ва ижобий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Ижобий ҳолати, ёшлар ўзига белгиланган вақт мобайнида керакли мавзуларни олишга, ўзини қизиқтирган масалаларда унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Ота-она назоратини ҳис қилиб туради ва виртуал оламда кераксиз мақсадларда фойдаланишга журъат этмаслиги мумкин.

Салбий ҳолати шундан иборатки, ёшлар назоратни бўлганлиги сабабли, назоратдан чиқишга ҳаракат қилади. Бошқалар сингари иш тутишга ҳаракат қилади, яъни белгиланган вақт чегарасида виртуал оламни бошқа қирраларини очишга ҳаракат қилади. Вақт чегарали бўлганлиги сабабли, у тезликда виртуал оламнинг сирларини ўрганишга ҳаракат қилади ва ўз навбатида турли фейк, инфологема қурбонига айланиши мумкин. Яъни ота-онасининг назоратини, ўзига нисбатан ишончсизлик, ота-она олдида фарзанднинг обрўсизлиги, бошқалар фарзандига ишонади, менинг ота-онам эса менга ишонмайди компьютер мосламасидан фойдаланишда чегара қўяди, дея ўзига ота-онасига нисбатан қарама-қарши муносабатлар, фикрлар ривожланиб боради. Бу ҳолатда ҳам ота-она ёшларга нисбатан эҳтиётсизлик қилиб қўйиши мумкин ва

бу ёшларни турли гуруҳларга, хоинлик хислатларини ривожлантирувчи, уларнинг ота-онасига қаршилик қилаётганини қўллайдиган гуруҳлар исканжасига тушишига олиб келиши мумкин.

Учинчи ҳолат эса, ёшларни эркин бўлишига ёрдам беради. Ушбу ота-онанинг фарзанди электрон ахборот технологияларининг барча имкониятларини билиши, интернет олами, виртуал ўйинлар, янги технологияларнинг янги имкониятлари ҳақида барча нарсаларни билиши мумкин. Лекин гап ҳам мана шу барча имкониятлари, виртуал олам орқали бериб борилаётган ахборотларда. Ёшлар виртуал оламини, умуман электрон воситалардан фойдаланишни катталарга ҳам қараганда тезда ва яхши ўзлаштиради. Интернет тармоғи орқали йирик маълумотлар базаси секунд сайин ўзгаради. Жуда катта маълумотлар базаси шаклланади, виртуал оламда мулоқот қилинганда, виртуал ўйинларни ўйнаш орқали ёки бирор бир ахборотни нусха кўчириш ва яна бошқа хатти-ҳаракатларни амалга оширганимизда, биз ҳақимизда маълумотлар базада тўпланиб боради. Бирор бир маълумот излаб виртуал оламга кирган ёшларнинг қизиқишлари асосида ўйинлар, ахборотлар экран четидан чиқиб келаверади, ёшлар айнан шу каби маълумотларга қизиқиб боради. Чунки бу маълумотлар, рекламалар, ахборотлар, ушбу инсоннинг қизиқишларини алгоритимлар орқали ўрганилиб, ҳар доим уни жалб қилиш учун экран ойналарида намоён бўлаверади. Бу ҳолатда, ёшлар ўз миясини керакли маълумотлардан кўра кераксиз маълумотлар билан тўлдириб қўяди, ўзи учун муҳим бўлган инсонийлик, ахлоқийлик, билимга интилувчанлик ҳолатлари секин-аста йўқолиб боради. Чунки унинг учун ўзи топган олам қизиқарли бўлиб борверади, у ўзини ана шу оламда хотиржам сезади, ютуқларга эга бўлади, секин-аста виртуаллик унинг ҳаёт мазмунига айланиб боради.

Шу боисдан ҳам ота-оналар ўзига хос виртуал-педагогик маданиятга эга бўлган ҳолда фарзандларини интернетдан ўзини ўзи билиш воситаси ва жамиятда муваффақиятли ҳаёт кечирши

учун зарур бўлган маълумот манбаи сифатида фойдаланишга ўргатиши зарур. Чунки интернет, бир томондан, соф ижодкорлик ва эркин фикр билдириш учун жой очди, аммо бошқа томондан, бу боланинг, ўспириннинг психологик хавфсизлиги ва психологик соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган жараёнларнинг ривожланишига имкон беради. Шу ўринда мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мулоҳазаларига эътибор қаратсак: "...ёшлар ҳаёти, ўй-кечинмалари, орзу-ниятлари, энг муҳими, уларни қийнаётган масалалар, афсуски, радио ва телевидение, газета ва журналларда ўз ифодасини тўлиқ топмаяпти. Гўёки ҳамма нарса жойида, олам гулистон. Агар ҳаммаси жойида бўлса, тўғри йўлдан адашган ёшлар, жиноятчилик, ишсизлик қаердан пайдо бўляпти? Нега ёшларга оид давлат сиёсатига лоқайд муносабатда бўлаётган амалдорлар ҳақида оммавий ахборот воситалари, аввало, ёшлар матбуоти чурқ этмайди?"⁵⁸.

Ахборот ва психологик хавфсизликни таъминлаш бўйича оналар учун тавсиялар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, интернетга қарамликдан қочиш учун болангиз билан иложи борича кўпроқ мулоқот қилинг. Бўш вақтини компьютер ўйинлари билан тўлдиришга интильмаслиги учун болангизни маданият ва спорт билан таништиринг. Ёдингизда бўлсин! Компьютердан бошқа нарсага қизиқмайдиган болалар йўқ. Ёдингизда бўлсин! "Шахсиятининг тўлиқ ва уйғун ривожланиши учун бола оилавий муҳитда, бахт, севги ва тушуниш муҳитида ўсиши керак."

Иккинчидан: Интернетдан фойдаланишни назорат қилишнинг муайян механизмлари мавжуд, масалан: компьютерни умумий хоналарга жойлаштиринг ёки болалар Интернетдан фойдаланганда уларга яқин бўлинг;

болани Интернет билан бўлишиш;

маълумотларни филтрлайдиган махсус тизимларни ўрнатиш,

⁵⁸ Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 529.

мустақил равишда маълум маълумотларга киришни блокировка қилиш. Фильтрлаш мезонлари катталар томонидан белгиладнади, бу сизга Интернетдан фойдаланишнинг аниқ жадвалини белгилашга имкон беради.

Ҳаволаларда мутахассислар буни қандай қилиш ҳақида саволларингизга жавоб берадиган сайтларни кўрсатадилар.

Учинчидан: Фарзандларингиз "ўтириши" мумкин бўлган ижтимоий тармоқлар - Вконтакте, Одноклассники, Facebook, Фотострана, MySpace. Почта сайтидаги "Менинг дунём" ресурсига ҳам эътибор беринг.

Интернетда мулоқот қилишда бола янги "танишлар" ва "дўстлар" билан виртуал муносабатларни ўрнатади, бу зарарсиз туюлади, чунки Интернет дўсти, гўё "сохта". Фарзандингизга "янги дўст" номи остида фирибгар ёки бузуқ одам яшириниши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиринг. Виртуал қўполлик ва масхарабозлик кўпинча кибер таъқиб ва хўрлик билан тугайди ва мақсадга жуда кўп азоб беради.

Тўртинчидан: Болаларни шахсий маълумотларини жамоат зиммасига қолдирмасликка ўргатинг: контактлар, фотосуратлар, видеолар. Интернетнинг салбий жиҳатларини эсланг: "Сиз жойлаштирган барча нарсалар сизга қарши ишлатилиши мумкин". Фақатгина электрон алоқа усулларини сақлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, бундай алоқа учун махсус ажратилган электрон почта ёки исқ рақами.

Бешинчидан: Ижтимоий тармоқларда фарзандингизнинг "дўсти" бўлинг. Бу сизга боланинг янги "танишлар" ва "дўстлар" билан виртуал муносабатларини бошқаришда ёрдам беради. Унга тушунтиринг, фақат таниқли одамгина дўст бўлиши керак.

Олтинчидан: Ахлоқий жиҳатларига қарамай, вақти-вақти билан фарзандингизнинг электрон почтасини ўқиб чиқинг, агар у хатни ўқиганингиздан кейин боланинг хафа бўлганини, чалкашиб кетганини, кўрқаётганини кўрсангиз.

Еттинчидан: Интернетдаги кўполлик ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш воситаси - фойдаланувчини эътиборсиз қолдириш - ҳеч қандай ҳолатда провокацияларга берилмаслик. Фарзандингизга махфийлик соғламаларини қандай ишлатишни тушунтириш; исталмаган "меҳмон" ни қандай блоклаш керак: фойдаланувчини "қора рўйхат" га қўшиш, сайт модераторига шикоят қилиш лозим.

Саккизинчидан: Сиз бир нечта қоидаларга риоя қилиш орқали ёқимсиз онлайн харид қилиш тажрибасидан қочишингиз мумкин: қора рўйхатни текшириш, Интернетдаги шарҳларни ўқинг. Сизни товарларнинг жуда паст нархидан, сотувчининг ҳақиқий манзили ва телефон рақамининг сайтда йўқлигидан, юз фоиз олдиндан тўловдан қўрқингиз керак.

4.3. Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари

Ота-оналарнинг 3 хил тоифасида ҳам фарзандларини виртуал оламдаги мулоқотларида салбий ёки ижобий томонлари мавжуд бўлиб, бу ўринда айнан ота-онанинг ўрнаклик кўрсатиши муҳим. Фарзандни виртуал оламда ўта чегаралаш ҳам, чегара белгилаш ҳам ва ўта мустақил қилишда ҳам ўзига яраша муаммолари мавжуд экан. Шу сабабли ҳам ахборотлашган жамиятда ота-оналарга виртуал педагогик маданиятини ривожлантириш орқали ёшларга виртуаллашишда тўғри йўналиш бера олади деб ҳисоблаймиз. Ёшлар берилаётган ахборотларни саралаш қобилиятига эга бўлиши лозим. Хориж тадқиқотчилари томонидан ўтказилган ёшлар орасида “ижтимоий тармоқлар экстремизми” ҳолатларининг аксарияти, 75% 18 ёшдан 30 ёшлар орасидаги ёш фойдаланувчилари эканлиги маълум бўлган. Виртуал оламда керакли ахборотлар билан бирга ўта кераксиз ахборотлар ҳам жуда кўп. Лекин инсоният, айниқса ёшлар ушбу ахборотларни саралашга вақти ҳам имконияти ҳам етмайди. Ёшлар орасида ва уларнинг ота-

оналарида ҳам етарли даражада медиасаводхонлик ривожланмаганлигини юқоридаги ота-она ва ёшлар фикрларидан айтиш мумкин. Керакли ахборотларни ва кераксиз ахборотларни онгли саралаш кўникмасини шакллантириш бугунги куннинг долзарб муаммосидир. Педагогика фани орқали ёшларда виртуал маданиятини, интернет фойдаланувчиларининг маданиятини ривожлантирувчи, М Самарқанд водхонлик дарсларини киритиш орқали ушбу масалани ижобий ҳал қилишга эришиш мумкин.


“Маданият” сўзининг талқини ёшлар ва уларнинг ота-оналарида қандай акс этмоқда. 27-расмда ота-оналар фикри 8-жадвалда ёшлар фикри акс этган.




27-расм.

8-жадвал

21.Маданият сўзининг талқини ёшлар фикри асосида		сонда	%
1	Маданият сўзи арабча, мадина-шаҳар, маскан, тараққиёт ўчоғи дегани	189	36
2	Билим соҳаларининг ривожланиш даражаси	146	28
3	Ўқимишлилик, зиёлилик	83	16
4	Ж.Б.Қ.	101	20
	Жами	519	100



28-расм.




29-расм.

28 ва 29-расмларда ота-оналар ва уларнинг фарзандлари фикрида “Виртуал маданият” ҳақида фикрлар аск эттирилган.


Ижтимоий тармоқларда тақдим этилаётган таълим-тарбия масаласига қаратилган ахборотларнинг тақдим қилиниши, мазмун-моҳияти Сизни қониқтирадими?” деган саволган ота-оналарнинг 31 нафари (11%) албатта қониқтиради, 96 нафари (34%) қисман қониқтиради, 133 нафари (47%) умуман қониқтирмаслигини билдиришган ва 24 нафари (8 %) жавоб беришим қийин дея фикрларни билдиришган (30-расм). Ёшларда фикрида 71 нафари

(14 %) албатта, 237 нафари (46%) қисман қониқтиради, 59 нафари (11%) умуман қониқтирмайди, 116 нафари (22 %) билмайман, 35 нафари (7 %) жавоб беришим қийин деб фикр билдиришган (31-расм).

Ижтимоий тармоқларда тақдим қилинаётган таълим-тарбия масалаларига қаратилган ахборотларнинг мазмун моҳияти ота-она респондентларнинг 133 нафари учун умуман қониқарсиз деб айтилди. Уларнинг фикридан келиб чиқиб, бугунги кунда ижтимоий тармоқларда тақдим қилинаётган ахборотлар кўлами жуда кўп бўлиб, барчаси ҳам ёшлар тарбиясида ижобий таъсир кўрсатади дейиш қийин. Ижтимоий тармоқлар орқали олим ҳам, золим ҳам Самарқанд ^{Самарқанд} ~~Сирдан~~ ахборотларни тарқатиш имконига эга. Ёшларни тарбиясини бузувчи, ёд ғояларни тарғиб қилувчи ахборотлар мавжуд бўлган, кейин ҳам бўлаверади. Чунки интернетдаги ахборотларни чегаралаб бўлмайди, интернет олами кенг уммон каби чексиз маълумотлар базасига эга. Шу сабабли ҳам инсониятнинг онгини, онг орқали саралаш, филтрлаш каби хусусиятларни ривожлантириб бориш керак.



30-расм.




31-расм.

Саволноманинг кейинги саволи орқали, Kundalik.com, Nemis ахборот тизимлари ота-она ва ўқувчиларнинг қанчалик масъулиятини ошириши ёки аксинча ҳолатларни билишга ҳаракат қилинди. ОТМ ёки мактабда таҳсил олаётган фарзандлари бор ота-оналар ва ёшлар орасидан ҳозирда мактабда, ОТМ ўқиётганларни саралаб олинди.


“Айтингчи, Kundalik.com, Nemis ахборот тизимлари ўқувчининг ота-она олдидаги масъулиятини оширади, деб ҳисоблайсизми?” каби ота-оналарга берилган савол бўйича, қуйидаги жавоблар олинди. 73 нафари (33%) ҳа, албатта, 57 нафари (26%) ҳа, қисман, 25 нафари (11%) йўқ, 40 нафари (18 %) йўқ, шунинг билан бирга ўқувчига салбий таъсир кўрсатади, 28 нафари (12 %) Йўқ, шунинг билан ота-онага салбий таъсир кўрсатади, деган фикрлар билдирилган (32-расм).

Ёшлар фикридан эса, 210 нафар респондентларнинг 35 нафари (17 %) ҳа, 39 нафари (19%) ҳа, қисман, 57 нафари (27 %) йўқ, 47 нафари (22 %) йўқ, шунинг билан бирга ўқувчига салбий таъсир кўрсатади, 21 нафари (10 %) йўқ, шунинг билан ота-онага салбий таъсир кўрсатади, 11 нафари (5 %) жавоб беришим қийин жавобларини беришган (33-расм).

Юқоридаги фикрлар асосида айтиш мумкинки, фарзандларнинг ўзлаштириши ҳақидаги маълумотлар 40 нафар ота-она ва 47 нафар ёшлар фикридан, ўқувчига салбий таъсири мавжудлиги айтилган. Ёки 28 нафар ота-она ва 21 нафар ёшлар фикрида ота-онага салбий таъсири бор жавоблар айтиб ўтилган. Ушбу дастур орқали ўқувчи ўзининг баҳоларини кузатиб боради ва ўз навбатида ота-онани ҳам кузатиш имконига эга. Фарзандининг ўзлаштиришини ёмон кўрсаткичларини кўрган ота-она фарзанди билан ишлаш лозимлиги учун масъулият ошади ва 40 нафар ота-она фикрида ҳам ўқувчига салбий таъсири бор, дея жавоб вариантини берган бўлса-да, бунда ҳам демак, ота-она фарзандининг ўзлаштиришини ёмонлигини кўраётган фарзандга нисбатан айтилган ҳолатда ҳам, билмаган тарзда ота-она ва ўқувчининг масъулиятини ошириши кўрсатилган. Кейинги жавобда ҳам шу каби, ота-онага салбий таъсир кўрсатиши ҳам ўз навбатида ота-она олдида ҳам масъулиятни оширишини белгилайди (32 ва 33-расмларда жавоблар акс этган).




32-расм.



33-расм.

“Фарзандингиз ахборотлашиш учун қайси манбалардан фойдаланмоқда?” ва “Сиз ахборотлашиш учун қайси ахборот манбалардан фойдаланасиз?” деган саволга ота-она ва уларнинг фарзандларининг куйидаги фикрларини кўриш мумкин.



34-расм.




35-расм.

Кўрсатилган жавоб вариантларидан шунини таҳлил қилишимиз мумкинки, бугунги кунда ота-оналар, ёшларнинг фикрида газета, журналлар, китоблар, деган жавоб варианты 13% ни ташкил қилмоқда. Ёшлар ўзларининг ахборотлашиш тўғрисидаги фикрлари 10 % китоб, газета, журналлар орқали ахборотлашиши маълум бўлмоқда. Бугунги кунда ОАВ ларига камдан-кам мурожаат қилинмоқда, чунки уларда берилаётган маълумотлар аввалроқ ва тўлароқ шаклда интернет орқали берилмоқда. Қоғоз вариантыдаги ахборотлар манбаси чегараланган бўлиб, ҳар доим ҳам тўлиқ маълумотлар берилавермайди. Ундан ташқари, кўпинча газета, журналлар орқали берилаётган маълумотлар интернет орқали олинган маълумотлар бўлиб чиқмоқда. Албатта, энг кўп маълумотлар, интернет орқали ўрганилмоқда, ёшлар, ўз навбатида катталар ҳам ахборотлашишда интернетга мурожаат қилмоқда. Китоб мутоаласи муаммосига келсак, ўқувчилар орасида китобхонлик маданиятини ошириш учун, савияси баланд китобларни нашр эттириш, классик адабиётларни, асарларни электрон манбага жойлаш ва бу орқали барчани эътиборини тортиши лозим. Интернет орқали классик ва савияси баланд китобларни ўқиган инсон албатта қоғоз вариантыни ҳам топишга ҳаракат қилади ва бу китобни ўз жавонида бўлишини хоҳлайди.


Ота-оналарнинг ўз фарзандлари ҳақида билиши, уларнинг қайси манбалар орқали ахборотлар олиши муҳим бўлганидек, мобил алоқа воситалари ҳақида хабардорлигини билишга ҳаракат қилинди. Баъзи ота-оналар ўз фарзандига алоқа воситаларини ўзлари совға қилишади ва фарзандларини алоқа воситаларидан фойдаланишда керакли тавсияларини бериш билан бирга назорат ҳам қилиб туришади. Лекин баъзида ота-она фарзандининг алоқа воситасидан фойдалана бошлаганини, қаердан алоқа воситасини олганлигини ва алоқа воситасидан фойдаланиш учун харажатларни қаердан қоплашини ҳақида ҳам хабардор бўлмаслиги мумкин.

Ота-оналарнинг 33 нафари (14 %) ҳа, фарзандининг қайси русумдаги алоқа воситасидан фойдаланишини билади, 50 нафари (22%) ўзи олиб берганлигини, 62 нафари эса, йўқ, жавоби, яъни қайси русумдаги алоқа воситасидан фойдаланишини ёки бўлмаса умуман бор, йўқлигини билмайди. 85 нафари (37%) фикрига асосан бошқа, фарзанди мобил алоқа воситасидан фойдаланмаслигини айтиб ўтишган (36-расм).




36-расм.

Ота-она ва фарзандларнинг биргаликдаги, ҳамжиҳатликдаги фаолияти ота-она ва фарзанднинг бир-бирига бўлган меҳрни оширади, бир-бири ўртасида тушуниш, меҳр, илиқлик ришталари пайдо бўлади. Лекин афсуски, фарзандлар улғайгани сари ота-она билан биргаликдаги фаолиятлари камайиб боради, ёки бўлмаса, бутунлай бошқа фикрлар пайдо бўлади. Шу сабабли, ота-она ва фарзандларнинг орасида тушунмовчилик, бир-бирига бегоналик қарашлар, ота-она насихатини тўғри қабул қилмаслик ёки фарзандни ота-она томонидан тушунмаслик оқибатлари келиб чиқади. “Фарзандингиз билан биргаликда (севимли кўрсатув, жанр, сериал ёки китоб, асар, муаллиф) кўрадиган, қизиқтирадиган ахборот алмашинув манбаси мавжудми?” савол бўйича қуйидаги жавобларни олинди. 51 нафар (23 %) ота-она ўз фарзандлари билан биргаликда қизиқтирадиган ахборот алмашинув манбаси мавжуд, 63 нафарида (29 %) мавжуд эмас, 106 нафари (48 %) жавоб беришга иккиланган. Демак, 220 нафар респондентларнинг 51 нафари фарзандлари билан биргаликда ўзаро ҳамфикрлик бор, дейиш мумкин. Қолган жавоблар орқали фарзанд ва ота-онани боғловчи бошқа манбалар бўлиши мумкин ёки умуман ришталар мавжуд эмаслигини, таҳлил қилиш мумкин (37-расм).



37-расм.

“Оилада ота-она ва яқинларингиз билан биргаликда (севимли кўрсатув, жанр, сериал ёки китоб, асар, муаллиф) кўрадиган, қизиқтирадиган ахборот алмашинув манбаси мавжудми?” ушбу савол ёшларга ҳам берилганда, 518 нафар респондентнинг 269 нафари ҳа, деб жавоб беришган, 198 нафари йўқ, 51 нафари жавоб беришга қийналишган. Демак, ҳали ёшлар ва ота-оналарни ҳамфикр қилувчи ришталар умуман йўқолмаган, деган хулосага келиш мумкин. Ёшлар томонидан эътироф этилган 269 нафар жавоб вариантдан, ёшларда ота-оналари, яқинлари билан ҳамфикрликдаги қизиқишлар мавжудлигини кўрамиз (38-расм).




38-расм.

“Фарзандингизни ОАВ орқали (китоб мутоаласи, асар номи, қандай интернет сайтларига кириши, телеграм каналларида иштирок этиши ва ҳ.к.) ахборотлардан фойдаланишини назорат қиласизми?” деб, берилган саволга юқорида ота-оналарни 3 тоифасини келтириб изоҳлаб берилган эди. 49 нафар респондент, фарзандларини мунтазам назорат қилади, 42 нафари назорат қилади, лекин ҳар доим ҳам эмас, 27 нафари назорат қилмайди ва умуман ишим йўқ, 42 нафари мен фарзандимга чекловлар қўймайман, деган жавобларни айтишган.

Ота-она томонидан фарзандининг ахборотлашишида чекловлар қўйиш, ёки назорат қилиш эвазига ахборот манбасидан


фойдаланишни чегаралаб қўйиш маъносида эмас, балки ота-она тарбиячи сифатида фарзандга намуна кўрсатиш, тарбиялаш зарурдир. Ҳар доим ҳам фарзанд янги дунёни кашф қилишда тўғри саралаш қобилиятига эга бўлавермайди. Уларга тўғри мустаҳкам йўналиш бериш ота-онанинг бурчи ҳисобланади. Бунда ота-онанинг виртуал-педагогик маданиятининг ривожланганлиги, уларни ўзлаштириш маҳорати, мобиль кўникма (soft skills) муҳим аҳамиятга эга (39-расм).



39-расм.

Ёшлар фикрича, уларда “Сизни оилада ОАВ орқали (китоб мутоаласи, асар номи, қандай интернет сайтларига кириши, телеграм каналларида иштирок этиши ва ҳ.к.) ахборотлардан фойдаланишингизни кимдир назорат қиладими?” саволга нисбатан қуйидаги фикрларни келтирамиз. 518 нафар ёшларнинг 129 нафари (25 %) “Ҳа, ота-онам мунтазам назорат қилишади”, 135 нафари (26%) “Ҳа, лекин ҳар доим ҳам эмас”, 113 нафари (22 %) “Йўқ, умуман назорат қилишмайди”, 119 нафари (23 %) “Йўқ, мен оилада ҳеч ким чеклов қўймайди, менга ишонишади”, деган фикрларни билдиришган (40 расм). Ёшларга ишонч муҳим бўлиб, ушбу ишонч ўз ҳолига ташлаб қўйиш деганни англатмайди. Ёшларга тўғри

ҳаётни, муҳим кадриятларни аввало ота-оналар, катта ёшдагилар, педагоглар томонидан уқтирилиши керак. Ёшларнинг дунёни англашида, ҳаётнинг янги қирраларини кашф қилишида ота-онанинг виртуал педагогик-маданиятининг ривожланганлиги муҳим ҳисобланиб, бунинг учун эса дидактик усул ва воситалар, инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва уни педагогик амалиётга жорий этиш лозимлиги илмий асосланмоқда.




40-расм.

Ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш тизими глобал трансформацияси асосида ёшларда виртуал тобеликка қарши маънавий-ахлоқий иммунитетни ҳосил қилиш муҳим ҳисобланиб, мактабда ўқувчиларни педагогик ва психологик мониторинг қилиш орқали керакли йўналишларни аниқлаш ўз аҳамиятига эга.

Ота-оналар фарзандлари билан ахборот маконида ахборотларни ёшлар билан бирга муҳокама қилиш орқали, ёшларда ахборот эҳтиёжларидаги кўникмаларини шакллантириш мумкин. Ота-оналарнинг фарзандлар билан биргаликдаги таҳрирлари, ахборотларга нисбатан бўлган қарашлари қай даражада мос ёки қайси жиҳатларда қарашларда қарама-қарши фикрлар вужудга келмоқда, умуман ота-она фарзандлар билан ОАВ орқали хабарлар, ахборотларни муҳокама қилишга қай даражада вақт


ажратмоқдалар, қай даражада тоқатли бўлмоқдалар. Ушбу жиҳатларни билиш мақсадида, “Фарзандингиз билан биргаликда ОАВ лари орқали бериладиган ахборотларни муҳокама қиласизми?” савол орқали ота-она фикри ўрганилди. 18 нафар (10 %) вақти вақти билан фарзандлар билан фикр алмашиниб туриши ҳақида, 30 нафари (17 %) ҳа, лекин камдан-кам, 62 нафари (36%) фарзандлар билан мулоқотга вақт етмаслиги, шу билан бирга умуман муҳокама қилолмаслиги, 39 нафари (23 %) йўқ, деган фикрларни Самарқанд ўрган (41-расм).



41-расм.

“Ота - онангиз билан биргаликда ОАВ лари орқали бериладиган ахборотларни муҳокама қиласизми?”, савол бўйича ёшлар жавоблари қуйидаги кўринишда (42-расм).

Бугунги шиддатли замоннинг тезликда ривожланаётган даврда катталарда ҳам ёшларда ҳам ўзига яраша вақт муаммоси мавжуд. Бу муаммо виртуал олам билан ҳамоҳанглик билан ҳам асосланади.




42-расм.

Ёшлар аксарият вақтини виртуал мулоқот, ахборот алмашинувига бағишламоқда. Лекин кўп ҳолатларда ота-она ва фарзандлар ўзаро мулоқот қилиш ҳолатлари камайиб бормоқда, бу ўз навбатида ёшларнинг виртуал оламда адашиб қолиш ҳолатлари, виртуал оламда ўзлигини йўқотиш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Ота-оналарнинг ўзларида ҳам етарли даражада виртуал маданият, кўникмалар қай даражада шаклланган. Улар виртуал ахборотларни саралай олмақдаларми, уларда виртуал оламда адашиб қолмасликлари учун иммунитет ҳосил бўлганми?

Ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида, “Виртуал ахборот ва матнларни таҳлил қилиш, саралаш қобилиятига эгамисиз?” мазмунидаги савол билан респондентларга мурожаат қилинди. Ота-оналарнинг 43 нафари (18%) қайсидир маънода виртуал олам ахборотларини саралай олади, уларда етарли даражада кўникмалар ҳосил бўлган. Яна 43 нафари (18%) деярли виртуал олам ҳақида, ахборотларни саралаш ҳақида тушунчаларга эга, 28 нафари (11%) да эса кимларнингдир ёрдами эвазига виртуал ахборотларни саралай олиши мумкин, бўлмаса виртуал олам гирдобига шўнғиб

кетаверади, 103 нафари (41%) умуман виртуал оламда ахборот-лапрни сараламайди, ушбу қобилиятга эга эмаслигини кўриш мумкин (43-расм).



43-расм.

Ота-оналарда виртуал оламни тўғри англаши, ахборотларни саралай олиш кўникмаларининг ҳосил бўлганлиги, улардаги виртуал мулоқот, виртуал ахборотлашиш маданиятини шаклланганлигидан далолат беради. Лекин бизнинг таҳлил бўйича ота-оналарнинг 18% гина виртуал ахборот маданиятини ўзларида мужассам этмоқдалар. Ўз навбатида ота-оналар ҳам турли ҳолатларда виртуал – ахборот таҳдидларга кўникмалар, иммунитет шаклланганми?, деган савол пайдо бўлади. Ота-оналарда виртуал маданиятни ривожлантириш орқали нафақат уларнинг фарзандларини, ёшларни виртуал – ахборот таҳдидлардан ҳимоя қилган бўламиз, балки ота-оналарнинг ўзларида ҳам ушбу таҳдидларга нисбатан иммунитет ҳосил қилган бўламиз.

Ёшлар замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини тезликда ўзлаштирсада, уларда етарли тарзда ижтимоий тармоқларда ахборот алмашинуви бўйича кўникмалар тўлиқ шаклланмаган эканлигини ёшларнинг саволга нисбатан

фикрлари асосида айтиш мумкин (44- расм). Ёшларнинг 18 % виртуал оламда ахборот алмашинувида кўникмаларга эга эканлигини кўриш мумкин. Шунингдек, ёшларда ота-оналари, педагоглар томонидан виртуал маданиятини ривожлантириш орқали виртуал-ахборот таҳдидларга кўникма ҳосил қилган бўламиз.



44-расм.

“Ота-оналарнинг виртуал педагогик маданияти қандай ривожланади, деб ҳисоблайсиз?” деган саволга ота-оналар томонидан берилган жавоблардан, 43 нафари (15%) миллий, умуминсоний қадриятларимиз асосида, 57 нафари (24%) Интернетдан фойдаланиш одобига кўра, 59 нафари (37%) ахборот технологияларидан олган маълумотларни тўғри танлаш, фойдаланиш кўникмаси орқали, 91 нафари (15%) жавоб беришга қийналаман, деган фикрларни билдиришган (45-расм).



45-расм.


Албатта таклиф этилган жавоб вариантларининг барчаси муҳим ҳисобланиб, ахборот технологияларидан олинган маълумотларини тўғри танлаш, фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишда, миллий умуминсоний қадриятлар ҳам ўз аҳамиятига эга ва шу билан бирга, интернетдан фойдаланиш одоби ҳам тўғри шаклланган бўлиши лозим. Интернетдан фойдаланиш одоби, албатта инсонлардаги идрок, онгли ечим топиш, кўпроқ оммавийга эмас, ақл билан хатти-ҳаракатини бошқариш ҳисобланади. Ушбу кўникмаларни биринчи навбатда, ота-оналар ва уларнинг фарзандларида шакллантириш керак. Ушбу кўникмалар педагогик тарбия, педагогик таълим орқали уйғунлаштирилади.

Бугунги кунда барча муаммоларни келиб чиқиши, ёшлар орасидаги, oilalar орасидаги, хаттоки ажралишлар билан боғлиқ муаммоларни электрон ахборотлашиш, ижтимоий тармоқлар билан боғланмоқда. Албатта виртуал олам, кибер борлиқ асосида ўзига хос муаммоларнинг мавжуд бўлиши табиий ҳолат ҳисобланади. Лекин биз ушбу муаммоларни ечимини топиш учун уларни тақиқлаб ёки бутунлай ўчириб ташлай олмаймиз. Виртуал оламда ахборотлашишнинг асл моҳиятини англаш муҳим.

Биринчи навбатда виртуал оламнинг ижобий жиҳатларини кўриб чиқадиган бўлсак, виртуалликнинг ижобий томонлари унинг

салбий томонларидан ҳам кўра кўпроқдир, айнан виртуал оламнинг ижобий томонларини тўғри англаб етиш ҳам виртуал маданиятнинг биринчи кўринишидир. Биз ёшлар орасида урф бўлган ижтимоий тармоқларни, сайтларни ёпиш эвазига, ёки уларни чегаралаш эвазига муаммони янада чигаллаштиришга олиб келишимиз мумкин. Инсон ўз онгини бошқара олиши муҳимдир, бунда эса, онгли филтрлаш асосий омил сифатида кириб келади.

“Маълумотларни амалий филтрлаш деганда, ёшлар онгини бузувчи маълумотлари мавжуд сайтлар, тармоқларни блоклаш тушунилади. Нима деб ўйлайсиз, ёшларни тўғри тарбиялашда, виртуал маданиятини ривожлантиришда амалий филтрлаш қанчалик самара беради?” деб берилган саволга ота-оналарнинг 91 нафари (35 %) амалий филтрлаш кераклиги ҳақида ҳа, деб жавоб беришган, 154 нафари (60 %) амалий филтрлаш ўз самарасини бермаслигини айтишган (45-расм). Демак, ота-оналар ҳам бугунги кунда виртуал оламнинг салбий оқибатларини ёшлар онгидан сақлаш учун амалий филтрлар керак эмаслиги, бу яхши самара бермаслигини айтишган. Албатта, бу ҳолат ёшларда “инфологема” ҳолатининг авж олишга олиб келиши мумкин. Қанчалик бирор нарсани яширишга ҳаракат қилинса, бу нарсага атрофдагиларнинг шунчалик қизиқиши ортиб бораверади.



45-расм.

Худди шунингдек, амалий филтрлаш бўйича ёшлар фикри ҳам деярли ота-оналар фикри билан бир хил кўринишга эга (46-расм). 515 нафар респондентларнинг 351 нафари амалий филтрлаш муҳим эмас, яхши натижа бермаслигини ўз фикрлари асосида айтиб ўтишган.



46-расм.

Амалий филтрлаш нима дегани, қандай тушуниш мумкин? Амалий филтр дегани, виртуал оламни, электрон ахборотлашиш манбаларини амалий тарзда, яъни тақиқлар қўйиш, кодлаб қўйиш демакдир. Бугунги кунда амалий филтрларни сайтларга нисбатан, ижтимоий тармоқларга нисбатан қўлланилмоқда. Бутун дунё бўйлаб “Тик - Ток” тез оммалашган ижтимоий тармоқ платформаларидан бир ҳисобланади. Албатта, ушбу тармоқдаги video контентларнинг турли йўналишлар асосида шаклланганлигини инобатга олиб, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг, аксарият ёшларнинг онгига салбий таъсир кўрсатувчи омиллари жуда кўплигини инобатга олган ҳолда “Тик - Ток” ижтимоий тармоқдан мамлакатимизда фойдаланиш учун амалий тақиқ қўйилган. Лекин шундай бўлишига қарамай, ёшлар, ота-оналар ҳам ушбу тармоқдан бемалол фойдаланиш имконига эга бўлмоқдалар. Кодланган сайтларни очувчи дастур асосида ушбу ижтимоий тармоқдан

фойдаланиш имкони мавжуд. Демак, кўриниб турибдики, ижтимоий тармоқларни, виртуал ахборот алмашинуви майдонини амалий тақиқлар асосида тақиқлаш яхши самарали натижа бермайди. Албатта, “Тик - Ток” ижтимоий тармоғида ёшлар онгини бузувчи ахборотлар, видео роликлар жуда кўп, айнан шу каби роликларга нисбатан ёшларда, барча аҳолида кўникма ҳосил бўлиши лозим. Амалий тақиқлар асосида эмас, балки ушбу тармоқларда ёшларни маънавий камолатини шакллантирувчи материаллар кўйилса, ёшларни шу асосида қизиқтирилса, амалий тақиқнинг кераги ҳам бўлмайди. Инсон зоти ўзлаштирилиши ўзига осон, тез хазм бўлувчи ахборотларга қизиқади, ахборотлар узатиш, маълумотлар беришни осонлаштириш, ижтимоий тармоқларда бачкана ҳолатлар орқали эмас, қизиқарли маълумотлар асосида тақдим қилиш лозим. Кўпинча биз ахборотларни тақдим қилишда мураккаб йўлдан боришга ҳаракат қиламиз, ёшларга ҳаётни чиройли қилиб кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Лекин ёшлар реал ҳаётни кўриб катталарнинг эртагини ёлғон эканлигини пайқай бошлайди ва ўзининг тушунчалари билан ота-оналарининг тушунчалари ўртасидаги ўхшашликни топишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ёшлар қизиқувчан, барча нарсаларни кузатиб кўришга, бирор янги нарсани синаб кўришга интилади. Шундай экан, ёшларни, умуман барчани виртуал оламнинг салбий томонларидан сақлаш учун биринчи навбатда амалий филтрлаш эмас, балки онгли филтрлаш лозим. Бу эса, виртуал маданиятни ривожлантириш ҳисобланади. Виртуал оламда керакли ахборотлардан кераксизини ажратиш олиш, бу, айнан интернетдан фойдаланиш маданияти дейилади. Интернет фойдаланувчиси, аввало нима мақсадда интернет тармоғидан фойдаланаётганини, мақсадни англаб етиши лозим. Барча аҳоли каби ота-оналарнинг ҳам интернет оламида мулоқот учун ўз гуруҳлари, севимли, ҳаётини тасаввур қила олмайдиган ижтимоий тармоқлари мавжуд, ота-оналар интернет фойдаланувчи

сифатида, интернет фойдаланувчисининг маданиятини қандай талқин қилишмоқда (47-расм).

“Интернет фойдаланувчиси маданияти деганда, қандай таъриф бера оласиз?” деган савол бўйича ота-оналарнинг фикрлари, 29 нафар (15%) “Интернетдан фақат керакли ахборотларни олиш учун фойдаланиш”, 28 нафари (12%) “Интернетнинг салбий томонларини ва оқибатларини англаб етиш, тўғри ва мақсадли фойдаланиш”, 24 нафари (10%) “Танқидий таҳлил кўникмаларига эга бўлиш”, 22 нафари (9%) “Ахборотларни таҳлил қила олиш кўникмаси”, 21 нафари (9%) “Интернетдан тўғри йўлда фойдаланувчи”, 20 нафари (8%) “Интернет бўйича барча билим ва кўникмаларга эга бўлиш”, 17 нафари (7%) “Интернетдан ахборот олишда тўғри мақсад қўйиш”, 11 нафари (4%) “Интернетдан хавфли ва хавфсиз фойдаланишни билиш”, 11 нафари (5%) “Интернетдан фойдаланганда рекламаларга эътибор бермаслик”, 9 нафари (4%) “Интернет сабоқларини ўрганиш”, 8 нафари (3%) “Ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш”, каби фикрлар айтиб ўтилган.




47-расм.

Ота-оналарнинг барча жавобларидан, шунини айтиш лозимки, муайян жараёнда ёшларни виртуал оламда хатти-ҳаракатини тўғри йўналтириш учун онгли тарзда филтрлаш кўникмасини шакллантириш лозим экан. Ота-оналарга ҳам ёшларга ҳам бир хилда “Онгли орқали филтрлашни қандай тушунасиз?”, деган савол билан мувожаат қилинди.


Ота-оналардан иборат респондентларнинг 255 нафаридан, 63 нафари (25%), ёшларнинг 514 нафаридан, 65 нафари (13%) “Виртуал маконда медиа истеъмолида ҳаққоний, тўғри ёки фейк маълумотларни онгли равишда саралай олиш”, деган жавобларни берган бўлса. 51 нафар (20%) ота-она ва 41 нафар (8%) “Медиа ахборотини ҳаққоний, тўғрилигига амин бўлмагунча бошқа одамларга тавсия қилмаслик”, 39 нафар (15%) ота-она, 29 нафар (6%) ёшлар “Виртуал олам маълумотларини доимо ҳаққоний маълумот эканлигини текшириш”, 24 нафар (9%) ота-она ва 26 нафар (5%) ёшлар “Турли фейк маълумотларга учмаслик”, 28 нафар (11%) ота-она ва 49 нафар (9%) ёшлар “Тақдим этилаётган маълумотларни биринчилардан бўлиш мақсадида оммага тарқатмаслик”, 16 нафар (6%) ота-она, 45 нафар (9%) ёшлар томонидан “Исботга эга бўлмаган маълумотларни ҳеч қачон эҳтибос сифатида ишлатмаслик”, 30 нафар (12%) ота-она, 234 нафар (45%) ёшлар фикридан эса берилган барча жавоб вариантларига қўшилишини айтиб ўтган. (48 ва 49-расмлар).

Албатта онгли филтрлашда, виртуал маконда медиа истеъмолида ҳаққоний, тўғри ёки фейк маълумотларни онгли равишда саралай олиш, медиа ахборотини ҳаққоний, тўғрилигига амин бўлмагунча бошқа одамларга тавсия қилмаслик, виртуал олам маълумотларини доимо ҳаққоний маълумот эканлигини текшириш, турли фейк маълумотларга учмаслик, тақдим этилаётган маълумотларни биринчилардан бўлиш мақсадида оммага тарқатмаслик, исботга эга бўлмаган маълумотларни ҳеч қачон эҳтибос сифатида ишлатмаслик, каби барча фикрлар асослидир. Инсонлар

қанчалик онгли фильтрлаш кўникмасига эга бўлса, шунчалик кенг ахборотлардан тўғри ва унумли фойдалана олади. Бизга кераксиз маълумотларни ўрганиб чиқиш, уларга реакция билдириш учун бебаҳо вақтларни сарфлаганимизни билмай қоламиз.



48-расм.



49-расм.

Ёшлардан “Сиз, ўзингизни онг орқали филтрлаш кўникмасига эгаман деб ҳисоблайсизми?”, деган савол асосида фикрини билиш муҳим ҳисобланди. 9-жадвалда ёшлар томонидан берилган жавоблар акс этганини кўриш мумкин. Жадвалда кўриш мумкин-ки, ёшларнинг 291 нафари (57 %) “Йўқ, мен бу каби филтрлаш кўникмасига эга бўлолмаяпман”, деган фикр кўпчиликини фикрига тўғри келган. Албатта, ёшлар онг орқали филтрлаш деганда, юқорида айтиб ўтилган фикрларни кўрсатган бўлса-да, ўзларида ушбу кўникмани ҳосил қилиши, ўзларида ушбу кўникмани бор, деб айтиши қийинлиги жавоблар тарзда акс этганини кўриш мумкин. Ёшлар онг орқали филтрлаш керак, деб ҳисобласаларда, буни ўзлари мустақил тарзда урдасидан чиқиш қийинлигини ўз жавобларида асослашган.


9 -жадвал

	32.Ёшларнинг онг орқали филтрлаш кўникмасига эга эканлиги	сонда	%
1	Ҳа	93	18
2	Ҳадан кўра, йўқ	67	13
3	Йўқ	48	9
4	Йўқ, мен бу каби филтрлаш кўникмасига эга бўлолмаяпман	291	57
5	<i>Бошқа</i>	15	3
	Жами	514	100

Ёшларда онгли филтрлаш кўникмасини ҳосил қилишда айнан ота-оналарда виртуал-педагогик маданиятни ривожлантириш орқали шакллантириш мумкинлиги, ушбу тадқиқотимизнинг долзарб аҳамиятли эканлигини асослайди.


Ёшларда виртуал – педагогик маданиятни шакллантиришда айнан қайси метод, усуллар самарали ҳисобланмоқда. Икки гуруҳдаги респондентлардан ушбу савол бўйича фикрлари қуйидагича акс этган. Ота-оналардан иборат респондентларнинг фикри, 141 нафари (45%) “Мақтаб ўқув дастури орқали, “Интернет маданияти”,

“Виртуал педагогика”, “Медиа маданияти” каби дарсликлар орқали таъсир”, 87 нафари (28%) “Телевидения (ОАВ) орқали ота-оналарга ёшлар тарбиясида виртуал-педагогик маданиятни шакллантирувчи кўрсатувлар, саҳифалар тарзда етказилса”, 33 нафари (10%) “Ижтимоий тармоқларда ота-она ва фарзандлар мулоқотини йўлга қўйиш”, 49 нафари (15%) “ОТМ талабалари учун педагогика фани доирасида “Виртуал-педагогик маданият” ўқув қўлланмасини барча йўналишлар учун ўқитиш”, каби жавобларни кўриш мумкин (50-расм).



50-расм.

Ёшлар фикрида, 254 нафари “Мактаб ўқув дастури орқали, “Интернет маданияти”, “Виртуал педагогика”, “Медиа маданияти” каби ўқув қўлланмалар орқали таъсир”, 246 нафари “Телевидения (ОАВ) орқали виртуал-педагогик маданиятни ривожлантирувчи кўрсатувлар, саҳифалар тарзда етказилса”, 98 нафари “Ижтимоий тармоқларда ота-она ва фарзандлар мулоқотини йўлга қўйиш”, 114 нафари “ОТМ талабалари учун педагогика фани доирасида “Виртуал педагогик маданият” ўқув қўлланмасини барча йўналишлар учун ўқитиш”, каби жавоблар акс этган (51-расм).



51-расм.

Ота-оналар ва ёшлар фикрида “Мактаб ўқув дастури орқали, “Интернет маданияти”, “Виртуал педагогика”, “Медиа маданияти” каби ўқув қўлланмалари орқали таъсир” энг кўп жавоб вариантлари ҳисобланиб, албатта бугунги кунда ёшларнинг медиасаводхонлигини оширишда ушбу усул энг самарали метод ҳисобланади. Бугунги кунда мактаб дастурларига (Информатика асослари фани) виртуал маданиятни шакллантирувчи, медиасаводхонлик дарсларининг мактаб дастурига киритилиши, ёшлар орасида виртуал маданиятнинг ривожланмаганлиги сабабли келтириб чиқараётган долзарб муаммоларнинг муҳим масалалари ўз ечимини топади, деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА

Ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш масалалари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларни кўрсатиб ўтиш лозим:

Ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш соҳасини янада такомиллаштириш зарурати асосида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ота-оналарда виртуал маданият ҳақидаги тасаввурлар етарли даражада шаклланмаган бўлиб, айни вақтда ота-оналарда виртуал-педагогик маданиятни ривожлантириш, уларда виртуал ахборот алмашинуви кўникмаларини самарали ривожлантириш керак.

Ёшлар турмуш тарзининг, ҳаётий мазмунининг бир бўлагига айланиб улгурган виртуал оламда иштирокини онгли филтрлаш асосида ота-оналар виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш орқали сингдириб бориш зарур.

Ёшлар виртуал оламда ўзларини хотиржам ҳис қилмоқдалар. Улар ҳақиқий ҳаётга қараганда ўзларини виртуал оламдаги ҳаётда қулай сезишмоқда. Виртуал оламдаги иштирокида биринчи танишиш, кўникма ҳосил қилиш ва охиргиси ўзини қулай бурчагини эгаллаш ҳисобланиб, охирги чўққига етганда, ундан чиқариб олиш жуда мураккаб ҳисобланади. Бу каби ҳолатлар амалда жуда кўп кузатилмоқда. Шу сабабли ҳам ота-оналарда виртуал педагогик маданиятни ривожлантириш ва бу орқали ёшларнинг ўз қулай бурчагига эга бўлиб қолмаслиги учун ҳаракат қилиш лозим. Ёшлар ўзининг қулай бурчагига эга бўлганда, улар ҳақиқий ҳаётни ҳис қилмайдилар, юриш туришда ҳам уларни ўз қулай бурчаги томон тортаверади. Ота-она, қариндош, яқинлар, дўстлар каби ришталар, қадриятлар секин-аста онгидан ўчирила бошлайди. Ўз қулай бурчагидан охирги миссияга етиб келган

тақдирда, ёшлар орасида кўп ҳолларда ўз жонига қасд қилиши, ёки кўзига кўринган ҳар қандай унинг фикрига қарши бўлган инсонларга қарши зиён етказишгача боради. Бу ҳолатларни ўз вақтида бартараф қилиш, бу ҳолатгача олиб бормаслик жуда муҳим.

Виртуал оламда ахборот истеъмолчиси сифатида ота-она, ёшлар ҳулқ-атворида ўзгаришлар мавжуд бўлиб, ушбу ўзгаришлар ҳақиқий ҳаётда ўз таъсирини кўрсатмоқда. Аксарият виртуал олам фойдаланувчилари виртуал ҳаётда лидер, фаол бўлишига қарамай, ҳақиқий ҳаётда инсонлар билан муносабатда ўзларини йўқотиб қўйишлари, виртуал оламдаги қаҳрамонлар каби ўзларини тутишлари каби ҳолатлар, бугунги кунда мамлакатдаги, бутун дунёдаги бир хил қиёфаларнинг кўпайиб кетаётганлиги билан асосланмоқда.

Виртуал олам иштирокчиси сифатида ота-она ва ёшлар талқинида виртуаллик, маданият ва виртуал-педагогик маданият уйғунлашуви тушунчалари назарий шаклланганлиги билан амалда ушбу тушунчаларни қўлланилиши етарли даражада англанилмаган. Ёшларда ва катталарда бир хил тарзда медиа истеъмолчиси сифатида тобелик даражаси юқори бўлиб бормоқда. Ва бу ҳолат ўз навбатида оила анъаналари, миллий қадриятларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ахборотлашган жамият шароитида ота-она ва ёшлар виртуал муносабатларининг ахборот эҳтиёжларида виртуал-педагогик маданиятни ривожлантиришда онгли филтрлаш муҳим ҳисобланиб, етарли тарзда англаб етилмаган. Буни ижтимоий тармоқларни, сайтларни амалий филтрлар асосида тақиқлашга уриниш ҳолатлари орқали таҳлил қилиш мумкин. Ушбу ҳулосалардан келиб чиқиб, тадқиқотнинг илмий фарази исботланган деб изоҳланади. Шу билан тадқиқот ҳулосалари асосида қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** беришимиз мумкин:

Ўрта таълим дастурида (Информатика асослари фани), мактаб ўқувчиларнинг ўқув дарсларига кўшимча танлов фан сифатида, “Интернет маданияти”, “Виртуал педагогика”, “Медиа маданияти” каби дарсларни киритиш лозимлигини муҳим ҳисоблаймиз. Бу ўз навбатида, мактаб ўқувчиларда виртуал маданиятнинг тўғри шаклланишига олиб келиши билан бирга, ёшларнинг виртуал олами англашида тўғри йўналишга олиб чиқади;

ОАВ орқали ёшларнинг виртуаллашиши, виртуал маданият, тобеликнинг салбий жиҳатлари ҳақида кўрсатувлар, лойиҳаларни кўпайтириш лозим. Бу орқали ёшларда ва умуман мамлакатимиз аҳолисида виртуал маданиятнинг ривожланишига ёрдам берган бўлар эди.

Интернет тармоғи орқали ривожланган сайтлар, ижтимоий тармоқлар орқали ёшларни онгида Ватанпарварлик руҳи, миллий ўзлик, қадриятларни юксалтирувчи тарғибот ғояларини кучайтириш, ёшларни қизиқтирувчи, уларнинг бўш вақтини қизиқарли ўтишини таъминловчи ва шунинг билан уларда ўзлигини англаш, миллий ғурурини, шаънини кўтарувчи конкурслар, беллашувларни ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу орқали ёшларда ўз Ватанига муҳаббат, оиласига муҳаббат ғояларининг шаклланишига олиб келади деб ҳисоблаймиз;

Ота-оналарда виртуал-педагогик маданиятни ривожлантириш орқали онгли филтрлаш тушунчаларини ёшларда шакллантириш, уларда онгли филтрлаш ғояларининг мустаҳкам омилларини тарғиб қилувчи маънавий таъсир қилиш, ҳар бир соҳа бўйича билим кўникмаларни кучайтириш.

Ота-оналарда виртуал-педагогик маданиятни ривожлантиришда онгли филтрлаш усулларини ишлаб чиқишда, ахборот дастурий таъминоти-платформасини ишлаб чиқиш, ота-она ва уларнинг фарзандларига, жамоатчилик кенгашига кенг тарғиб қилиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Норматив ҳуқуқий база

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: “Ўзбекистон”, 2017.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сонли Фармони.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3721-сонли Қарори.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Курольли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-3898-сонли Қарори.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сонли Қарори.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли Қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.М.Мирзиёев асарлари

2.1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. Т. 1-24. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1996-2015.

2.2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016.

2.3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.

2.4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.

2.5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.

2.6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т: “Ўзбекистон”, 2017.

III. Китоб, монография ва рисодалар.

3.1. Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Т.: “Мовароуннахр”, 2005.

3.2. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: “Ёзувчи”, 2001.

3.3. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: “Фан”, 1972.

3.4. Абу Али ибн Сина. Философский трактаты. – М.: Наука, 1980.

3.5. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: “Фан”, 1971.

3.6. Абдулқосим Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: “Камалак”, 1992.

3.7. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Т.: 1990.

3.8. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1983.

3.9. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: “Юлдузча”, 1989.

3.10. Абдулла Қодирий. Тўла асарлар тўплами. Т.1. – Т.: “Маънавият”, 1996.

3.11. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Т.: “Маънавият”, 1998.

3.12. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 1996.

3.13. Чўлпон. Асарлар: 3 томлик. (О.Шарафуддинов таҳрири остида). Т.1. – Т.: “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 1994.

3.14. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: “Халқ мероси”, 1993.

3.15. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013.

3.16. Назаров Қ. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.

3.17. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. – Т.: “Маънавият”, 2001.

3.18. Эргашев И. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли ва мафкуравий жараёнлар. – Т.: “Ижод дунёси”, 2002.

3.19. Абилов Ў. Миллий ғоя: маънавий омиллар. – Т.: “Маънавият”, 1999.

3.20. Мамашокиров С. Ўзбекистонда янги жамият қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ЎЗМУ, 2004.

3.21. Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Т.: “Шарқ”, 1996.

3.22. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Т.: “Маънавият”, 2008.

3.23. Қурононов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Т.: “Маънавият”, 2008.

3.24. Бегматов А. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. – Т.: “Адолат”, 2003.

3.25. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.

3.26. Саъдуллаев Д. СМИ: язык, стиль, толерантность. – Т.: “Фан”, 2005.

3.27. Шермухамедов С., Султонов Т. Оила – истеъдодли ёшларни тарбиялашда энг муҳим босқич. – Т.: “Маънавият”, 2002.

3.28. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Т.: “Академия”, 2007.

3.29. Пахрутдинов. Ш. Таҳдид-халокатли куч. – Т.: “Академия”, 2001.

3.30. Туйчиев Б.Т. Политическая культура и демократизация общества. – Т.: “Шарқ”, 2009.

3.31. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т.: “Шарқ”, 1998.

- 3.32. Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ. - Т.: “Фан”, 2005.
- 3.33. Алимардонов Т. Эркинлик руҳи. – Т.: “Нишон-нашр”, 2015.
- 3.35. Мухтаров А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003.
- 3.36. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. – Тошкент: “Akademiya”, 2007.
- 3.37. Шайхова Х. Маънавият – камолот кўзгуси –Т.: “Ғ.Ғулом”, 2009.
- 3.38. Саифназаров И., Саифназарова Ф. Маънавиятимизнинг умрбоқий сарчашмалари. –Т.: “Меҳнат”, 1997.
- 3.39. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. – Т.: “Академия”, 2007.
- 3.40. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: “Маънавият”, 1998.
- 3.41. Равшанов Ф. Маънавий тараққиётга таҳдидлар. – Т.: “Муҳаррир”, 1998.
- 3.42. Халматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
- 3.43. Эгамбердиева Т. Функциональные особенности узбекской семьи в условиях рыночных отношений. – Фергана, 1997.
- 3.44. Абдуллажанов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т.: “Академия”, 2000.
- 3.45. Камилова С. Диний эътиқод, ақидапарастлик, сиёсат. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
- 3.46. Раҳматов О. Огоҳлик – муқаддас бурч. – Т.: “Мовароуннахр”, 2000.
- 3.47. Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: кеча ва бугун. – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2008.

3.48. Бекмуродов М. Миссионерлик ва прозелитизм: мақсадлар, вазифалар, усуллар. Ўқув-услубий семинарлар тўплами. – Т.: 2012.

3.49. Мўминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. – Т.: “Turon zamin ziyo”, 2013.

3.50. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Т.: “Akademiya”, 2010.

3.51. Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Т.: “Akademiya”, 2008.

3.52. Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Т.: Шарқ, 2001. Сафарова Н. Терроризм: манбалар, мақсади ва глобаллашув жараёни (тарихий-фалсафий таҳлил) – Т.: “Фан”, 2006.

3.53. Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Т.: “Тафаккур”, 2009.

3.54. Ғаниев А. Ғарб оламидаги ахлоқий муаммолар. – Тошкент: “Ворис”, 2007.

3.55. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: “Маънавият”, 2008.

3.56. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Тошкент: “Маънавият”, 2006.

3.57. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: “Муҳаррир нашриёти”, 2009.

3.58. Аббосхўжаев О. ва бошқалар. Мафкура полигонларидаги олишув. – Тошкент: “Академия”, 2007.

3.60. Маънавий тарбия: хрестоматия. М.Қурононов ва бошқа. – Т.: “Turon zamin ziyo”, 2014.

3.61. Умарова Н. “Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар”. – Т.: Академия, 2008.

3.62. Ҳ.Икромова, А.Зайнитдинова. Маънавий баркамоллик – тараққиётнинг пойдевори. Илмий-услубий рисола. Тошкент, 2010.

3.63. Тохир Карим. Муқаддас “Авесто” изидан. –Тошкент, 2000.

3.64. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2008.

3.65. Залолатга кетманг! Хизбут-таҳрир фитнасидан огоҳ бўлинг. – Т.: “Мавороуннахр”, 2003.

3.65. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. – Т.: Маънавият, 2004.

3.67. Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик – тинчлик гарови. – Т.: ЖИДУ, 2005.

3.68. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: “Ғ.Ғулом”, 2009.

3.69. Қуръони карим таржима ва илмий-тарихий изоҳлар. 1-Китоб, –Т.: “Фан”, 2004.

3.70 Ахлоқ-одобга оид ҳадис нуманалари. –Т.:Фан, 1990.

3.71. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т.: Шарқ, 2006.

3.72. Фалсафа: қомусий луғат. –Т.: “Шарқ”, 2004.

3.73. Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. –Т.: “Академия”, 2005.

3.74. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.

3.75. Тарбия (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.

IV. Хорижда нашр этилган адабиётлар.

4.1. Бжезинский З. Великая шахматная доска (Господство Америки и его геостратегические императивы) Перевод О.Ю. Уральской. – М.: Международные отношения, 1998.

4.2. Giddens A. Runaway world: How Globalisation is Reshaping Our Live. – Ntw York .Routliege. 2000.

4.3. Masamichi Sasaki. Globalization and National Identity in Japan // Internatonal Journal of Japanese Sociology, 2004.

4.5. Eric H. Erickson. Identity. Youth and Crisis. W.W. Norton&Company. – New York. London. 1968.

4.6. Freud Z. Freud and the 20th century. - Cleveland, 1963.

4.7. Mannheim K. Freedom, power and democratic planning. With a note by Ernest K[ohn] Bramstedt [i.e. Ernst Kohn-Bramstedt] and Hans Gerth. Xxiv, – New York, 1997.

4.8. Black M. The social theories of Talkott Parsons, a critical examination. Englewood Cliffs: Prentice-Hall, 1961.

4.9. Toffler Al. Powershift: Knowledge, Wealth, and Violence at the Edge of the 21-st Century. New York; London, 1990.

4.10. Майданов А.С. Миф как источник знания. // Вопросы философии. – М.: 2004. Иноземцев В. Вестернизация как глобализация и «глобализация» как американизация. // Вопросы философии. 2004.

4.11. Ганжин В.Т. Социальный иммунитет России как ресурс безопасности Отечества. // Безопасность. 1995.

4.12. Спиркин А.Г. Философия: Учебник. 2-е изд., – М.: Гардарики, 2006.

4.13. Чумаков А.Н. Философия глобальных проблем. – М.: Знание, 1994.

4.14. Чумаков А.Н. Глобализация, контуры целостного мира. Монография. –М.: Проспект, 2005.

4.15. Авдеева Р.Ф. Философия информационной цивилизации. – М.: ВЛАДОС, 1994.

4.16. Алексеева Т.А. Либерализм как политическая идеология. – М.: Полития, 2000.

4.17. Нисневич Ю.А. Информация и власть. – М.: Мысль, 2000.

4.18 Слипченко В. Война будущего (прогностический анализ). – М.: Глобус, 2001. Согрин В.В. Идеология в американской истории. – М.: ОЛМА - ПРЕСС, 1995.

4.19. Крылова И.А. Проблема безопасности России в контексте глобализации. – М.: Институт философии РАН, 2001.

4.20. Крысько В. Секреты психологической войны. – М.: Наука, 1999.

4.21. Кузнецов Ю., Никольский В. Введение в теорию национальной безопасности. – М.: Культура – Сеть, 2000.

4.22. Кузнецов Ю.П. Террор как средство политической борьбы экстремистских группировок и некоторых государств. – СПб., 1998.

4.23. Кожушко Е.П. Современный терроризм: анализ основных направлений. – Минск: Харвест, 2000.

4.24. История античности. – М.: Правда, 1989. - С. 64.

4.25. История философии: Запад-Россия-Восток. – М.: Эксмо, 2000.

4.26. Беседы и суждения Конфуция. – СПб.: Издательство «Кристалл», 1999.

4.27. Гегель Г.В.Ф. Философия права // Немецкая классическая философия. Т.1. Право и свобода. – С. 472.

4.28. Макиавелли Н. Государь. Избр.соч. –М.: Мысль, 1982.

4.29. Гоббс Т. Сочинения. Том 2. –М.: Мысль, 1991.

4.30. Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре. Трактаты. –М.: Канон-пресс, 2000.

4.31. Достоевский Ф.М. Полн. собр.соч. Т. 28.Ч. 1.

4.32. Бердяев Н. Судьба России. Опыты по психологии войны и национальности. –М., 1918.

4.33. Вехи. Интеллигенция в России. -Москва: Молодая гвардия, 1991.

4.35. Маковельский А.О. Авеста. – Баку: АН Азәрб. ССР, 1960.

4.36. Декарт Р. Рассуждение о методе, чтобы верно направлять свой разум и отыскивать истину в науках и другие философские работы. - М.: Академический проект, 2011.

4.37. Данилов-Данилян В.И. Устойчивое развитие – проблема выживания человека // Наука.Общество.Человек. - М., 2004.

4.38. Чистякова С.С. Глобализация культуры: генезис, типология, современные аспекты: дис. канд. филос. наук. Белгород, 2007.

4.39. Чугров С. Россия и Япония: о некоторых параллелях в политической культуре // Мировая экономика и международные отношения, 2002.

4.40. Крупянко М.И., Арешидзе Л.Г. Внешнеполитическая идеология японского консерватизма после “холодной войны”: значение для России // Восток, 2001.

4.41. Рейснер П.Р. Эволюция восточных обществ: Синтез традиционного и современного. – М.: Наука, 1984. Федотова В.Г. Факторы ценностных изменений на Западе и в России // Вопросы философии, 2005.

4.42. Шамир И. Хозяева дискурса: Американо-израильский терроризм. – М., 2003.

4.43. Тоффлер Э. Третья волна. – М.: Аст, 1999. - С. 602.

V. Журнал ва рўзномалар.

5.1. Жўраев Н. Миллий истиқлол мафкураси, шаклланиш жараёни. // Шарқ машъали. 1998 й.

5.2. Отамуродов С. Тажовуздан сақланиш йўли. Тафаккур. 2006.

5.3. Бьюкенен П.Ж. Ғарбнинг ҳалокати// Жаҳон адабиёти. 2007 йил. 1-2-сонлар.

5.4. Эркаев А. Глобаллашув: ахборот хуружи ва оммавий маданият. Таффакур. 2008

5.5. Муҳаммад Али. Мен кўрган Америка. // Жаҳон адабиёти. июль, 1998.

5.6. Зокиров Б. Ғарб тамаддуни: инқироз аломатлари. Ж.// Тафаккур, 2007.

5.7. Зокиров Б. Глобаллашув зиддиятлари. // Тафаккур. 1-сон, 2004.

5.8. Халқ сўзи, 2017 йил 8 декабрь.

5.9. Экономика и статистика. 1993, № 11. - С. 23.

5.10. “Независимая газета”, 2005 йил.

5.11. Маърифат газетаси. 2017 йил 7 июнь, 45-сони.

VI. Диссертация ва авторефератлар.

6.1. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчиларида маънавий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари. Педагогика фанлари доктори дисс. – Т.: 1993 – 364 б.

6.2. Рустамова Н.Р. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари медиамаданиятини ривожлантириш технологияси (7-9-синфлар мисолида): педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Тошкент, 2019, 42 б.

6.3. Салиева З.Т. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2017, 118 б.

6.4. Тайлақова Ш. Ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2018 йил.

6.5. Абдуллаева М. Ўсмирларни оилавий ҳаётга маънавий тайёрлашнинг ижтимоий - педагогик шарт-шароитлари. Пед. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: ЎзПФТИ, 2004.

6.6. Қаҳҳарова М. Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳим: муаммо ва ечимлар. Фалсафа фан. доктори ... дисс. автореф. –Т.: ЎзМУ, 2012.

6.7. Ахмедов Х. Ўзбекистонда жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикаси (ижтимоий-сиёсий таҳлил). Сиёсий фанлар доктори (DSc) дисс.автореферати. – Т.: ЎзМУ, 2018.

6.8. Мавлонов Ш. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформацияси. Сиёсий фанлар доктори (PhD) дисс.автореферати. – Т.: ЎзМУ, 2018.

6.9. Хайдарова Х.Р. Ахборотлашган жамият шароитида оналарнинг виртуал-педагогик маданиятини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2022, 251 б.

VII. Интернет маълумотлари.

7.1. <https://kun.uz/99444746>

7.2. <https://daryo.uz/k/2019/01/14/2018-yilda-ozbekistonda-sud-orqali-40-mingga-yaqin-oila-ajrashdi/>

7.3. <http://fikir.uz/blog/12900.html>

7.4. <https://president.uz/uz/lists/view/2180>

7.5. <http://uza.uz/oz/society/9-dekabr-khal-aro-korruptsiyaga-arshi-kurash-kuni-09-12-2018>

7.6. <http://uza.uz/oz/society/izhtimoiy-s-rov-natizhalari-so-li-ni-sa-lash-korruptsiya-eng-02-02-2018>

7.7. <http://vpm.shunqor.uz/>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ШАРОИТИДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ ВИРТУАЛ-ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	
1.1. Ахборотлашган жамиятда ота-оналарнинг виртуал-педагогик маданияти: мазмуни, таркибий қисмлари ва мезонлари.....	8
1.2. Ота-оналарнинг виртуал ва педагогик маданияти концепциясининг тадрижий ривожланиш босқичлари.....	21
1.3. Ота-оналарнинг виртуал-педагогик мада- нияти инсоннинг умумий маданиятининг бир қисми сифатида.....	36
II БОБ. ҲОЗИРГИ ДАВРДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ ВИРТУАЛ-ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ	
2.1. Ота-оналарнинг виртуал-педагогик мадани- ятини ривожлантириш жараёнини ташкил этишга тизимли-комплекс ёндашув.....	50
2.2. Ота-оналарнинг виртуал-педагогик мадани- ятини ривожлантиришда синергетик ёнда- шув зарурати.....	63
2.3. Виртуал-педагогик таълим муҳитининг ди- дактик салоҳияти ва унинг намунавий моделлари.....	83

III БОБ.	ОТА-ОНАЛАРНИНГ ВИРТУАЛ- ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ШАКЛ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ	
3.1.	Ота-оналарнинг виртуал-педагогик мадания- тини намоён бўлиш шакллари.....	97
3.2.	Ота-оналарнинг виртуал-педагогик мадания- тини ривожлантиришнинг дидактик усул ва воситалари.....	110
3.3.	Ота-оналарнинг виртуал-педагогик мадания- тини ривожлантиришнинг инновацион тех- нологиялари.....	127
IV БОБ.	ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ	
4.1.	Ота-оналарнинг виртуал-педагогик мадани- ятини ривожлантиришга доир тажриба-си- нов ишлари.....	141
4.2.	Ота-оналарнинг виртуал-педагогик мадани- ятини ривожлантириш даражасини аниқлаш мезон ва кўрсаткичлари.....	53
4.3.	Ота-оналарнинг виртуал-педагогик мадания- тини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари.....	172
ХУЛОСА		199
Фойдаланилган адабиётлар		202

ХАЙДАРОВА ХИЛОЛА РАХИМБЕРДИЕВНА

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ
ШАРОИТИДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ
ВИРТУАЛ-ПЕДАГОГИК
МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Тошкент – «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi» – 2022

Мухаррир:	М.Хайитова
Техник муҳаррир:	М.Турсунов
Мусаввир:	А.Шушунов
Мусаххих:	Л.Ибрагимов
Компьютерда саҳифаловчи:	М.Зойирова

**E-mail: nashr2019@inbox.ru Тел: +99899920-90-35
Nashr.lits. 3226-275f-3128-7d30-5c28-4094-7907, 08.10.2020.**

Босишга рухсат этилди 08.09 .2022.

Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси.

Офсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 14,0. Нашр босма табоғи 13,5.

Тиражи 100. Буюртма № 82

«Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi»

босмаҳонасида чоп этилди.

100174, Тошкент ш., Олмазор тумани Университет кўчаси, 7-уй.